

**ШАРҚ ТИЛЛАРИ ИККИ ТИЛЛИ  
ЛУҒАТЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК  
ТАДҚИҚОТЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**ШАРҚ ТИЛЛАРИ ИККИ  
ТИЛЛИ ЛУҒАТЛАРИНИНГ  
ЛЕКСИКОГРАФИК  
ТАДҚИҚОТЛАРИ**



Тошкент–2015

Мазкур монография “ЁА1-13 Шарқ тиллари икки тилли луғатларининиг лексикографик тадқиқотлари” лойиҳаси доирасида тайёрланди. Монография шарқ тиллари терминологияси, лексикологияси ҳамда шарқ тиллари луғатчилиги шаклланиши тарихига оид маълумотларни ўз ичига олади. Унда келтирилган маълумотлардан шарқ тиллари лексикологияси ва лексикографияси билан кизикувчилар фойдаланишлари мумкин.

**Нашрга тайёрловчи:** ф.ф.н. Д.Ахмедова

**Масъул муҳаррир:** ф.ф.н., доц. Х.Алимова

**Такризчилар:**

Профессор А.Куронбеков

Профессор Э.Умаров

*Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгаши томонидан  
нашрга тавсия этилган (2015 йил 5 октябрдаги 2-сон  
баённомаси).*

© Extremum-press, 2015

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2015

## МУҚАДДИМА

Лексикография (қадимги юнончада  $\lambda\epsilon\zeta\iota\kappa\acute{o}\nu$ , *lexikon* – “луғат” ва  $\gamma\rho\acute{\alpha}\phi\omicron$ , *grapho* “ёзяман”) – тилшуносликнинг бўлими бўлиб, луғатларни тузиш ва уларни ўрганиш каби масалалар билан шуғулланади; сўзнинг семантик тузилиши, сўзларнинг хусусиятлари, уларни талқин қилишни ўрганадиган фан.

Амалий лексикография тил ўрганишни, тилни таърифлаш ва меъёрлашни, тиллараро мулоқотни ҳамда тилнинг илмий тадқиқ қилинишини таъминлаган ҳолда, муҳим ижтимоий вазифаларни бажариб келади. Лексикография тил ҳақидаги билимларнинг бутунлай мажмуасини луғавий тақдим этишда энг мақбул ва мумкин бўлган усулларни топишга ҳаракат қилади.

Назарий лексикография луғатнинг макротузилмаси (лексикани танлаб олиш, сўзловнинг ҳажми ва хусусияти, материалнинг жойлашиши тамойиллари)ни ва луғатнинг микротузилмаси (луғат мақоласининг тузилиши, луғавий таърифларнинг турлари, сўз ҳақидаги турли маълумотларнинг ўзаро мутаносиблиги, кўргазмалар тил турлари ва ҳ.к.)ни ишлаб чиқиш ҳамда луғатлар типологиясини яратиш ва лексикография тарихи билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуасини қамраб олади.

Лексикография сўзни унинг барча хусусиятлари мажмуасида тақдим қилади, шунинг учун луғат нафақат тил бўйича ноёб ва ўрни босилмас қўлланма, балки илмий тадқиқотлар учун энг муҳим восита ҳисобланади. ХХI асрнинг тилшунослик (лингвистик) фани луғат шаклида қўлга киритилган барча билимларни мужассам қилишга интилади, шунинг учун энг янги луғатларда нафақат сўзлар, балки турли тил бирликлари ҳам таърифлаш (тавсифлаш) объектига айланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин, Ўзбекистон жаҳонга юз тутиб, тобора юксалиш, янгиланиш жараёнига кириб келганлиги, фан ва маданиятнинг миллат манфаати учун хизмат қилмайдиган мафкура исқанжасидан қутилганлиги олимларимиз олдида ғоят муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда. Истиклол туфайли нафақат аждодларимиз меросига, балки қардош халқлар меросига, фаннинг замонавий муҳим муаммоларига қизиқиб келишимиз

замондошларимиз ижоди билан бир қаторда турли халқларнинг илм-фан ва маданияти ютуқларини теранроқ тадқиқ этишга ва ҳаётимизга татбиқ этишга, яъни жамиятимизнинг барча жаҳдларини янада ривожлантиришга имкониятлар кенгайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга, уларнинг савиясини ошириш ва қўллаб қувватлашга ниҳоятда катта эътибор қаратила бошланди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Илгари ўзбек адабиётининг намуналарини бошқа тилларга таржима қилиш асосан учинчи тил, яъни рус тили орқали амалга оширилар эди. Бу борада қилинган катта ишларни муносиб баҳолаган ҳолда, эндиликда адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан ғарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур”<sup>1</sup>.

Шу ўринда ёшларга хорижий тилларни, жумладан, шарқ тилларини чуқур ўргатишга ҳам катта эътибор қаратилганини таъкидлаб ўтиш лозим. Қайси хорижий тил ўқитилмасин, шу тилни ўрганаётган талаба шу тилга оид луғатларга эҳтиёж сезади. Хорижий тил ўрганишда, албатта, икки тилли луғатлардан ташқари шу тилдаги терминологик луғатлар ҳам катта аҳамиятга эга. Тиллар бўйича луғатлар етарли бўлган ҳолдагина нафақат таржима ишларини кенг миқёсда олиб бориш, балки илм-фанни ривожлантиришга имконият яратилади. Чунки таржима луғатлари соҳалар бўйича конкрет илмий-тадқиқотлар яратишда энг зарурий манба ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ЁА1-13 “Шарқ тиллари икки тилли луғатларининг лексикографик тадқиқотлари” лойиҳаси доирасида 2014-2015 йиллар давомида Ҳ.Мирзахмедова томонидан “Темир йўл терминларининг русча-ўзбекча-форсча изоҳли луғати”, С.Мустафаева томонидан “Хитойча-ўзбекча тилшунослик терминлари изоҳли луғати”, К.Эргашева томонидан “Тамилча-ўзбекча, ўзбекча-тамилча луғат”, Н.Ходжаева томонидан “Ҳиндча-ўзбекча, ўзбекча-хиндча фразеологик луғат”, Н.Исматуллаева “Хитойча-ўзбекча туризм атамалари луғати”, С.Султанхаджаева томонидан “Форсча-ўзбекча изоҳли фразеологик луғат”, А.Қуронбеков томонидан

<sup>1</sup> Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. -T., 2010. – B. 139.

Д.Аҳмедова муҳаррирлиги остида “Форсча-ўзбекча, ўзбекча-форсча тилшунослик терминлари луғати”, О.Очилов томонидан “Ўзбекча-хитойча луғат”, М.Қаландаров томонидан “Классик адабиёт рамзлари ва тимсоллари луғати”, З.Қосимова томонидан “Японча-ўзбекча ижтимоий-сиёсий терминлар луғати” тайёрланди.

Мазкур лойиҳанинг якунловчи қисми сифатида тайёрланган ушбу монография шарқ тилларини ўрганиш ва тадқиқотлар олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

## ЛЕКСИКОГРАФИЯНИНГ ЛИНГВИСТИК ФАНЛАР ОРАСИДАГИ ЎРНИ ВА ЭРОН ЛЕКСИКОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧЛАРИ

Лексикография тилшуносликнинг барча бўлимлари, айниқса, *лексикология* билан боғлиқ, унинг қўшгина муаммолари лексикографияда ўз инъикоси (акси)ни топади. Замонавий лексикография мазкур даврдаги жамиятнинг билимлари мажмуасини қайд қилувчи луғатларнинг муҳим ижтимоий вазифасини алоҳида таъкидлаб туради. Лексикография луғатларнинг типологиясини ишлаб чиқади. Бир тилли лексикография (изохли ва бошқа луғатлар), икки тилли лексикография (таржима луғатлари); ўқув лексикография (тилни ўрганиш учун луғатлар), илмий-техник лексикография (терминологик /атамалар луғатлари) ва бошқалар.

Ҳар қандай фан каби лексикографиянинг илмий-назарий ва амалий жихати мавжуд. Биринчиси (илмий-назарий) умумий назарий мауммоларни ўз олдига қўяди ва уларнинг ечими устида иш олиб боради. Иккинчиси (амалий лексикография) асосий муаммоларнинг назарий ечимларига таяниб, бевосита гурли хилдаги луғатларни тузиш билан шуғулланади. Албатта, лексикографиянинг икки қисмга бўлиниши шартли ҳисобланади. Лексикографиянинг ушбу икки жихати доим ёнма-ён бўлиб, ўзаро боғлиқ: лексикограф-назариётчи аниқ материал устида ишлагандан, амалий лексикографик ишда иштирок этмасдан, фақатгина назария билан шуғуллана олмайди; ва аксинча, ҳеч қандай лексикограф-амалиётчи лексикографиянинг фан сифатида энг долзарб муаммоларини билмаган ҳолда, фақатгина ўзининг амалий ишлари билан банд бўлиши мумкин эмас. Шунга карамай, лексикографиянинг бу икки томонини ажратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Юқорида баён қилинганлардан қуйидаги хулоса келиб чиқади: “лексикография” термини (атамаси) ҳозирги вақтда учта маънони билдиради: 1) фан, аниқроғи, тилшуносликнинг алоҳида бир қисми бўлиб, турли хилдаги луғатларнинг тузилиш тамойилларини ўр-

ганади; 2) луғатчилик иши борасидаги амалиётнинг ўзи, яъни луғатларни тузиш; 3) муайян бир тилнинг луғатлар мажмуаси.

Тилга оид фаннинг бир қисми сифатида лексикография лексикология, семантика, стилистика, этимология, фонология каби лингвистик фанлар билан ҳамма ҳам боғлиқ. Ушбу фанлар билан лексикография умумий проблематикага эгадир. Гоҳида улар олиб борган тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланади, кўпинча эса, айрим масалаларнинг ечимида улардан бир қадам олдинда юради.

Шундай қилиб, лексикография қадамма-қадам, тадрижий тарзда шаклланиб, мустақил лингвистик фанга айланиб, бошқа лингвистик фанлар орасида муносиб ўрин эгалламоқда.

Амалий лексикография (луғатчилик иши) муҳим ижтимоий вазифаларни бажариб, қўйидагиларни таъминлайди: 1) тилни ўргатиш – ҳам она, ҳам чет тилини; 2) она тилини тавсифлаш ва меъёрлаш (иккала вазифа ҳам изоҳли ва бошқа турдаги луғатлар орқали таъминланади); 3) тиллараро мулоқот (икки тиллик луғатлар, сўзлашгичлар ва ш.к.); 4) тил лексикасини илмий тадқиқ қилиш (этимологик, тарихий луғатлар, ўлик тиллар луғатлари ва х.к.). Турли халқларда амалий лексикография шаклларида ривожланишида 3 та ўхшаш даврга ажратилади.

**Луғатдан олдинги давр.** Асосий вазифаси – тушунарсиз сўзларни тушунтиришдан иборат: *глоссар* (Шумерда, Хитойда, Ғарбий Европада, Россияда), *глоссарийлар* (алоҳида асарлар ёки муаллифларга глоссар тўпламлари, масалан, Ведаларга (э.а. 1-минг йилликда); Гомерга (э.а. V асрдан), *вокабуларийлар* (ўқув ва бошқа мақсадлар учун сўзлар тўпламлари, масалан, уч тиллик шумер-аккад-хеттик лавҳачалар (э.а. XIV-XIII асрлар), Мисрда мавзу бўйича гуруҳларга оид сўзлар рўйхатлари (э.а. 1750 й.) ва бошқалар).

**Илк луғат даври.** Асосий вазифаси – турли халқларда оғзаки сўзлашув тилидан фарқланган адабий тилни ўрганиш: масалан, санскритнинг (VI-VIII асрлар), қадимги юнон тилининг (X аср) бир тиллик сўз бойлиги (лексиконлари), кейинроқ – халқ тилидаги сўзлар орқали ўзга тилнинг лексикасини талқин қилувчи пассив турдаги луғатлари (араб-форс XI аср; лотин-инглиз XV аср; церковславян-рус XVI аср ва бошқалар), сўнг – халқ тили асосий бўлган актив турдаги луғатлар (француз-лотин, инглиз-



лотин XVI аср; рус-лотин-юнон XVIII аср) ҳамда тирик тилларнинг икки тиллик луғатлари. Илк луғатлар изоҳли луғат шаклида иероглифик ёзувига эга мамлакатларда пайдо бўлади (Хитойда, э.а. III аср; Японияда, VIII аср).

**Ривожланган лексикография даври** (миллий адабий тилларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган). Асосий вазифаси – тилнинг луғат таркибини тавсифлаш ва меъёрлаш, жамиятнинг тил маданиятини юксалтириш: аксарияти давлат академиялари ва филологик жамиятлар томонидан тузилган изоҳли луғатлар (Круска Академиясининг итальян луғати 1612 й.; Россия Академиясининг луғати 1789-94 йй.), шунингдек, синонимик, фразеологик, шеваларга оид, терминологик, орфографик, грамматик ва бошқа луғатлар тузилган. Лексикографиянинг ривожланишига даврнинг фалсафий концепциялари ҳам таъсир кўрсатган. Масалан, XVII-XVIII асрларнинг академик луғатлари Ф.Бэкон ва Р.Декартларнинг фалсафаси таъсири остида яратилган. Э.Литтренинг (1863-72) француз тили луғати ва XIX асрнинг бошқа луғатлари позитивизм таъсирига учраган. XIX асрнинг эволюционистик назариялари изоҳли луғатларда тарихий жиҳат (аспект)ни мустаҳкамлаган эди.

Лексикология, сўз ясалиши, стилистика, тил тарихи соҳаларидаги лингвистик тадқиқотлар учун маълумотларни тўплаш ва уларга ишлов бериш қабилардан иборат лексикографиянинг янги вазифаси XVIII-XIX асрларда шаклланиб, XX асрда жадал ривожланади (этимологик, тарихий, частотали, тесқари, қариндош тиллар, ёзувчилар тили луғатлари ва бошқалар).

Назарий лексикография XX асрнинг иккинчи ярмида ўз ривожини топди. Луғатларнинг биринчи илмий типологияси Л.В.Щерба (1940 й.) томонидан яратилган эди. Кейинчалик мазкур типология кўплаб илмий ишларда ўз аксини топган эди.

Назарий лексикография қуйидаги муаммолар мажмуасини қамраб олади: 1) луғатлар ва бошқа турдаги луғатларнинг умумий типологиясини ишлаб чиқиш; 2) луғатнинг макротузилмасини ишлаб чиқиш (лексикани танлаб олиш, сўзлар ва луғатдаги мақолаларнинг жойлашуви принципи, омонимларни белгилаш, луғатнинг ўзига ва унинг иловаларига лексикографик бўлмаган материалларни киритиш: грамматик мақолалар, кўргазмалар материаллар ва ҳ.к.); 3) луғатнинг микротузилмасини,

яъни алоҳида луғат мақоласини ишлаб чиқиш (сўзга тегишли грамматик ва фонетик шарҳ, маъноларни белгилаш ва таснифлаш, луғавий аниқловчиларнинг турлари, белгилаш (помет) тизими, тилга оид кўргазмалар материаллар турлари, фразеологиянинг берилиши, қўшимча маълумот, масалан, изоҳли луғатдаги этимология ва этимологик луғатда сўзнинг маъноси ҳамда луғат туридан келиб чиққан бошқа муаммолар). Луғатда лингвистик ва лингвистик бўлмаган (энциклопедик, мамлакатшунослик ва бошқа турдаги) маълумотнинг ўзаро мутаносиблигига катта эътибор берилади. Лексикографиянинг замонавий назариясига қўйидагилар хос: а) лексикани тизим сифатида тасаввур қилиш, луғат тузилишида тилнинг лексик-семантик тузилмасини умумий кўринишда ва алоҳида сўзнинг семантик тузилмаси (матндаги бошқа сўзлар билан ва семантик майдонлар ичидаги алоқаларга қараб, сўзнинг маъносини белгилаш)ни акс эттиришга ҳаракат қилиш; б) сўз маъносига шева нуктаи назардан қараш, сўз белгисида белгиловчи ва белгиланаётганининг ўртасидаги алоқанинг кўчма тусини эътиборга олиш (сўзлар маъноларидаги туслар ва кўчиб ўтишларни белгилашга ҳаракат қилиш, уларни нутқда қўллаш, турли хил ораликдаги ҳодисалар); в) лексиканинг грамматика ва тилнинг бошқа жиҳатлари билан чамбарчас боғлиқлигини эътироф этиш.

Тил инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг энг зарур воситаси сифатида жамиятга қадимдан хизмат қилиб келади, ўзининг ривожланиши давомида кўпгина фонетик, лексик, грамматик, стилистик ўзгаришларни бошдан кечиради. Ушбу жараёндан форе тили ҳам мустасно эмас.

Маълумки, материалга лексикографик ишлов беришда турли тилларнинг луғатлари муайян ўхшашлик ва фарқланиш хусусиятларига эга. Л.В.Щербанинг таъкидлашича, сўзнинг кўп қирралиги турли тилларни бир-бири билан таққослаганда яққол намоён бўлади, чунки тиллар ривожланишидаги тарихий шарт-шароитларнинг фарқланиши туфайли, бу жиҳат ҳеч қачон бир хил бўлмайди.

Л.В.Щербанинг фикрига кўра, икки тиллик луғатларни тузиш — ўта мураккаб иш, бу нафақат кенг омманинг онгига етиб борган, балки луғат тузувчиларнинг ўзи ҳам бу ишнинг охиригача англаб етмаган.

Форс-тожик лексикографияси бой тарихга эга бўлиб, форсча-арабча, форсча-туркча, форсча-урдуча каби икки тилли луғатлардан ташкари, ўнлаб мумтоз изоҳли луғатларни ўз ичига олади. Машҳур эронлик олим Саид Нафисий ўзининг “*Farhanghā-ye pārsī*” мақоласида бир қисми сақланиб қолмаган ёки ҳозирги пайтга қадар топилмаган 202та луғат номларини келтиради<sup>1</sup>.

“*Фарҳанги забони тоҷики*” 2 томли изоҳли луғатининг кириш қисмида мазкур луғат тузилишининг асосий тамойиллари баён этилган бўлиб, унда мумтоз форс-тожик тилининг асосий луғатлари келтирилади. Мазкур луғатда 45 мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмалари ўз ўрнини топган<sup>2</sup>. Юқорида кайд этилган луғат форс-тожик мумтоз адабиёти, асосан, мумтоз шеърятти тилининг лексика ва фразеологияси асосида яратилган. Бу луғат форс графикасига ўтказилиб, 2006 йилда Эронда нашр этилган<sup>3</sup>.

Фарҳанглар орасида илк фарҳанг IX аср охири X асрнинг бошида тузилган *Farhangi Abu Hafsi Sug'di* ёки *Risolai Abu Hafsi Sug'di* бўлиб, мазкур луғат муаллифи Абу Ҳафс Ҳакими Суғдий (Самарқанди) ҳақида маълумотлар жуда ҳам кам. Факатгина ўз даврида машҳур мусикачи ва мусика назарийгчиси ҳамда “*шоҳруд*” мусика асбоби ихтирочиси бўлгани маълум. Абу Ҳафс Суғдий бизгача етиб келган мусика бўйича икки рисолаининг муаллифидир. Абу Ҳафс Суғдий луғати қўлёзмалари сақланиб қолмаган, лекин бу луғат XVII асрга қадар кенг қўлланилган. Эрон луғатшунослари ва Ҳиндистон форс тили луғатлари тузувчилари XVII асрга қадар “*Risolai Abu Hafsi Sug'di*” асарига ўз манбаларидан бири сифатида иқтибос келтириб ўтишган.

1608 йилда Ҳиндистонда тузилган “*Farhang-e Jahongiri*” да 44та фойдаланилган манбалар орасида биринчи бўлиб, Абу Ҳафс Суғдийнинг луғати келтирилган.

Таъкидлаш жоизки, XI асрга келиб Эронда луғатшунослик бўйича қилинган ишлар салмоқли ўринни эгаллаган. Сосонийлар давридан авеста тили – ўрта форс тили, оромий – ўрта форс тили, суғд тили – ўрта форс тили луғатлари ҳамда бошқа луғатлардан

<sup>1</sup> *Nafisi S. Farhanghā-ye fārsī // Tabrizi M.H. Borhān-e qāte'.* Т. I. Техрон: М. Моин, 1951. Б. 71-77.

<sup>2</sup> Фарҳанги тоҷикӣ ба русӣ - Таджикско-русский словарь. Душанбе, 2006. Б. 5-10.

<sup>3</sup> *Farhang-e fārsī-ye tājiki.* Т. I-II. Техрон, 2006.

парчалар етиб келган. Ўрта форс тилига оид луғатлардан 2 таси жуда ҳам кизикарлидир. Биринчиси “*Farhang-e oim evak*” авесто-пахлавий тили луғати, иккинчиси эса “*Farhang-e Pahlavik*” оромий-ўрта форс тили луғатидир. Мутахассислар фикрича, улар Сосонийлар сулоласининг охириги даврларида яратилган.

“*Farhang-e oim evak*” бизгача дефект ҳолатидаги кўлэзма шаклида етиб келган. Луғат ўрта форс тилида изоҳи келтирилган 880та авесто тилидаги сўз, сўз бирикмалари ва гапларни ўз ичига олади. Глоссарийда тақдим этилган бугун авесто тилидаги матни 1000га яқин сўздан, пахлавий тилидаги матни 2250та сўздан иборат.

“*Farhang-e Pahlavik*” ўз ҳажмига кўра анча кенгроқ бўлиб, мазкур глоссарийнинг матни тўлик сакланиб қолган ва бир неча бор нашр этилган. Бу глоссарийда оромий идеограммалари ўрта форс ёзуви ёрдамида изоҳланади, бу луғатда 1300га яқин сўз мавжуд. Бу луғатда кенг лексик материални мавзу гуруҳлари бўйича таснифлашнинг илк ҳаракатлари кўзга ташланади. Луғат изоҳ, мавзу тамойилига кўра 31та бобга ажратилган.

Мумтоз тил луғатлари орасида куйидагилар энг катта аҳамиятга эга: “*Lug‘ati furs*”<sup>1</sup>, “*Burhon-e qote*”<sup>2</sup>, “*Bahori ajam*”<sup>3</sup>, “*G‘iyos-ul-lug‘ot*”<sup>4</sup>.

XI аср шоири Асади Тусийнинг “*Lug‘ati furs*” луғатини бизгача етиб келган энг қадимий изоҳли луғат деб ҳисоблаш мумкин. Бу луғатда X-XI асрларда Ўрта Осиё ва Хуросоннинг шарқий қисмида ижод этган шоирларининг бадиий меросида учрайдиган ноёб сўзларга изоҳлар мавжуд. Изоҳлар Рудакий, Фирдавсий, Унсурий, Фаррухий каби 77та мумтоз форс-тожик шоирларининг ижодидан келтирилган мисоллар (1335та байт) орқали берилган. Бу луғатда 1196та сўз ва уларга 118та синоним келтирилган.

XV ва айниқса, XVI асрда Ҳиндистонда Темурийлар давлати барпо этилгани ва форс тили мазкур кенг ҳудудда расмий тил сифатида қабул қилинганидан сўнг луғатшунослик ҳам ривожланди. Натижада Ҳиндистон форс-тожик лексикология ва лексикографиясининг илмий марказига айланиб, XV-XVII асрлар давомида куйидаги машҳур луғатлар тузилди:

<sup>1</sup> Tusi A.A. Loghat-e fors. Техрон, 1957.

<sup>2</sup> Tabrizi M.H. Borhān-e qāte‘. Т. I. Техрон: М. Моин, 1951.

<sup>3</sup> Bahār R.T. Bahār-e Ajam. Техрон, 1955.

<sup>4</sup> Rāmpuri M.G. Ghīyās-ul-loghāt. Т. I, Техрон, 1963.

“*Sharafnomai Muniri*”, “*Muayyid-ul fuzalo*”, “*Mador-ul afozil*”, “*Farhang-i Jahongiriy*”, “*Burhon-e qote*”, “*Farhang-e Rashidiy*” ва х.

Шу ўринда Сурурий тахаллуси билан машҳур бўлган Муҳаммад Қосим ибн Ҳожи Муҳаммад Кошоний томонидан тузилган “*Majma-ul furs*” луғатини ҳам айтиб ўтиш лозим. Мазкур луғат 1600 йилда Эронда тузилган бўлиб, “*Farhang-i Jahongiriy*” билан бир қаторда кейинги луғатларни тузиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилган. Юқорида келтирилган луғатлар катта миқдордаги сўзларни ўз ичига камраб олган. Агар “*Lug'ati furs*” 1000дан зиёд сўзлардан иборат бўлса, унинг кейинги вариантларида лексемалар сони 2000гача етади, Ҳиндистонда тузилган луғатларда эса, масалан “*Farhang-i Jahongiriy*”да 7000 га яқин сўз мавжуд.

Ҳажми катталиги туфайли луғатларни тузиш жараёни жуда кўп вақтни талаб этган. Бунинг натижасида “*Sharafnoma*”, “*Mador-ul afozil*” каби фақатгина лексемаларнинг бир қисмигагина изоҳ келтирилган луғатлар пайдо бўлди. Бу луғатларда алоҳида истиснолардан ташқари ҳеч қандай мисоллар келтирилмайди. Агарда “*Lug'ati furs*” ва бошқа луғатларда фақатгина шеърятдан мисоллар келтирилган бўлса, кейинги давр луғатларида, масалан, “*Farhang-i Jahongiriy*” ва “*Bahori ajam*”да насрий асарлардан мисоллар келтирилади.

XV асрдан бошлаб шеърятда қўлланилмайдиган баъзи сўзларга мисоллар келтирилмаган. Хусусан, математика, тиббиёт, астрономия ва шу каби соҳаларга оид атамалар, жонли оғзаки тилга оид сўзлар ҳамда *Zenda* (Сосонийлар даврида ўрта форс тилида тузилган авестога изоҳлар), *Pazenda* (авесто графикасида ёзилган ўрта форс тилидаги матнлар; одатда бу авестога берилган изоҳлар ва унинг таржимаси) ва *Dasatira* (кадимги диний қоидалар) каби асарлардан олинган сўзлардир. Мазкур луғатларнинг нухаларида мисоллар келтирилмаганлиги сабаб атамалар аксарият ҳолларда бузиб ёзилгани, уларни тўғрилаш заруриятини бир қатор кейинги тузувчилар кайд этадилар. Масалан, “*Farhang-e Rashidiy*”да муаллифнинг дастлабки луғатларда келтирилган маълумотларга нисбатан танкидий мулоҳазалари мавжуд ва бу дастлабки луғатларга нисбатан билдирилган илк танкидий фикрлар саналади. Шу билан бирга Сирожиддин Алихон Орзу томонидан тузилган “*Siroj-ul lug'ot*” ва “*Chirog'i Hidoyat*” луғатларида ҳам танкидий фикрлар келтирилганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Бурҳон тахаллусини олган Муҳаммад Ҳусайн ибн Халаф Тадризий томонидан тузилган “*Burhon-e qote*” луғати Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида тузилган бўлиб, 20 минг сўзни ўз ичига олади. Луғат муаллифи ўз луғатини тузишда “*Farhang-i Jahongiriy*”, “*Majma-ul furs*”, “*Sihoh-ul-adviya*” каби қатор лексикографик манбалардан фойдаланган. Бурҳоннинг мақсади форс тили изоҳли луғатини тузиш бўлганига қарамасдан, унда арабча сўзлар кўпроқ учрайди.

“*Bahori ajam*” луғати ҳам мумтоз форс-тожик луғатлари ичида кенг тарқалган луғатлардан ҳисобланади. Муаллиф XVIII асрга қадар Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистон ҳудудида машҳур бўлган луғатлардан, айниқса, “*Farhang-i Jahongiriy*” материалларидан кенг фойдаланган. “*Bahori ajam*” луғатида нафақат шеърят ва насрда учрайдиган лексемалар, балки Ҳиндистоннинг эронийзабон аҳолиси томонидан муомалада бўлган сўзлар ҳам киритилган. Луғат таркибидан шубҳали, хато ёзилган ва каммаҳсул лексемалар чиқариб ташланган. “*Bahori ajam*” луғати олдинги луғатларга нисбатан материалларга бой, муаллиф ўз изоҳларини объектив равишда ва эҳтиёткорлик билан келтиради. “*Bahori ajam*” луғатин бошқа машҳур луғатлар каби кейинги луғатшунослар томонидан фойдаланилган.

Муҳаммад Гиёсиддин ибн Жалолоддин Рампурийнинг “*G‘iyos-ul-lug‘ot*”и 17 мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмаларидан иборат бўлиб, лексикографиянинг илк босқичига яқун ясайдиган ва турли соҳаларга мансуб бўлган сермаҳсул илмий атамалар, айниқса, арабча атамаларни ўз ичига камраб олган луғатлар қаторига қиради.

“*G‘iyos-ul-lug‘ot*” ўзидан олдин тузилган луғатларга нисбатан тўлиқроқ саналади, чунки дастлабки луғатларда фақатгина шеърятда қўлланган сўзларга изоҳ берилган. Масалан, XVI асрга оид “*Mufid-ul fuzalo*” ва “*Kashf-ul-lug‘ot*” луғатларида турли соҳаларга оид атамалар келтирилган бўлиб, улар “*G‘iyos-ul-lug‘ot*” тузилгунга қадар ярим комусий ҳисобланган. “*G‘iyos-ul-lug‘ot*”да ундан олдин тузилган луғатларда келтирилган барча маълумотлар ҳам жамлангани сабабли, унинг тузилиши билан дастлабки луғатлар маълум даражада ўз долзарблигини йўқотди.

“*G‘iyos-ul-lug‘ot*”нинг ҳажми у даражада катта бўлмагани сабабли ундан фойдаланиш қулайдир. Унда турли соҳаларга оид

атамалар келтирилган бўлиб, ундаги сўзлар тартиби мураккаб эмас, чунки биринчи, иккинчи ва охириги харфлар эътиборга олинади. “*G‘iyos-ul-lug‘ot*” Ўрта Осиё худудида катта нуфузга эга бўлган. Даврлар ўтиб мукаммал ва батафсил комуслар яратишда асос вазифасини бажарган, ярим комусий луғатлар тузилгандан сўнг “*G‘iyos-ul-lug‘ot*”нинг оммабоплиги бироз камайди.

XV асрда, айниқса XVI-XVII асрларда Ҳиндистонда Темурийларнинг ҳукмдорлиги ўрнатилгани ва форс тилининг расмий тил мавқеига эга бўлганидан сўнг ушбу минтақада луғатларнинг тузилишида уйғониш даври бошланди. Ўша даврда Ҳиндистон лексикография ва луғатларни ўрганиш илмий марказига айланган эди. Бу ерда куйидаги машхур луғатлар яратилди: Козимхон Бадр Муҳаммаднинг *Adot-ul-fuzalo*, Иброҳим Фарукийнинг *Sharafnomai Ahmadiy Muniriy*, Зиёвуддин Муҳаммаднинг *Tuhfat-us-saodat*, Осим Шуайби Абдусийнинг *Majmal-ul-ajam*, Муҳаммад ибни Лоди Дехлавийнинг *Musayyid-ul-fuzalo*, Файз ибни Асаддулонинг *Mador-ul-afozil*, Ахмадий Сури Бихорийнинг *Kashf-ul-lug‘ot va-l-istilohot*, Ҳусайн Инжунинг *Farhangi Jahongiriy*, Муҳаммадхусайн ибни Халафи Табрезийнинг *Burxoniy qote*, Сурурийнинг *Majma-ul-furs* ёки *Farhangi Sururi Koshi*, Абдурашид Таттавийнинг *Farhangi Rashidiy* ва бошқалар. Юқорида санаб ўтилган луғатлар каторида Ҳиндистонда форс-тожик лексикографиясининг охириги ютуғи ҳисобланган Хайдарободда (1928-1939) нашр этилган Муҳаммад Али Даул Исломнинг 5 жилдлик “*Farhang-i nizom*” луғатини ҳам келтириб ўтиш лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган луғатларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, улардаги сўзлар асосан биринчи ва учинчи харфларнинг алифбо тартибида жойлашган. Шу билан бирга лексиканинг бошқача жойлашиш тартиби ҳам мавжуд. Масалан, Мир Ҳусайни Инжу Шерозийнинг *Farhangi Jahongiriy* луғатида сўзларнинг жойлашуви бошқа луғатлардан фарқ қилади: етакчи бўлиб иккинчи харф, ундан кейин биринчи харф, сўнг эса қолган харфлар алифбо тартибида жойлашади. Сўзларнинг жойлашувида араб алифбосининг иккинчи, учинчи, тўрттинчи харфлари бўйича учинчи тартиб ҳам мавжуд.

XVIII-XIX асрларда яратилган луғатлар орасида энг ноёб асарлар бўлмиш, куйидаги луғатлар алоҳида ажралиб туради: Рой

Текчанди Баҳорнинг *Bahori Ajam*, Сирожиддин Алихони Орзуниг *Siroj-ul-lug'ot* ва *Chirog'i Hidoyat*, Муҳаммад Ғозиуддин Хайдарнинг *Haft kulzum*, Муҳаммад Ғиёсуддиннинг *G'iyos-ul-lug'ot* ва Муҳаммад Подшоҳнинг *Farhang-e Onandroj*.

Мазкур асарлар лексикографиянинг ривож топишида муҳим ўрин эгаллайди ва айтиш мумкинки, булар билан шеърият тилига оид луғатларини тузиш босқичи якунланади. Фарҳанглардаги сўзлар кўнинча катъий алифбо тартибида жойлашган бўлиб, асосий эътибор турғун иборалар, макол ва масалларнинг талкин қилинишига берилганлиги, кўпгина кўрғазмали мисоллар, шу жумладан, бадиий адабиётдан парчаларнинг келтирилганлиги – ушбу даврнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шу билан бирга луғатлар камраб олган лексиканинг ҳажми ҳам анчагина кўпайган эди.

Шундай қилиб, мумтоз луғатлар аста-секин форс-тожик тили тарқалган барча ҳудудларни камраб олган. Шак-шубҳасиз юқорида санаб ўтилган луғатлар кейинги давр замонавий луғатларнинг яратилишига асос вазифасини ўтайди, десак, муболаға бўлмайди.

Ҳозирги форс тилининг изоҳли луғатларига XX ва XXI аср бошида нашр қилинган луғатлар киради. Мазкур луғатлар орасида Алиакбар Нафисий [5 жилдли, Техрон, 1899-1924], Муҳаммад Али Доиулислом [5 жилдли, Хайдаробод, 1926-39; Техрон, 1985], Алиакбар Деххудо [1939-1975], Ҳасан Амид [1973], Муҳаммад Муин [6 жилдли, Техрон, 1963-73]ларнинг форс тили изоҳли луғатлари ҳамда Ҳасан Анварийнинг таҳрири остида саккиз жилдлиқ *Farhang-e suxan* луғати алоҳида эътиборга молик.

Бу луғатларнинг шарҳлари асосан араб тилига йўналтирилган бўлиб, маълумотнинг бирламчи манбалари сифатида мумтоз шеъриятга таянган. Бундан ташқари, бу ерда турли методология қўлланилади. Ҳозирги замон форс тилининг луғатларини тузишда биринчи қадамни муаллифлар гуруҳи – Садри Афшор, Насрин Ҳаками ва Настарон Ҳакамилар амалга ошириб, 1990 йилда *Farhang-e ta'oser-e forsi* (Ҳозирги замон форс тилининг луғати) деб номланган луғатни нашр қилди. Охириги ўн йилликлар давомида қўлга киритилган илм-фан ва лексикографиянинг ютуқлари замон талабларига жавоб берадиган ҳозирги форс тилининг жамловчи (жамланган) луғатларини тузишни тақозо этди. *Enteshorot-e Suxan* нашриёти Ҳасани Анвари таҳрири остида *Farhang-e bozorg-e soxan* номли обрўли



ва аниқ луғатни тузишга ва нашр қилишга киришиб, 2002 йилда ушбу луғатнинг 8 та жилди чоп қилинган эди. Лексикани танлаб олиш жараёнида кўнгина замонавий нашрлардан ташқари, 459 га яқин эски ва янги адабий асарлардан фойдаланилди. Луғат 80 минг бош сўз, 40 минг бош сўз ости сўз ва 170 минг парча ва мисоллардан ташкил топган.

*Худайбергенова Зилола  
Филология фанлари доктори,  
Туркий тиллар кафедраси профессори*

## **ТУРК ТИЛИ ЛУҒАТЧИЛИГИ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР**

Турк тилининг тараққиёт босқичига назар ташланса, тилга ташқаридан таъсир, асосан, XX асрнинг 20 йилларигача бўлган даврда кузатилади. Бу даврга қадар жуда кўп синовлар, турли ислохотларни ўз бошидан кечирган турк тили Туркия Республикаси ташкил этилгандан кейин жамиятда амалга оширилган қатор жиддий ислохотлар орасида муҳим ўрин олган “Тил инқилоби” (Dil Devrimi) натижасида янги даврга қадам қўйди. Бу ислохотнинг асосий мақсади турк тилининг луғат бойлиги, унинг функционал (вазифаси) услубларини қайта тиклаш, грамматик ва услубий меъёрлари, имло қоидаларини тартибга солишдан иборат эди.

Уша даврларда Туркиядаги янги ижтимоий муносабатлар адабий тилни янги босқичга чиқариш, ёзув меъёрларини демократлаштириш ва уларни халқ оғзаки нутқига яқинлаштиришни тақозо этар эди.

Тилни ислох этиш тадбирларидан энг муҳимлари усмонли турчасининг турк тили деб ўзгартирилиши ва араб ёзувидан латин графикасига асосланган, турк тилининг товуш таркибига тўла мос келувчи янги турк ёзувига ўтиши, шунингдек, 1929 йилдан бошлаб турк мактабларида араб ва форс тили дарсларининг бекор қилиниши эди.

Алоҳида шуни таъкидлаш лозимки, XX асрнинг 30-40 йилларида турк тилини миллийлаштириш, унинг ички захираларидан фойдаланилган ҳолда луғат бойлигини ошириш, соф туркча сўзлар яратиш, уни грамматик ҳамда лексик тарафдан тўғри


қўллаш, морфологик таҳлил қилиш каби ислоҳотларни ҳал этишда “Турк тили қуруми” ташкилотининг хиссаси бекиёсдир. Ушбу ташкилот томонидан ўтган юзйилликнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар турк тилининг ривожланишига самарали таъсир ўтказди. Ана шу фаолиятини ўрганиш тилшунослик учун муҳим ҳисобланади.

Турк тилининг ривожланишидаги муҳим босқич турк тили инқилоби даври бўлиб, бу давр билан боғлиқ жиҳатлар кўпгина тарафда ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. 1932 йилда Туркияда Мустафо Камол Отатурк томонидан амалга оширилган турк тил инқилоби турк тилининг кейинги даврдаги ривожланиши ва такомил босқичларини белгилаб берди.

Отатурк 1936 йилда Туркия миллат мажлисининг 5-чақирик 2-сессиясининг очилишида шундай нутқ сўзлаган: “Таълим вазирлиги, Турк тарих қуруми ва Турк тил қурумнинг ҳар қуни янги ҳақиқий марраларга эришаётганини, жиддий, тўхтовсиз фаолиятларини фахр билан тилга олмоқчиман. Бу икки миллий қурумнинг тарихимиз ва тилимизнинг зулмат ичида унутилган нуқталарини, дунё маданиятидаги ибтидонинг тимсоли эканлигини, қабул қилса бўладиган илмий маълумотларни ўртага қўйган сари, фақат турк миллатининг эмас, бутун билим дунёсининг диққатини тортган ва сергаклантирган улуғ бир вазифани амалга ошираётганини ишонч билан айта оламан. Тарих қурумнинг Алажаҳоқда олиб борган қазималари ниҳоясида топган 5 500 йиллик моддий турк тарихий маълумотлари жаҳон маданияти тарихини қайтадан кўриб чиқишни ва мулоҳаза юритишни тақозо этади. Бир нечта Европа олимлари иштирокида ўтказилган охириги Тил қурултойининг нурли якунини кўришдан бахтиёрман. Бу миллий қурумларнинг тез фурсатда миллий академияларга айланишини хоҳлардим. Бунинг учун меҳнатсевар тарих, тил ва илм фидойиларининг илм дунёси аҳли томонидан тан олинадиган ҳақиқий асарлари кўриб бахтиёр бўлишингизни тилайман...”<sup>1</sup>.

Отатуркнинг шахсан ўзи турли илмий йўналишларда олиб борилаётган илмий тадқиқотларни кузатиб бориб, хусусан, давр слоҳиятли илм одамларини турк тили бўйича изланишларни амалга оширишга ундаган. Алал ҳусус, турк тилининг энг қадим

<sup>1</sup> Türkçe sözlük, Ankara, 2005, o`ninchi nashr



мий ёдгорлиги бўлган кўктурк (Рун) ёзуви матиларининг дастлабки икки жилди унинг ҳаётлигида нашр этилган, “Девону луғат-ут турк”, “Қутадғу билиг” каби асарлар устида ҳам унинг ҳаётлиги даврида ишлана бошланган. Кейинчалик яратилган бир неча жилдлик “Tarama Sözlüğü” ва “Derleme Sözlüğü” луғатларига оид ишлар ҳам Отатурк ҳаётлигида бошланган. “Tarama Sözlüğü” луғати XIII асрдан бошлаб туркий ёзма ёдгорликлар тилини ўрганиш натижасида ажратиб олинган сўзлардан тузилган бўлса, “Derleme Sözlüğü” луғати Онадолу шеваларида қўлланувчи сўзларнинг тўплашиши натижасида тартиб берилган катта ҳажмли луғатлардир. Ҳозирги турк тили грамматикаси, луғати, имлоси ва терминлари билан боғлиқ ишлар Отатурк томонидан қизиқиш билан кузатиб борилганлиги юқорида ҳам қайд этилди. Турк тили куруми ташкил топиши билан замонавий турк тилида бўйича жуда тез суръатда илмий тадқиқот ишлари кўлами кенгайди. Шахсан Отатурк раҳбарлигидаги турк тилининг чет тили сўзлардан тозалаш оқими 1935 йил кузга қадар давом этган. Халқ сўзлашув нутқиға кириб ўрнашиб қолган сўзларни истеъмолдан чиқариб ташлаш ишидан ҳам айнан мана шу йил воз кечилган. Отатурк ўлимидан кейин асл турк тили оқими турк зиёлилари ўртасида давомли баҳс-мунозараға сабаб бўлган, шундай бўлса-да 1960 йилдан кейин Турк тили куруми бу оқимға етакчилик қилган. Отатурк ўлимидан бироз олдин ёзган васиятномасиға биноан биноан мол-мулкни Турк тили куруми ва Турк тарихи куруми ташкилотларига қолдирган. Мерос ҳозирги Туркиянинг энг катта банкларидан бири бўлган Туркия Иш банкида сақланмоқда ва қайд этилган ташкилотларнинг бюджети ҳозирги кунда ҳам Отатурк меросидан тўланмоқда.

XX аср бошларидаги Туркияда амалға оширилган ислохотлар, жумладан, тил ислохотлари юзасидан Туркияда ва бошқа чет давлатлардаги бир қанча илмий тадқиқотлар амалға оширилган. Жумладан, Огохсирли Ливанд, Ичнеч Кунос, Фредрик Жейс, Этори Росси, Айрел Хайт, Мухеррем Эргин, Мехмет Ҳенгирмен каби олимлар ва бир қатор чет эл олимлари тадқиқотлар олиб боришган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Бу ҳақда қараг: Konrad Hielson. Die Turkische Spracheform. Norsk Tidsskrift fea Sprogviden skop, VIII, 1936. Sir Denison Ross. Restoring a language. The New Turkey,

Мазкур тадқиқотларда турк тили юзасида амалга оширилган ислохотнинг, яъни турк тил инкилобининг бир қанча жиҳотлари атрофлича кўриб чиқилган. Хусусан, XX аср бошларидаги штамунослик масалалари турли хил омиллар томонидан у ёки бу даражада таҳлил доирасига тортилган бўлсада, ханузгача бу мавзу бир тўхтамга келган эмас.

Бу ўринда 1928 йил янги турк алифбоси қабул қилинган, тилдаги турли жараёнлар ва ўз тамойилларига эга бўлган туркча изоҳли луғатлар ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Илк туркча изоҳли луғат 1945 йилда ТДК томонидан тузилган бўлиб, унда тил инкилоби таъсири ўз аксини топган.

1945 йилдан бошлаб изоҳли луғатларнинг саккизта нусхаси нашр этилган. Бу луғатлар турк тилининг энг муҳим манбаси деб ҳисобланади. Асосий луғатлар сифатида тан олинган бу китоблар турк тилининг барча хусусиятларини ўз ичига олганлиги билан бошқа луғатлардан ажралиб туради.

ТДК томонидан тайёрланган ва нашр қилинган изоҳли луғатнинг биринчи намунаси аввалгиларидан баъзи хусусиятлари билан фарқланади. Бу фарқлардан мақсад эса “таклиф киритиб ўзгартирилган сўзлар луғати”ни тузиш эди. Бизга маълумки, тарихда “Тил инкилоби” деб ном олган жараён натижасида катта миқдордаги сўзлар туркчалаштирилган ҳамда барча луғатлар янги ўзгаришларга биноан нашр қилинган. Шу мақсад йўлида янги алифбо тузилиши билан тил анжумани ўтказилган. Анжуманда аввалги луғатларга таянган ҳолда уларни янгиланган, катта манба яратиш мақсад килиб олинди.

Шу сабабли 1939 йилга қадар яратилган луғатлардан қониқмаган ТДК янада мукаммал бўлган изоҳли луғат тузишга қарорини қилади. Бу луғатнинг мақсади китобнинг сўз бошисидан шундай ифодаланади: “Ҳар хил тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун шуни таъкидлаш лозимки, бу луғатни яратишдан асосий мақсад, четдан кириб келаётган оқим таъсирига тушиб қолмаслик ва ҳар жабҳада фойдаланиши умид қилинган туркча сўзлар учун яхши бир манба тақдим этишдир”<sup>1</sup>. Луғат таркибига

---

1938; D. E. Webster. Re-turkification: History and Language Reform. The Turkey of Taturk. 1939, Uriel Heyd. Language Kegelisme ve sadelesme evreler. I bas. Ankara 1945, III bas Ankara, 1972; Türk Ansiklopedisi, M.E.B. Devlet Kitapları, Millî Eğitim Basımevi, 32. c., Ankara 1983.

<sup>1</sup> Türkçe Sözlük 1, Ankara 1988, sakkizinchi nashr

киритиш учун халқ орасида қўлланилаётган сўзлар ёки қўлланилиши кутилган туркча сўзлар, истеъмолда бўлган ўзлашма атамалар ва улар билан алоқадор ўзлашма сўзлар танлаб олинган. Туркча луғатнинг биринчи нашрига киритиладиган сўзлар 3 гуруҳ ҳолида белгиланди: 1. Тилда ишлатилаётган ёки қўлланилиши кутилаётган туркча сўзлар. 2. Қайси тилдан олинганига қарамай атама сифатида олинган ва ишлатилган сўзлар. 3. Бугунги жонли мулоқот ёки ёзув тилида қўлланилаётган ўзлашма сўзлар.

Расмий равишда 1939 йилда бошланган бу саъий-ҳаракатлар натижасида 1945 йилда луғатнинг илк нусхаси нашр қилинди. Бу асарнинг яратилиш жараёнида ишбошида турган ТДКнинг бош котибияти вакили бўлган Ҳасан Рашид Танкит луғат лойиҳасини тузади, сўнгра ўз ишларини луғат-филология соҳасининг раҳбари Али Жанип Йўнга топширади. Бироқ озгина вақт ўтгач Али Жанип Йўннинг бетоблиги туфайли бу луғат ишига Меҳмет Али Ағакай масъул қилиб тайинланади. Луғат тузилиш тартиби анча тортишувларга сабаб бўлган бўлса-да, кенг истеъмолда қўлланилди. Бу луғат 65 минг нусхада нашр қилинган эди. 1945 йилги луғатнинг нусхасига таянган ҳолда, 1955 йил китобдаги баъзи камчиликлар бартараф этилган ва сўзлар кўлами, ҳажми кенгайтирилган иккинчи нусхаси чоп этилди. Туркча изоҳли луғатнинг иккинчи нашри ҳам Меҳмет Али Ағакай бошчилигидан яратилди.

Фақат жаҳондаги илм-фан соҳасидаги янги кашфиётлар, янги ижтимоий ёндашувлар сабабли турк тили лексикаси тўхтовсиз ривожланиб бораётганлигини назарда тутган Турк тили қуруми ташкилоти луғатни қайтадан кўриб чиқиб, бир тарафдан янги сўзлар билан бойитиш, бошқа тарафдан, биринчи нашрдаги камчиликларни баратараф этиш, нотўғри киритилган изоҳларни чиқариш ва шу тарзда луғатни янада такомиллаштириш учун йиллар мобайнида тўхтовсиз иш олиб бормоқда. Шу мақсадда турли даврларга оид қадимги ёзма ёдгорликлар, янги китоблар тили, журналлар ва газеталар лексикаси ўрганиб чиқилмоқда, бундан ташқари, турк оғзаки сўзлашув нутқи материаллари, телевидение ва радио кўрсатувларда қўлланиладиган лексикага ҳам диққат қаратилмоқда. Демак, турк тили луғатчилиги сўзликларни бойитиш йўлида бутун куч-қудратини сафарбар этган, десак, янглиш бўлмайди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Türkçe sözlük. Ankara, 1988. (sakkizinchi nashr).

1959 йилда босилган Туркча луғатнинг 3-нашри ҳам Фарид Девелли оғлунинг ёрдамида Меҳмет Али Ағакай томонидан чоп этилди. Худди шу мутахассислар ёрдамида 1966 йилда луғатнинг 4-нашри босилди. Бу нашр тузатишлар ниҳоясида хасталаниб дўст ва биродалари фикрига кўра “мангу ҳаётга қовушган” Меҳмет Али Ағакай хотирасига бағишланди. Туркча луғатнинг 5-нашри яна уч йилдан сўнг нашр этилди. Камол Демирай раҳбарлигидаги С.Г. Аксол, С.Булуч, Б.К. Чағлар каби мутахассислар ёрдамида, Ф.Девеллиоғлу, К.Алкан ва Н.Киличкимларнинг ҳиссаси билан тайёрланган ушбу нашрнинг 1966 йилги 4-нашрдан анчайин фарқли томонлари борлиги айтиб ўтилган:

“Туркча луғатнинг бу нашрида 4-нашрга кўра муҳим ҳисобланувчи баъзи ўзгаришлар амалга оширилди. Шу билан бирга, жуда эски ва ҳозирги кунда қўлланилмаётган сўзлар чиқарилди, аксинча, кўп қўлланилаётган, лекин луғатга киритилмаган баъзи сўзлар эътиборга олинди. Ўзлашган сўзларнинг мос келувчи эквиваленти бўлса, фойдаланувчиларга керак бўлиши мумкин деган фикрда, уларни ҳам ҳозирча кенг тарқалган сўзларнинг ёнида кўрсатилиши маъқул деб ҳисобланди”<sup>1</sup>.

Бешинчи нашрдаги сингари, К.Демирай раҳбарлигида бир неча мутахассисларнинг ғайрати билан 1974 йилда 6-нашр, 1974-1983 йиллар давомида ТДҚда луғат иши раҳбарлигини бажарган М.Жонпўлат, К.Демирай, С.Тезжан бошчилигида ва К.Алкан, А.Айсан, Т. Уч каби бир неча мутахассисларнинг меҳнати билан 1983 йилда туркча луғатнинг 7-нашри икки жилд ҳолида босилди. 1988 йилда чоп этилган Туркча луғатнинг номи “Янги нашр”дир. Бироқ бу луғатга 8-нашр деб қайд этилмаган. Бу нашрнинг эски нашрлардан фарқли жиҳатлари бўлиши билан бирга, сўзларнинг кўпи ёзувчи ва шоирлар ижоди, халқ оғзаки сўзлашув тилидан олинган сўзлар билан бойитилган. Шу сабабли ҳам, эҳтимол, туркча луғатнинг 1988 йилги босмасига 8-нашр деб ёзилмаган. Янги нашрда кўплаб сўзларнинг шакллариининг ўзгартирилганлиги диққатга сазовор. Мисол учун Ҳ.Ерен ёзган “такдим” (сунуш) ушбу нашрда “сўз боши” (ўн сўз) номи билан аталмоқда. Бошқа тарафдан, ушбу луғат Турк тили қурумининг 1980-йиллар охиридаги янги мақоми Отатурк маданият, тил ва

<sup>1</sup> Türkçe sözlük. Ankara, 1969.

тарих юксак ташкилоти Турк тил куруми нашридир. Янги нашр Х.Ерен бошчилигида Н.Гўзайдин, И.Парлатир, Т.Текин, Х.Зулфикарлар ёрдамида тайёрланган.

Туркча луғатнинг барча саккизта нашрини солиштириб кўрсак, ҳар нашрда ўсиш, такомиллашиш борлигини айтишимиз мумкин. Луғатга олинган сўзлар сонини назарда тутсак, энг катта ўсиш 1993 йилги 7-нашрда эканлиги ўз аксини тошган. Бунинг акси 4-нашр(1969) энг кам кўрсаткичга эга. Ушбу 8- нашр бўйича ўзлашган сўзлар маҳаллий сўзлардан кам бўлса ҳам, уларнинг қўлланилиш даражаси баланд кўрсаткичда эканлиги кузатилган. Хуллас, Туркча луғатларда бегоналашув (чет эл сўзларини ўзлаштириш) кўрсаткичи, туркчалашиш кўрсаткичидан кўпроқ. Ушбу вазият илк нашрда қўйилган мақсаддир.

Туркча луғатларда араб, француз ва форс тилидан ўзлашган энг кўп қўлланилувчи сўзлар гуруҳи пайдо бўлди. Кўплаб французча сўзлар 4-нашрдан ташқари, 8-нашргача бўлган луғатларга кирди. Арабча сўзлар асосан 5-нашрдан бошлаб луғатдан чиқарилди, фақат кейинчалик 8-нашргача бўлган луғатларда арабча сўзлар миқдори кўпайиб кетди. Туркча луғатнинг 8-нашри (Янги нашр, 1988) луғатга сўз олиш жиҳатидан ўзлашган сўзларнинг ўз қатлам сўзларига энг яқинлашган наشري бўлди. Қисқача қилиб айтганда, янги нашр олдинги нашрларнинг барчасида кузатилган умумий қоидаларга бўйсунмаслик ва бу қоидаларнинг ҳам сон жиҳатидан анчайин камайганлиги билан диққатни тортади. Масалан, луғатга олинган сўзлар миқдори нашрда анчайин пасайди. Соф туркча сўз бойлигини кўпайтириш мақсадида ёзувчи ва шоирларнинг асарлари кўздан кечирилиб, улардан олинган сўзлар, хусусан, халқ мулоқотида қўлланилаётган сўзлар ҳам луғатга киритилди. Шу билан бирга илмий нашрлар ҳам кўздан кечирилиб, илмий тилга ўзлашган ва илмий мақолаларда қўлланаётган ёки тортишилаётган атамалар ҳам луғатнинг янги нашрига киритилди. Нашрга тайёрловчиларнинг авваги ва янги нашрларда қўлланилаётган сўзларни киритиш билан чекланганликлари, аввалги ва янги сўзлар ўртасида қандайдир фарқлар мавжудлигини кўрсатиш фикридан йироқ эканликлари сўз бошида алоҳида таъкидланади. Турк тили қоидаларига мувофиқ ҳосил қилинган сўз ва маъноларнинг тилда муқим қолажагига урғу берилди. Луғатнинг бу нашридан 46.825

бош сўз, 16.496 ясама сўз, жами 63.321 сўз жой олди. Луғат жами 115.000 нусхада босилган.

Саккизинчи нашрдан ўн йил ўтгач, 1998 йил тўққизинчи нашр чоп этилди. Бу нашр ҳам 7- ва 8-нашр сингари икки жилд ҳолида тайёрланди. Адабий асарлар, ўрта мактаб дарсликлари, газета ва журналлар кўздан кечирилиши, умумистеъмомга кирган турли соҳа атамаларини луғатга киритиш орқали сўз бойлигини ортириш назарда тутилди. ТДКнинг Ўзлашма сўзларга қарши курашиш бўлими комиссияси томонидан таклиф қилинган таржималар ҳам луғатнинг 9-нашрига киритилди. Сўзларни тўғри ёзиш бўйича 1996 йил нашр қилинган “Имло луғати” билан мутаносиблик сақланганлигини ўз тақдимномасида баён этилган луғатнинг 9-нашрда сўз, атама, ибора, қўшимча ва маънодан иборат 98.107та сўз бойлиги жой олган. Уларнинг 60.152 таси бош, 13.555 таси ясама сўзлардир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, турк тилидаги луғатларга тартиб бериш иши Мустафо Кемал Ататурк бошчилигида марказлашган тартибда амалга оширилган. Умуман, турк луғатчилигининг шаклланишида, турк тили луғатларини чоп этилишида Турк тили Қуруми ташкилотининг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Юқорида айтиб ўтилганидек, луғат тилнинг сўз бойлиги, маданият юксаклиги ва жамият ўзгаришларини акс эттиувчи муҳим восита ҳисобланади. Луғат тузиш ҳам сермашаққат ва мураккаб вазифадир. Албатта, луғатларни қиёслаш, уларда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, бу борада таклифлар бериш мақсадга мувофиқ. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, жамоанинг кўп йиллик оғир меҳнати маҳсули бўлган луғатлар турли соҳалар учун муҳим манба вазифасини ўтайди.

*Бегматова Бузахро*

*Филология фанлари номзоди,*

*Араб филологияси кафедраси доценти*

## **АРАБ ЛУҒАТШУНОСЛИГИ МАКТАБЛАРИ**

Лексикография, яъни луғатшунослик–тилшуносликнинг бўлимларидан бири бўлиб, луғатларни назарий ва амалий жиҳатлардан тузиш ва уларни тадқиқ этиш ҳақидаги фандир. Бу фан луғат турлари ва уларни тузишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади ҳамда лексикология, стилистика,



фонетикага ҳамда тил тарихи, тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги таълимотга суянган ҳолда иш кўради.

Ўрта аср арабийзабон халқлар маданиятининг ривожда араб тилшунослигининг муҳим тармоғи ҳисобланган луғатшунослик катта роль ўйнаган. Араблар тилшуносларни “нахвиййун”<sup>1</sup> деб атасалар, луғатшуносларни улардан ажратиб, “луғавиййун” деб номлаганлар.

Шарқшунос олим В.М. Белкин ўзининг “Арабская лексикография” китобида луғат тузиш фикри арабларга юнонлардан ўтган, деган тахминни илгари суради. Бироқ араб луғатнавислигининг келиб чиқиши, ўзининг мазмуни ва ривожланиш характерига кўра тамоман ўзига хос мустақил ҳодисадир<sup>2</sup>.

Араб луғатнавислиги Европада ҳали бундай фаолият тури мавжудлиги маълум бўлмаган даврларда пайдо бўлган. Ислоҳ динининг кенг тарқалиши араб тилшунослиги ҳамда унинг бўлимларидан бири ҳисобланувчи луғатшуносликнинг пайдо бўлишига туртки бўлган. Араб адабий тилининг Ўрта аср мусулмон шарқида маданий ва илмий тил сифатида раванқ топиши, араб адабиётининг тез суратда ривожланиши, лаҳжаларнинг турлилиги араб луғатшунослигининг эрта пайдо бўлиши ва кўп асрлар давомида гуллаб-яшнашига сабаб бўлган.

Араб адабий тилида мавжуд бўлган барча луғатларни мазмун жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) изоҳли луғатлар;
- 2) соҳалар бўйича луғатлар;
- 3) синонимлар луғатлари;
- 4) нодир сўзлар луғатлари;
- 5) ўзлашма сўзлар луғатлари;
- 6) таржима луғатлар.

Луғатлар ундаги сўзларнинг жойлашуви, яъни тузилишига кўра бир-биридан фарқ қиладилар. Улар 3 хил бўлиб, қуйидагиларга ажратилади:

1) товуш принципи асосида, яъни сўздаги ундошларнинг ҳосил бўлиш ўрни (махражи)га кўра тузилган луғатлар. Бунда фонетик принципга амал қилинади ва яна сўз ўзагидаги ундошларнинг сони ҳам ҳисобга олинади;

<sup>1</sup> Косимова С.С. Ҳамидулло даририйнинг “Мукаддима” асари: матн ва тадқиқ. –Т.: ТДШИ, 2014.

<sup>2</sup> Салима Рустамий. Араб луғатшунослиги. . –Т.: ТошДШИ, 2010. – Б. 7.

2) сўзнинг охириги ўзак ҳарфига кўра алифбо тартибида жойлаштирилган луғатлар;

3) сўзнинг биринчи ўзак ҳарфига кўра алифбо тартибида тузилган луғатлар<sup>1</sup>.

Араб изоҳли луғатлари турли сабабларга кўра, Куръон лексикасини ўрганиш билан боғлиқ равишда пайдо бўлган деб ҳисобланади. Энг биринчи араб луғатларида Куръондаги сўзларга изоҳ берилган. Улар “Ғариб ал-Куръон” (Куръондаги нотаниш сўзлар), “Маъоний ал-Куръон” (Куръон сўзларининг маънолари), “Тафсири ал-Куръон” (Куръон тафсири) номлари билан юритилган. Бундай луғатлар Куръондаги қийин, нотаниш сўзларни тушунтириш учун тузилган. “Куръон” сўзларига тузилган луғатларнинг биринчиси VIII асрнинг биринчи ярмидан кеч бўлмаган вақтга тўғри келади.

“Ғариб ал-Куръон” типидagi луғатларни араб луғатшунослиги тарихининг ҳамма даврларида учратиш мумкин. Бизгача етиб келган “Ғариб ал-Куръон” луғатлари Куръоннинг турли миқдордаги сўзларига изоҳ беради. Масалан, Ибн Қутайба (828 – 889)нинг Қоҳира кутубхонасида сақланаётган “Ғариб ал-Куръон”ида 1205 сўзга изоҳ берилган бўлса, Муҳаммад ибн Узайз Сижистоний томонидан X асрда тузилган “Нузхат ал-қулуб” номли луғатининг 1936 йилда босилган наشري 230 саҳифадан иборат.

Кейинчалик ҳадисларда учрайдиган маъноси қийин ва камёб сўзларни тушунтирувчи луғатлар ҳам пайдо бўлган ва улар “Ғариб ал-ҳадис” номи билан юритилган. Абу Убайда Муъаммар ибн ал-Мусанна (728-825) ва Абу Аднон Абдурахмон ибн Абду-л-Аълонинг “Ғариб ал-ҳадис”лари бу борада яратилган дастлабки луғатлардир. Бундай луғатларни тузиш билан шуғулланган алломалар орасида ватандошимиз Махмуд Замахшарий ўзига хос ўринга эга. Чунки, олим томонидан тузилган “ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис (Ҳадисдаги нотаниш сўзларни ўзлаштирувчи)” номли луғат бошқаларига караганда машхур ва бир неча маротаба нашр қилинган.

Фикҳ, яъни ислом ҳуқуқшунослигининг вужудга келиши билан унинг термин ва тушунчаларини изоҳловчи луғатлар ҳам тузилган. Бундай луғатларнинг энг машхурлари абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Азҳарий (895-980)нинг **“аз-Зоҳир фи ғариб ал-алфоз имом аш-Шофийий”** (Имом Шофейй мазҳабларига хос нотаниш

<sup>1</sup> Носирова М. Тилшунослик билимлар тарихи. –Т.: Семург медиа, 2011. – Б. 145.

сўзлар ҳақида ёрқинликлар) луғатининг битта қўлёзма нусхаси Миср кутубхонасида 351 рақами билан сақланмоқда. Абулфатх Носир ибн Абдуссайд ал-Мутарризий ал-Хоразмий (1144-1213)нинг араб тилига таржима қилинган “**ал-Мугриб фи-л-ғариб мин ал-алфоз ал-фикх ал-Ҳанафий**” (Ҳанафий фикҳи сўзларидан нотанишларининг нотанишлари) луғатларидир. Фикҳга оид сўз ва атамаларни тушунтиришдаги кейинги ишлар мана шу луғатларни шарҳлаш билан кифояланган.

Булардан ташқари араб луғатшунослигида турли соҳаларга оид махсус тематик луғатлар жуда кўплаб яратилган. Буларнинг ичида қабила сўзлари, сифат, исм, фойил, масдар, хашарот ва ҳайвонот номлари, географик номлар каби тематик луғатларни кўрсатиш мумкин.

Араб луғатшунослиги тарихида умумий характердаги изоҳли луғатлар ўзгача ўринни эгаллайди. Умумий типдаги луғатлар кўп ва хилма-хил бўлиб, лексикани қамраб олиш, сўзларни жойлаштириш, тузилиш принциплари билан бир-биридан ажралиб туради. Аммо бу луғатлар синчиклаб текширилганда уларнинг маълум даражада бир-бирига боғлиқ бўлган тузилиш принциплари ва бошқа хусусиятлари билан ўхшаш гуруҳларга ажралиб туришини сезиш мумкин. Араб олими Ҳусайн Нассор шуларни назарда тутиб, араб тилининг умумий изоҳли луғатларини тўрт мактабга ажратади. Бу мактаблар қуйидагилар:

Биринчи мактаб.

Араб лексикасини ўрганиш ва унинг биринчи изоҳли луғатини тузиш VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Дастлабки изоҳли луғат “ع” ҳарфи билан бошлангани учун “**كتاب العين**” (“**ъайн**” ҳарфи билан бошланувчи китоб”) номини олган бўлиб, у Халил ибн Аҳмад Фараҳидийга (712-778 йй.) тегишли. Луғат фонетик принцип асосида тузилган. Унда сўзлар товушларнинг пайдо бўлиш ўрнига кўра жойлаштирилган бўлиб, товушларнинг талаффуз ўрни эътиборга олинган. Халил ибн Аҳмад энг чуқур товуш “айн” деб ҳисоблагани учун луғатни ундан бошлаган. Сўзларни бундай оригинал жойлаштиришдан ташқари, у ўзак таркибини назарда тутган, шунингдек, икки ўзакли, уч ўзакли ва кўп ўзакли феълларни тартиб билан берган. Луғатнинг алоҳида эътиборли томони шундаки, Халил ибн Аҳмад унда ўзакларни гуруҳлашда анограмма усулини қўллаган.

Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам унинг давомчилари бўлиб, улар ўшларнинг жойлашишига маълум бир ўзгартириш киритдилар, луғатларни ҳосила сўзлар билан тўлдирдилар, сўзларнинг маъноларини аниқлаштирдилар.

Шарқда Халил ибн Аҳмад усулининг давомчиси X асрда Абу Мансур ибн Аҳмад Азҳарий ва Соҳиб Абулқосим Исмоил ибн Аббод бўлса, Ғарбда Колий билан Зубайд эдтлар.

Исмоил ибн ал-Қосим ал-Қолийнинг (901-967) “ал-Бори” (“Аъло”), Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Азҳарийнинг (895-980) “Таҳзиб ал-луға” (“Сўзларнинг терилганлари”), Соҳиб Абулқосим Исмоил ибн Аббоднинг (938-995 аср) “ал-Муҳит” (“Океан”), Абулҳасан Али ибн Исмоил ибн Сида ал-Лидалусийнинг (1007-1066) “ал-Муҳкам” (“Тўла луғат”) луғатларининг тузилиши Халил ибн Аҳмаднинг “Китоб ал-айн” луғатида қабул қилинган системага асослангани сабабли уларни Хусайн Нассор бир мактабга бирлаштиради.

Халил ибн Аҳмад танлаган луғат тизими қарийиб икки аср давомида ўзгармасдан қолди. Бу усул билан тузилган луғатлардан фойдаланиш қийинчиликлар туғдиргани учун улар кенг тарқала олмади<sup>1</sup>.

#### Иккинчи мактаб

Ҳозирги алифбо тартиби асосида тузилган Абубакр Муҳаммад ибн ал-Ҳасан Ибн Дурайднинг “ал-Жамҳара” (“Кенг тарқалган сўзлар жомии”), Ибн Фориснинг (1005 йилда вафот этган) “Мужмал ал-луға” (“Кам ишлатиладиган сўзлар луғати”) ва “Китоб ал-мақоис” (“Сўз ўлчовлари луғати”) луғатлари мазкур мактабга мансубдир.

Бу луғатларга қўйилган асосий мақсад биринчи мактаб луғатларининг тузилиш тартибидан четлашишдир, чунки бу мактабнинг луғат тузишдаги фонетик принципи улардан фойдаланишни ниҳоятда қийин қилиб қўйган эди. Шу сабаб иккинчи мактаб вакиллари ўз луғатларида сўзларни биринчи ундошини эътиборга олган ҳолда алифбо тартибида жойлаштирганлар.

Иккинчи мактаб вакили ҳисобланувчи Ибн Дурайд ўзининг “ал-Жамҳара” номли луғатида араб адабий тилининг кенг истеъмолдаги сўзларини йиғади ва эскирган (архаик) сўзларни луғатга

<sup>1</sup> Қодиров Т.Ш., Алиев Д.И. Араб тили лексикологияси. –Т.: ТошДШИ, 2010. – Б.91.

киритишдан воз кечади. Халил ибн Ахмад нотаниш, тушунилиши кийин сўзларни боблар таркибида берса, Дурайд бундай сўзларни луғатнинг сўнггидаги алоҳида бўлимга киритган<sup>1</sup>.

Ибн Дурайд энг аввало ҳарфларнинг кетма-кетлигида алифбо тартибини қабул қилади. Эндиликда луғат “Ҳамза китоби”, “Бо китоби”, “То китоби” ва ҳ.к. алифбонинг охириги ҳарфигача давом этади. Ибн Дурайд сўзларни ўзаклари бўйича ажратади, факат у асосий қабул қилинган бу қоидага баъзи қўшимчалар киритади.

“Жамҳара” ҳам уч ҳарfli ва беш ҳарfli бобларга бўлинган, лекин Дурайд бу бобларга иловалар (мулҳақот) ҳам киритган. Аммо кўп ўринларда бу илова қилинган қисмларда тилчилар қабул қилган қоидаларни бузиш ҳоллари учрайди.

Ушба мактабнинг кўзга кўринган яна бир вакили Ибн Форис бўлиб, у араб тилининг луғатларини тузишнинг замонавий принципларининг асосчиси ҳисобланади. У иккита махсус луғат тузган бўлиб, улар “ал-Мужмал” ва “ал-Мақоис” деб номланади. Ибн Фарис мазкур луғатларда сўзларни алифбо тартибида биринчи ва иккинчи ўзак ҳарфларини инобатга олган ҳолда жойлаштирган. Аллома луғатларини тузиш учун системалашган лексикографик усуллардан фойдаланади. Унинг системаси асосан араб тилининг қиёсий ўрганишга мослиги, ўзаклар ва улардан сўз ясалиш қонуниятларига асосланган.

Ибн Форис луғатларининг асосий хусусияти уларда адабий, тўғри сўзларнинг жамлангани ҳамда сўзларга берилган изоҳларнинг аниқ ва қисқалигидадир.

#### Учинчи мактаб

Х асрнинг охирида араб луғатшунослигида “Қофия” усули деб номланган янги йўналиш пайдо бўлган. Бу йўналишда ижод қилган луғатшунослар шеърятнинг талабларидан келиб чиқиб сўзнинг охириги ундошини назарда тутган ҳолда сўзларни алифбо тартибида жойлаштирганлар.

Араб луғатшунослиги тарихида энг сермахсул бу мактаб Жавҳарийнинг “Сихаҳ” (“Тўғри сўзлар луғати”), Сағонийнинг “ал-Убоб” (“Жўшқин тўлқинлар”), Ибн Манзурнинг “Лисон ал-араб” (“Араблар тили”), Фирузабодийнинг “ал-Қомус ал-муҳит”

<sup>1</sup> Қодиров Т.Ш., Алиев Д.И. Араб тили лексикологияси. –Т.: ТошДШИ, 2010. – Б.91.

“Океан”) ва Зубайдийнинг “Тож ал-ъарус” (“Келин тожи”) луғатларини ўз ичига олган. Бу мактабга мансуб луғатлар сўзлар ўзагининг охириги ҳарфи эътибори билан бобларга, биринчи ҳарфига кўра эса фаслларга ажралиши билан характерланади<sup>1</sup>. Алишер Навоийнинг “Сабъат-абхур” (“Етти денгиз”) луғатини ҳам унинг боб ва фаслларга ажратилиши принципага кўра шу мактабга киритиш мумкин.

Шу усулда тузилган биринчи луғатнинг муаллифи Исмоил Жавҳарий бўлиб, унинг “Сихаҳ” номи билан машҳур “Таж ал-луға ва сихаҳ ал-арабийя” луғати классик араб тилининг 40000 сўз бирлигини ўз ичига олган. Жавҳарий ва унинг системаси асосида тузилган луғатларда қофиядош сўзларни топиш қулай бўлиши ҳам ҳисобга олинган. Бу ўша даврда шеър ёзишга кизиқишнинг юкори бўлгани, ҳатто насрий асарларни ҳам қофия билан ёзиш одат тусига кирганлиги ва шунинг учун сўзларни топишни енгиллаштириш ҳаракатидан келиб чиққан дейиш мумкин. “Сихаҳ”нинг қисқа мукаддимаси ҳам сажъ билан ёзилган<sup>2</sup>.

Араб луғатшунослиги тараққиётининг кульминациясини биз Ибн Манзурнинг “Лисан ал-араб” луғатида кўраимиз. Бу луғат ўз ҳажми ва тузилиши, структурасига кўра бу соҳадаги намунавий асар ҳисобланади. Қофия усулига кўра тузилган бу луғат 80000 сўз бирлигидан иборат.

Ибн Манзур ўз луғатини тузишда сўз ва ибораларнинг шарҳларини беради, шунингдек шарҳлари тўғри эканлигини тасдиқлаш учун Куръони каримдан парчалар, ҳадислар, шеърлар, панд-насихатлар, ўғитлар келтиради. Бу луғат бугунги кунда ҳам араб тилининг луғат бойлигини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб қолган<sup>3</sup>.

#### Тўртинчи мактаб

Замахшарий ўзининг “Асос ал-балоға” (“Чечанлик пойдевори”) луғати билан араб луғатшунослигини яна бир поғонага кўтарди ва янги тўртинчи мактабга асос солди. Замахшарий биринчидан луғатдаги сўз таркибигаундан фойдаланишни осонлаштирадиган янгилик киритган. Унинг бошқа луғатлардан фар-

<sup>1</sup> Алимджаова З.Н. Арабская лексикология. – Т.: ТашГИВ, 2011. – С. 73.

<sup>2</sup> Салима Рустамий. Араб луғатшунослиги. – Т.: ТошДШИ, 2010. – Б. 26

<sup>3</sup> Носирова М. Тилшунослик бидмлар тарихи. – Т.: Семурғ медиа, 2011. – Б. 149.

ки шундаки, унда араб луғатшунослигида илгари кичик луғатларни тузишдагина қўлланган услуб, яъни сўзларни ўзакнинг биринчи ҳарфи эътибори билан алифбо тартибида бобларга жойлаштириш принципи амал қилинган. Араб тилининг луғатларини тузишда фақат Бармакий давом эттирган бу усул кейинчалик форсча-арабча, форсча изоҳли, арабча-форсча луғатларда кенг қўлланилган ҳамда сал ўзгарган шаклда ҳозирги замон луғатшунослигида ҳануз қўлланилиб келинмоқда.

Замахшарий сўзларни асл маъноси билан бирга унинг кўчма маъноларини ҳам тўлиқ ва лўнда қилиб берган ва уларни тасдиқловчи мисоллани ҳам келтириб ўтган. Шунингдек, у сўзнинг иборалардаги маъноларига ҳам эътибор бериб, кўпинча сўзнинг кўчма маъноларининг пайдо бўлиш сабабларини ҳам кўрсатиб ўтган.

Араб луғатшунослигида бир тилли луғатлар аксариятни ташкил қилади. Лекин таржима учун тузилган луғатларни ҳам учратишимиз мумкин. Бу борадаги тамал тошини ҳам Маҳмуд Замахшарий кўйган. У арабча-форсча луғатнинг муаллифи ҳисобланади.

Хулоса қилиб шунни айтишимиз мумкинки, араб луғатшунослиги нафақат Шарқ халқларининг, балки Ғарб халқларининг луғатшунослигига ҳам ўзининг катта таъсирини кўрсатган. Араб луғатшуносларининг асарлари эс ҳозирги кунда ҳам тилшуносликнинг шу соҳаси ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда.

*Сарвиноз Қосимова*

## **МОВАРОУННАХР ТИЛШУНОСЛАРИ АСАРЛАРИДА АРАБ ТИЛИ ГРАММАТИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ**

Маълумки, араб тили грамматикаси ўзига хос мураккаб тизимга асосланган. Араб тилини эгаллаш долзарб бўлиб қолган даврдан бошлаб шу кунга қадар мазкур тизимни енгиллатиш учун бир қанча урунишлар амалга оширилган. Аввал форс уламолари араб грамматикаси назариясини мукаммал тизимга солган бўлсалар, кейинчалик бошқа ажам тилшунослари ҳам таълим учун мукаммал ва қулайроқ тарзда асарлар яратиб, қўлланмалар тузганлар. Шу жумладан, Мовароуннахр тилшунослари ушбу тилнинг грамматик назариясини ўзга услубда

инлаб чикганлар.<sup>1</sup> Албатта бу асарлар араб тили грамматикасини мохиятини ёкотмаган ва шу кунга қадар араб давлатлари олий даргоҳларида таълим учун қўлланиб келинмоқда. Мазкур асарларда грамматик терминларнинг қўлланиши сақланиб қолган, баъзан эса янги терминларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Масалан, жумла термини аввалги грамматик асарларда қўлланилмаган, кейинчалик пайдо бўлган бу термин мовароуннахр тилшунослари асарида кенг қўлланилади<sup>2</sup>.

Араб ва Европа давлатлари орасидаги савдо-сотик йўллари тугайли маданий алмашилиш ҳам ривожланади. Европага кириб келган кўлаб ёзма манбаларни англашга интилиш араб тилини ўрганишга сабаб бўлади. Кейинчалик европаликлар ҳам ўз тиллари грамматикасига асосланган араб тили грамматик назариясининг янги тизимига асос соладилар.

Араб тили грамматик тизимини тақдим этишда анъанавий ва европа йўналиши пайдо бўлади. Ҳар бир йўналишнинг ўзига хос ютуқлари бор. Европа йўналишини пайдо бўлиши билан араб тилшунослари ҳам шу йўналишда тадқиқотларни амалга ошириб араб тили грамматик назариясини янада мукаммалаштирдилар.

Қанчалик европа йўналиши мукаммал бўлмасин, анъанавий йўналиш араб тилини ўрганишда яқка устунликка эга. Таълим жараёнида анъанавий ва европа йўналишда тил ўрганувчилар қиёсланганда биринчи йўналиш устунлиги билан фарқланиб туради. Шу сабабли европа йўналишида таълим олаётганларга араб тилидаги анъанавий терминларни тавсифини этиб ўтиш қатта ютуқларга олиб келади.

Мазкур мақоламизда анъанавий йўналишда тузилган грамматик терминларнинг тавсифини тақдим этамиз. Грамматик терминларни тавсифини рус арабшуноси Б.М. Гранде<sup>3</sup> ва ўзбек олимлари М. Юсупов ва Н. Ибрагимовлар<sup>4</sup> асарларида тақдим қилганлар. Ушбу мақолада грамматик терминлар Ўрта аср

<sup>1</sup> Носирова М. А. Махмуд Замахшарийнинг “Ал-унмузаж фи-н-нахв” рисоласи. – Тошкент: ТДШИ, 2005. -186б.

<sup>2</sup> Фролов Д. Арабская филология. –Москва, 2006. –стр. 34

<sup>3</sup> Гранде Б. М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М., 2005.

<sup>4</sup> Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. 1-жилд. –Тошкент.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 1997. 7-б.



мовароуннаҳр тилшунослик мактабига мансуб олимларнинг асарларидан олиб тавсиф этилган.

|   |   |
|---|---|
| <p>الإعراب – флексия<br/>         أنجر – қаратқич келишигини қабул<br/>         қилмоқ<br/>         أسماء معتلة – иллатли исмлар<br/>         انكسر – қасра ҳаракатини олмоқ<br/>         انفتح – фатҳа ҳаракатини олмоқ<br/>         اسم – исм<br/>         احتمل – ўзига олмоқ<br/>         المبدأ – исмий жумланинг эгаси<br/>         الخبر – исмий жумланинг кесими<br/>         الفاعل – феълий жумланинг эгаси<br/>         به المفعول – воситасиз тўлдирувчи<br/>         الإضافة – изофа бирикмаси<br/>         أضاف – изофа ҳолатига қўймоқ<br/>         استحق – ҳақли бўлмоқ<br/>         الأفعال الناقصة – ёрдамчи феъллар<br/>         اشتق – келиб чиқмоқ<br/>         اللام – “<i>ли</i>” предлоги<br/>         الكاف – “<i>ка</i>” предлоги<br/>         الصفة – сифат<br/>         أفعال – феъллар<br/>         الأمر والنهي – буйруқ майли ва унинг бўлишсиз шакли<br/>         اجزم – шарт майлида бўлмоқ<br/>         استفهام – сўроқ<br/>         الحمزة – “<i>а</i>”, яъни “...ми?” сўроқ юкламаси<br/>         أسماء الضمائر – кишилиқ<br/>         олмошлари<br/>         النكرة الموصوفة – сифатланган</p> | <p>الشهادة – “шоҳид бўлмоқ” феъллари<br/>         الفعل المضارع – ҳозирги- келаси замон феъли<br/>         استثنى – истисно<br/>         ألف الوصل – васлали алиф<br/>         الأفعال المنشعبة – ҳосила боблар<br/>         أبنية – вазн<br/>         أسماء العدد – санок сон<br/>         ألف التأكيد ممنودة – “<i>ā’y</i>”га туговчи муаннас сўзлар<br/>         اسم أعجمي – асли арабий бўлмаган<br/>         атоқли от<br/>         اسم مركب – икки сўз қўшилишидан<br/>         ҳосил бўлган атоқли от<br/>         التاء غير أصلية – муаннас тўғри қўплликдаги “<i>т</i>”<br/>         الأسماء التي توصل بها – нисбий олмошлар<br/>         اسم موصول – нисбий олмош<br/>         النسبة – нисбий сифат<br/>         أصلية – ўзақ харф<br/>         أسماء الإشارة – кўрсатиш олмошлари<br/>         اعلام – атоқли отлар<br/>         الألف الممدودة – чўзик алиф<br/>         الألف المقصورة – қисқа алиф<br/>         الأعضاء المزدوجة – жуфт аъзолар<br/>         أسماء الموصولات – нисби олмошлар<br/>         الأسماء المعدودة – санокли [ёдлаб олса<br/>         бўладиган] исмлар</p> |
|---|---|

|   |  |
|---|--|
| <p>ноаник<br/> ҳолатдаги сўз<br/> اسم منفي – инкор этилган сўз<br/> استفهام – сўроқ<br/> ايجاب القسم – қасамнинг жавоби<br/> اثبات – таъкидлаш</p> <p>ب</p> <p>بدل – изоҳловчи<br/> بئس – таҳқир феъли,<br/> яъни “қандай ёмон”</p> <p>ت</p> <p>تقدم الفعل – феълнинг эгадан<br/> олдин келиши<br/> تأخير الفعل – феълнинг эгадан<br/> кейин келиши<br/> تمنى – истак, орзу<br/> تع – тобеъ бўлмоқ<br/> توكيد – таъкид<br/> ترخيم – қисқартириш<br/> تاء التأنيث – муаннас жинсни<br/> билдирувчи “т”<br/> تعجب – таажжуб<br/> تميز – чеклов<br/> تخفيف – енгил<br/> تفسير – чеклов<br/> تاء التأنيث – муаннас жинснинг<br/> “т” си<br/> تصغير – кичрайтириш<br/> تاء النجم – муаннас кўликдаги<br/> “т”</p> <p>د</p> <p>دعاء – дуо</p> <p>ذ</p> <p>ذکر – эсламоқ, айтмоқ</p> | <p>اثبات في الخبر – бу ерда: нисбий<br/> олмош</p> <p>ث</p> <p>ثني – иккилик сон ясамоқ<br/> ثبوت النون – “нун”ларнинг собит<br/> бўлиши<br/> ثلاثي – уч ўзакли</p> <p>ج</p> <p>جزم – “суқун” белгиси, шарт<br/> майли<br/> جمع التفسير – синик кўплик<br/> جمع – кўплик ясамоқ<br/> جمع السلامة – тўғри кўплик сон<br/> جملة – жумла, гап<br/> جمع – кўплик шаклда бўлмоқ<br/> جواب – жавоблар<br/> جدد – мутлоқ инкор<br/> جملة اسمية – исмий жумла<br/> جمع القلة – оз миқдардаги кўплик<br/> جمع الكثرة – кўп миқдордаги<br/> кўплик</p> <p>ح</p> <p>حرف – ёрдамчи сўз (юклама,<br/> боғловчи ва х.з.)<br/> حروف الشرط – шарт юкломалари<br/> حروف الجزم – шарт майли<br/> юкломалари<br/> حرف الاستفهام – сўроқ юкломаси<br/> حروف النداء – мурожаат<br/> юкломалари<br/> حروف الاستثناء – юкломалари<br/> истисно<br/> حرف مشددة – иккиланган ҳарф</p> <p>خ</p> <p>خفض – қараткич келишиги</p> |
|---|--|

|  |  |
|--|--|
| <p style="text-align: center;">ر</p> <p>رفع – исмларда бош келишикни, феълларда дарк майлини билдиради<br/>         رخم – сўзни кискартирмоқ<br/>         رخم – кискартириш</p>  | <p style="text-align: center;">ض</p> <p>ضمم – даммалантирмоқ<br/>         ضمير – олмош</p> <p style="text-align: center;">ظ</p> <p>ظرف – ҳол<br/>         ظرف الزمان – пайт ҳоли<br/>         ظرف المكان – ўрин ҳоли<br/>         ظاهر – кўриниб турган</p>  |
| <p style="text-align: center;">س</p> <p>سكون – ҳаракатланмаслик, тўхташ<br/>         سكن – сукунли бўлмоқ<br/>         سقوط النون – “нун”нинг тушиб қолиши</p>   | <p style="text-align: center;">ع</p> <p>عرب – турланмоқ<br/>         على ما يستحقه من الإعراب – ўзига муносиб келишикда<br/>         عرض – таклиф<br/>         عطف – уюшиб келмоқ<br/>         عطف – уюшиқ бўлақ<br/>         عائد – қайтувчи олмош<br/>         عقد – ўнлик</p>   |
| <p style="text-align: center;">ش</p> <p>شرط – шарт</p> <p style="text-align: center;">ص</p> <p>صغر – кичрайтирилган шаклга қўймоқ<br/>         صفة – сифат<br/>         صرف – уч келишикда турламоқ<br/>         صغر – кичрайтирмоқ<br/>         صلة – нисбий олмошдан кейин келадиган сўз</p> | <p style="text-align: center;">غ</p> <p>غانب – III- шахс</p> <p style="text-align: center;">ف</p> <p>فتح – фатҳалантирмоқ<br/>         فعل – феъл, феълий жумланинг кесими<br/>         فعل ماض – ўтган замон феъли<br/>         فعل مستقبل – келаси замон феъли<br/>         فعل متقدم – эгадан аввал келган феъл<br/>         فعل متأخر – эгадан кейин келган феъл<br/>         مضاف إليه – изофанинг иккинчи бўлаги<br/>         مثني – иккилик шаклида [сўз]<br/>         مجزوم – шарт майлидаги [сўз]</p> |
| <p style="text-align: center;">ق</p> <p>قاس – киёсланмоқ<br/>         قسم – қасам</p> <p style="text-align: center;">ك</p> <p>كلام العرب – араб тилидаги сўзлар<br/>         كسر – касраламоқ</p> <p style="text-align: center;">ل</p>   |  |

لكن الخفيفة – “лакин” сўзининг  
сукун билан тугаган шакли  
لام الجحد – “ли” истак юкламаси  
لا ينصرف – икки келишикда  
турланади

م

متمكن – флексия бўйича  
ўзгарадиган [сўз]  
مضارع – [флексия бўйича  
ўзгарганда исмга] ўхшаш  
مبني – флексия бўйича  
ўзгармайдиган  
مرفوع – исмга нисбатан бош  
келишикдаги сўз, феълга  
нисбатан дарак майли  
منصوب – исмга нисбатан тушум  
келишикдаги сўз, феълга  
нисбатан истак майлидаги сўз  
مجرور – қаратқич  
келишигидаги [сўз]  
مفعول – тўлдирувчи  
مضاف – изофанинг биринчи  
бўлаги

ن

نصب – исмга нисбатан тушум  
келишиги, феълга нисбатан  
истак майли  
نون – танвин қўймоқ  
نون التثنية – иккилик соннинг  
“нун”и  
نعت – сифат  
نكرة – ноаниқлик  
نداء – муурожаат  
ندبة – ўлган одамга йиғлаш  
نعم – мактов феъли,  
яъни “кандай яхши”  
نفي – бўлишсиз шаклга қўймоқ

معرفة – аниқлик  
ما دخلته الألف اللام – “ал” аниқлик  
артиклини олган  
مؤنث – муаннас  
مفرد – бирликдаги [сўз]  
منادى – муурожаат  
қилинаётган сўз  
موصوف – сифатланган  
محذوف – олиб ташланган,  
тушириб қалдирилган  
مضى – ўтган замон  
مقسم – қасам ичилган сўз  
مكنى – махфий, яъни ўрнига  
биризма олмош келган сўз  
مستقبل – келаси замон  
معطوف – уюшиқ бўлак  
مكسورة – касра ҳаракатини  
олган [ҳарф]  
مختار – ихтиёрий  
متعجب – таажжубланилган  
مستثنى – истисно  
қалинаётган сўз  
معدود – саналмиш  
مركب – мураккаб  
معطوف – боғланган, уюшган  
معطوف – уюшиб келаётган сўз  
منكر – музакқар

و

واحد – бирлик  
واو القسم – қасамни  
ифодалашдаги “вов”  
وحد – бирлик шаклда бўлмоқ  
وقت – вақт  
واو العطف – “ва” боғловчиси

ي

ياء المتكلم – I- шахс бирлик

|  |  |
|--|--|
| نفي – бўлишсиз шакл<br>نفي الجنس – инкор юкламаси<br>نون التأكيد – таъкид “нун”и<br>نعت على وزن أفعل – орттирма<br>даражада келган сифат | олімоши<br>يفسر – чеклов қилинмоқ<br>ينصرف – уч келишиқда<br>турланади<br>ياء مشددة – таъдидли “йой” |
|--|--|

Мазкур терминлар араб тили грамматикаси ва албатта араб нутиини англашда ва тўғри талқин этишда ёрдам беради. Мазкеур терминларнинг аксарияти тавсифий шаклда тақдим этилган. Чунки араб тилида ўзбек ва бошқа тилларга хос бўлган гап бўлақлари ва улар билан боғлиқ бир қатор терминлар мавжуд. Шунингдек, араб тили синтаксисидаги гап бўлақлари эгилувчан бўлиб, ҳар доим ҳам ўзбек тили синтаксисидаги гап бўлақларига айнан мос келавермайди. Бу масала нафақат гап бўлақлари, балки ёрдамчи сўзлар, келишиқ тушунчасига ва сўз туркумларига ҳам оиддир. Бунда гап бўлақлари трансформация ҳодисасига ёлиқишини ҳам кузатамиз. Буларнинг ҳаммаси араб тили грамматикасини нафақат европа тақдим этган грамматик тизим орқали, балки анъанавий йўналишда ҳам ўрганишга уруниб кўриш кераклигига чорлайди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Саъд Самъоний. Китабу-л-ансоб. – Байрут, 1988. – Ж. III.
2. Ал-Қуръон ал-қарим маъноларининг таржимаси ва шарҳлар. –Т., 2002. – 681б.
3. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1977. – 942с.
4. Гиргас В. Очеркъ грамматической системы арабов. – СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1873. –203с.
5. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М., 1998. – С.593.
6. Ёкут Ҳамавий. Муъжаму-л-булдон. –Миср, 1906.
7. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. – Ж. 1. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 1997. – 453б.
8. Носирова М.А. Ўрта аср араб нахвидан намуналар. –Т., 2004. –Б.72

9. Носирова М. А. Махмуд Замахшарийнинг “Ал-унмузаж фи-н-нахв” рисоласи. –Тошкент: ТДШИ, 2005. –186б.

10. Старинин В.П. Структура семитского слова. –М.: Вост. Лит., 1963. – 115с.

11. Яковенко Э. В. Неправильные глаголы арабского языка. – М.: Вост лит., 2000.

12. Фролов Д. Арабская филология. –Москва, 2006. –стр. 34

13. Гуломов А. Ҳозирги замон ўзбек тили. –Т.,1961. –277б.

14. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.,2002. –56б.

15. Ҳамидуддин Даририй. "Даририй". Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, кўлёмалар фонди(ФАШИ). Кўлёмалар №6452. –11в.

*Мирзааҳмедова Хулкар  
тадқиқотчи*

## **ЭРОН ТИЛ АКАДЕМИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФОРС ЛУҒАТЧИЛИГИГА ТАЪСИРИ**

XX аср илмий-техник термин ва тушунчаларнинг Ғарб ва Шарқда бирдек юксак оқим асосида юзага келиши билан ажралиб туради. 1930-йилларга келиб, ҳам Ғарбда, ҳам Шарқ мамлакатларида бирваракайига терминология соҳасини ўрганиш бўйича ҳаракатлар юзага келди. Ғарбда терминларни ўрганиш бўйича назарий жиҳатдан асосланган терминология мактаблари юзага келган бўлса, Шарқда, хусусан, Эронда пуризм ҳаракатлари авж олди. Форс тили имкониятлари доирасида терминлар тақдим қилиш мақсадида Эронда замон талаби билан “Академия”лар ташкил этилди.

Форс тили лексикологияси, қолаверса, форс тили терминологиясига ўзининг даврий ҳиссасини қўшиб келаётган “Академия”лар ҳақида бир қатор олимлар, масалан, жаҳон тилшуносларидан Р.Л.Копер<sup>1</sup>, рус олимларидан Л.С.Пейсиков<sup>2</sup>,

<sup>1</sup> Cooper R.L. Language Planning and Social Change. Cambridge University Press. Cambridge, 1989.

<sup>2</sup> Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. –М., 1875. , Очерки по словообразованию персидского языка. –М., 1973.

Ю.А.Рубинчик<sup>1</sup>, М.С.Узина<sup>2</sup>, Е.Л.Гладкова<sup>3</sup>, А.К.Исмаилов<sup>4</sup>, М.С.Каменева<sup>5</sup>, Г.Г.Наджафов<sup>6</sup>, А.Акбарипур<sup>7</sup>, эрон олимларидан С.Х.Такаллуи<sup>8</sup>, М.Асъади<sup>9</sup>, С.Киё<sup>10</sup>, ўзбек олимларидан А.Қуронбеков<sup>11</sup> кабилар таджикот олиб борганлар.

Ҳозирги форс тили XX асрда турли ижтимоий-сиёсий жараёналарни бошидан кечирганлигини инobatга олсак, форс тили лексикаси таркибида араб, турк ва европа тилларидан ўзлашган сўзларнинг миқдори кўп фоизни ташкил этишининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Расмий равишда 1936 йилдан то шу кунга қадар Эронда ташкил этилган уч “Академия”<sup>12</sup> ўз фаолиятини олиб борган. Бу ташкилотларнинг асосий мақсади – тил имконияти доирасида ўзлашмаларга форсий эквивалент тақдим қилишга уриниш бўлган.

Аммо Эронда биринчи академия тузилгунга қадар ҳам ўзлашмаларга форсий муодилларни тақлиф қилиш ва луғат шаклида нашр этиш ишлари бошланган эди. Дастлабки уриниш “Янги Эрон армияси”нинг шакллантирилиши билан боғлиқ бўлган.

<sup>1</sup> Рубинчик Ю.А. Некоторые особенности формирования и развития лексики современного персидского языка (период до революции 1979 г.) // «Развития языков в странах зарубежного Востока». – М., 1983.

<sup>2</sup> Узина М.С. Пуризм как проявление национализма в словотворческой деятельности в Иране и Турции (20-70-е годы) // «Народы Азии и Африки», №4. – М., 1980.

<sup>3</sup> Гладкова Е.Л. К вопросу об образовании новых общественно-политических терминов в современном персидском языке // «Восточное языкознание» к 80-летию Ю. А. Рубинчика. – М., 1983.

<sup>4</sup> Исмаилов А.К. Вопросы нормирования лексического состава персидского языка и деятельность Академии языка и литературы // Исследования по восточным языкам. – М., 1981.

<sup>5</sup> Каменева М.С. О деятельности двух Академий языка Ирана и некоторых инновациях в лексике персидского литературного языка // “Развитие языков в странах зарубежного Востока”. – М., 1983.

<sup>6</sup> Наджафов Г.Г. Проблемы терминологии современного персидского языка. – М., 1976.

<sup>7</sup> Акбарипур А. Терминологическое строительство в Иране. Дисс...канд. филол. наук. – М. 2006.

<sup>8</sup> Tackallou S. H. Evaluation of Persian Academy approved genetics terms acceptance in upper graduate user population. Journal of Paramedical Sciences (JPS). Spring 2012 Vol.3, No.2 ISSN 2008-4978.

<sup>9</sup> اسعدی م. فرهنگستان های ایران، ترکیه و هند. مجله نشر دانش. تهران، 1990

<sup>10</sup> کیا ص. فرهنگستان های ایران: پیشنهاد شما چیست؟ شماره 8. تهران، 1972

<sup>11</sup> Куронбеков А. Проблемы формирования научно-технической терминологии в современном персидском языке. // Вопросы филологии. – М., 2003-№2/14. С. 16-18.

<sup>12</sup> Кейинчалик ایران فرهنگستان ایران farhangestān-e irān “Эрон академияси” – биринчи академия, ایران فرهنگستان زبان ایران farhangestān-e zabān-e irān “Эрон тил академияси” – иккинчи академия, ایران فرهنگستان زبان و ادبیات ایران farhangestān-e zabān va adabeyāt-e irān “Эрон тил ва адабиёти академияси” – учинчи академия, деб юритилади.

Ҳарбий соҳага оид терминларни стандартлаштириш ва форсийлаштириш мақсадида 1924 йилда Ҳарбий ва мудофаа назирлиги қошида “Маърифат ва маданият жамияти” ташкил этилган. Унда харбий соҳа терминлари қайта кўриб чиқилиб, тасдиқдан ўтказилган. Тўрт ой ўз фаолиятини давом эттирган бу ташкилот 300 дан ортиқ харбий ва техника соҳасига оид терминларга форсий эквивалент тақдим қилган. Мазкур тасдиқланган терминлар форс тили лексикасига чуқур сингиган ва бугунги кунга қадар ишлатиб келинмоқда. Улардан баъзиларини келтирамиз. Масалан: هوايما *havāpeymā* ‘самолёт’. Бу термин форс тилида французча *avion* ҳолатида ишлатилган. Форс тили французчадан ўзлашаётган сўзга форсий муодил таклиф қилишга ички имконияти нуқтаи назаридан ёндашган (هوا *havā* ‘ҳаво’ ва پيما *peymā* ‘юрмок’, ‘ўтмок’ феълининг ХЗНдан ҳосил қилинган) ва янги термин яратиш уйдасидан чиққан.

Худди шу каби فرودگاه *forudgāh* ‘аэропорт’ (فرود *forud* ‘настлашиш’, ‘тушиш’ ва گاه *-gāh* исмий яримаффикси) фр. *aerodrome*, инг. *airport*, هوانورد *havānavard* ‘космонавт’ (هوا *havā* ‘ҳаво’ ва نورد *navard* نورديدان *navardidan* ‘айланмок’, ‘ўралашмок’ феълининг ХЗН) фр. *aeronaute*, هواسنج *havāsanj* ‘барометр’ (هوا *havā* ‘ҳаво’ ва سنج *sanj* سنجيدان *sanjidan* ‘ўлчамок’, ‘баҳоламок’, ‘солиштирмок’ феълининг ХЗН) фр. *aerometre*, بادسنج *bādsanj* ‘анемометр’ – шамол тезлигини ўлчаш асбоби (باد *bād* ‘ел’, ‘шамол’ ва سنج *sanj* سنجيدان *sanjidan* ‘ўлчамок’, ‘баҳоламок’, ‘солиштирмок’ феълининг ХЗН) фр. *anometre*, خلبان *xalabān* ‘лётчик’, ‘учувчи’ (خلاء *xalā* ‘бўшлиқ’, ‘вакуум’ ва بان *-bān* касб-кор номини ясовчи аффикс) фр. *pilote*, آتشبار *ātašbār* ‘батарейка’ (آتش *ātaš* ‘ўт’, ‘олов’ ва بار *bār* физикада қўлланилганда ‘заряд’) фр. *batterie*, وابسته نظامي *vābaste-ye nezāmi* ‘харбий атташе’ фр. *attaché militaire* каби терминлар форс тили имконияти доирасида ясалган ва ҳамон тилда қўлланилмоқда.

Шунингдек, харбий соҳада баъзи терминлар форсий муодилларига алмаштирилдики, натижада назарда тутилаётган тушунча учун аввалдан ўша термин қўллангандек қабул қилина бошланди. Масалан туркий قشون *yošun* ўрнига форсий сўздан фойдаланган ҳолда ارتش *arteš* ‘армия’, فوج *fouj* ўрнига هنگ *hang* ‘кўшин’, арабий مملکت *mamlakat* ўрнига کشور *kešvar* ‘мамлакат’, арабий وطن *vatan* ўрнига ميهن *mihan* ‘ватан’ каби терминлар киритилди.



Илм-фаннинг ривожланиши Эронда соҳа терминларининг форсий муодилларини ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжни ортирди. Шу тарзда, 1932 йилда “Илмий сўз ва терминларни жамиятга татбиқ қилиш” номли ташкилот юзага келади. 8 йиллик фаолияти давомида бу уюшма табиий, аниқ ва гуманитар фанлар учун 3000га яқин сўз ва сўз бирикмаларидан ташкил топган терминларни таклиф қилган. Шулардан 400дан ортиқ термин ўқув дарсликларига киритилган<sup>1</sup>. Эътиборлиси шундаки, мазкур терминлар ўз вақтида китобча шаклида нашр этилган ва улар лексикага ўзлашиб борган сари чоп этилаётган луғатлар таркибига ҳам ўзгартиришлар киритилган.

Махсус соҳа луғатларини кўриб чиқиш ва форсийлаштириш бўйича стандарт лойиҳаталаб соҳалардан яна бири тиббиёт эди. Тиббий терминларни қўллаш бўйича Эронда 1934 йилда *فرهنگستان طبى farhangestān-e tebbi* “Тиббиёт академияси” ташкил этилди. Мазкур академия қошида ҳам тиббий терминларнинг анчагина қисми форсий муодиллари билан алмаштирилди ва луғат шаклида қайтадан нашрдан чиқарилди.

Вақт ўтган сайин барча соҳаларда терминларни тилда қўллашга доир масалалар юзага чиқа бошлади. Бу ҳолат давлат сиёсати даражасига кўтарилди; пуризм ҳаракатлари авж олишига туртки бўлди, “тил академия”лари ташкил этилди.

**Биринчи академия.** Эронда *فرهنگستان ايران farhangestān-e irān* “Эрон академияси” 1935-1941 йиллар давомида ўз фаолиятини олиб борган.

Биринчи академия ўзининг 6 йиллик фаолияти давомида 2000га яқин янги сўз таклиф қилган бўлиб, уларнинг 1700га яқини ҳозирги кунда ҳам форс тили луғат таркибида ишлатилади.

Форс тили луғат таркибининг бойишини янги сўзларнинг пайдо бўлаётганлиги билан боғлаш ўринли. Аммо бу ҳолат бошқа тилларга нисбатан форс тилида икки баробар ўсган. Чунки, бир томондан, форс тилига бошқа тиллардан ўзлашмалар кириб кела бошлади, иккинчи томондан, Эроннинг ўзи уларга эквивалент беришга ҳаракат қилди. Натижада тилда ё ўзлашмалардан фойдаланилди, ёки ҳар икки муодилни қўллаш ҳолатлари кузатилди. Баъзи ўринларда, айниқса,

<sup>1</sup> Исмаилов А.К. Вопросы нормирования лексического состава персидского языка и деятельность Академии языка и литературы. // Исследования по восточным языкам. – М., 1981. С. 73.

ўқув китобларида, соҳа адабиётларида бир терминни икки марта тикрорламаслик учун ҳам стилистик эквивалент сифатида ишлатилди ва ҳамон шундай ҳолатлар учраб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, биринчи академиянинг бош мақсади форс тили таркибидан нафақат арабий сўзларни сиқиб чиқариш, балки тилга сингиб улгурган туркий сўзларни ҳам форсий сўзлар билан алмаштиришдан иборат эди. Шу мақсадда, энг аввал, жой номлари, қолаверса, лексиканинг фаол нутқ қатламига оид сўзлар форсийлаштирилди: *ناصرى Nāseri* ўрнига *اهواز Ahavāz* деб номланди; *صاين قلعه Sāyinqal'e* ўрнига *دژ شاهين Sāhindež*, *سلماس Salmās* ўрнига *شاهپور Sāhpur*, *بندر انزلی Bandar(-e) Anzali* ўрнига *بندر پهلوى Badar(-e) Pahlavi*, *طهران Tehrān* ўрнига *تهران Tehrān* (орфографик мослашув), *دزداب Dozdāb* ўрнига *زاهدان Zāhedān*, *محمره Moharrame* ўрнига *خرمشهر Xorramšahr* қўлланилди; туркий *قراچه داغ qarāçedāy* ўрнига *ارساباران Arasbārān* (Озарбайжоннинг шимолида жойлашган вилоят), *قزل اوزن qezeluzun* ўрнига *سفیدرود Sefidrud* (дарё), *قشلاق yešlāy* ўрнига *گرمسار Garmsār*, *ارومیه Orumiye* ўрнига *رضاییه Rezāiye*, каби географик номлар; *اجی چای Ajiçāy* ўрнига *تلخه رود Talxerud* (Табриздан то Урмия қўлигача оқиб ўтадиган дарё), *میدان چای Meydānçāy* ўрнига *مهران رود Mehrānrud* (Табриздан оқиб ўтувчи дарё номи), *طاطا تو چای Tātāuçāy* ўрнига *سیمین رود Siminrud* (Табриздан оқиб ўтувчи дарё номи) каби маҳаллий дарё номлари; *اق تپه Aqtappe* ўрнига *سفیدتپه Sefidtappe*, *قراعینى qarā'eyni* ўрнига *سیه چشمه Siyahçāšme*, *قره بغده qareboyde* ўрнига *سیاه گندم siyāhgandom*, *قره چمن qareçaman* ўрнига *قره گل qaregol* ўрнига *سیاه گل siyāhgoł* каби қилиб ўзгартирилди<sup>1</sup>. Топонимик ўзгартиришлар, аввало, Эрон ҳаётига, қолаверса, лексикографияга ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Маҳаллий жой номларининг ўзгартирилиши билан бирга баъзи темир йўл ва порт бекатлари номларига ҳам ўзгартириш киритилди: *قره سو qaresu* ўрнига *سیاه آب Siyāhāb* (Шимолий темир йўл линиясининг 2-бекати номи), *صالح آباد Sālehābād* ўрнига *اندیشک Andimašk* (Жанубий темир йўл линиясининг 41-бекати номи), *اشرف Ašraf* ўрнига *بهشهر Behšahr* (Шимолий темир йўл

<sup>1</sup> Акбарипур А. Терминологическое строительство в Иране. Дисс. канд. филол. наук. – М., 2006. – С. 75-77.

линиясининг 6-бекати номи), برندک *Rahimābād* ўрнига رحيم آباد *Parandak* (Жанубий термир йўл линиясининг 6-бекати номи), حشمت آباد *Hašmatābād* ўрнига رودک *Rudak* (Жанубий термир йўл линиясининг 27-бекати номи), محسن آباد *Moxsenābād* ўрнига سيمين دشت *Simindāšt* (Шимолий темир йўл линиясининг 24-бекати номи), احمد آباد *Ahmadābād* ўрнига نادژ *Nādež* (Жанубий термир йўл линиясининг 10-бекати номи), عباس آباد *Abbāsābād* ўрнига ورسک *Varsak* (Шимолий темир йўл линиясининг 18-бекати номи) ва шу кабилар. А.Исмоиловнинг таъкидлашича, азалдан Эрон халқининг кундалик ҳаётида ишлатилган ва ишлатиб келинган бундай терминларни сунъий равишда ясаш ва уларнинг ўрнига янгиларини тақдим қилиш тилда бу терминларнинг кўлланилишига жиддий қарши таъсир ўтказди<sup>1</sup>.

Баъзи терминлар, масалан, ҳарбий, маъмурий соҳа терминлари вақт ўтиши билан, яъни жаҳон урушлари натижасида тилга янада сингиб борди, уларнинг мавқеи янада орғиди. Шунга қарамай, пуризм ҳаракатлари бошларида, яъни 1936-1941 йиллар давомида Академия томонидан тасдиқланган терминлар бугунги кунга келиб форс тили луғат таркибидан чуқур жой эгаллагани, ҳатто ўз сўзи бўлиб кетгани кузатилмоқда. Масалан, آموزشگاه *āmuzeshgāh* (آموزش *āmuzesh* ‘ўқиш’ ва گاه *-gāh* исмий яримаффикси) ‘мактаб’, دادستان *dādsetān* (داد *dād* ‘адлия’, ‘давлатнинг суд ишлари’ ва ستان *-setān* жой номини билдирувчи аффикс) ‘прокурор’, واژه *vāze* ‘сўз’, آرايشگاه *ārāyeshgāh* ‘сартарошхона’ (آرايش *ārāyesh* — *ārāstan* ‘безамок’, ‘тартибга келтирмок’ феълининг ХЗН ва — (y)eš ҳаракат номини ифодаловчи аффикс ва گاه *-gāh* исмий яримаффикси) ва шу кабилар.

Аммо юқорида тилга олинган терминлар аввалдан тилда мавжуд бўлган терминларни форс тили луғат таркибидан чиқара олмади. Баъзи соҳаларда, хусусан, ҳарбий, маъмурий ва тиббиёт соҳаси терминлари таклиф қилинган терминлар билан бир қаторда ўзлашмалар билан синоним сифатида ишлатилди. Масалан, دادستان *dādsetān* ‘прокурор’, شهربانی *šahrbāni* ‘полиция’, دارایی *dārāyi* ‘финанс’, دادگستری *dādgostari* ‘адлия’ каби терминлар

<sup>1</sup> Исмаилов А.К. Вопросы нормирования лексического состава персидского языка и деятельность Академии языка и литературы. // Исследования по восточным языкам. — М., 1981. С. 75.

аввалдан тилда қўлланилган ва ҳамон ишлатилмоқда. Агар ҳозирги кунда Эронда нашрдан чиқаётган луғатларга назар ташлайдиган бўлсак, юқорида тилга олинган терминларнинг ҳар биқисини ҳам учратиш мумкин. Демак, Академиянинг фаолияти натижаси бугунги кунда ҳам ўз аксини топишга улгурган.

Ҳамма соҳа терминлари ҳақида бундай фикр келтириш ўринсиз. Баъзи соҳалар, масалан, спорт соҳасида ўзлашма терминлар санлаб қолинган. Биринчи академия томонидан 28 та футбол терминларига эквивалент келтирилган бўлиб, уларнинг биронтаси лексикадан ўрин олмади, яъни ўзлашмади. Баъзи терминлар ҳозирги кунга қадар эквивалентлари билан бирга ишлатилмоқда.

Биринчи академия кундалиқ ҳаётда ишлатиладиган арабий сўзларга шундай муодиллар киритдики, натижада тилда аввалдан шу сўз қўлланилгандек, тилда осон ўзлашди: شروع *šorou* ва ابتدا *ihtedā* ‘боши’, ‘бошланиш’ ўрнига آغاز *āyāz* قدیم الايام *yadim-ol-ayām* ‘қадимдан’ ўрнига از دیرباز *az dirbāz*, هذه السنة *hazihī-senna* ‘бу йил’ ўрнига أمسال *emsāl*, علی التدریج *a’la-t-tadrij* ‘оз-оздан’, ‘бора-бора’, ‘секин-аста’ ўрнига کم کم *kam kam*, رفته رفته *rafte rafte*, بدرفتاری *badraftāri* (بد *bad* ‘ёмон’ ва رفتار *raftār* رفتن *raftan* ‘юрмок’, ‘бормок’ ‘кетмок’ феълининг ХЗС ва ى *yā-ye masdari*), فی الحقیقة *fi-l-haqīqati* ‘хақиқатда’, ‘хақиқатдан’, ‘аслида’ ўрнига براستی *berāsti*, علی الخصوص *ala-l-xosus* ‘асосан’, ‘хусусан’, ‘айниқса’ ўрнига بویژه *beviže*, قابل قبول *yābel-e yābul* ‘мақбул’, ‘маъқул’ ўрнига پذیرفتنی *paziroftani*, لا اقل *lāʾaql* ‘лоақал’, ‘ақалли’, ‘жуда бўлмаганда’ ўрнига دست کم *dast-e kam*, آخر الامر *āxer-ol-amr* ‘охир-оқибат’, ‘натижада’ ўрнига سرانجام *saranjām*, مفقود الاثر *mafjud-ol-asar* ‘йўқолган’, ‘бедарак кетган’ ўрнига گم شده *gomšode*, رقیق القلب *rayiq-ol-yalb* ‘нозикқалб’ ўрнига نازک دل *nāzekdel* каби жуда кўп сўзлар муомалага киритилган ва луғат шаклида омма эътиборига етказилган.

1941 йилгача ўз фаолиятини олиб борган биринчи академия томонидан таклиф қилинган сўз ва терминлар тилга шиддат билан сингиб, тилда осон ўзлашди. 1983 йилда профессор Ю.А.Рубинчик масъул муҳаррирлиги остида иккинчи наشري эълон қилинган “Форсча-русча луғат”да<sup>1</sup> ҳам янги сўзлар киритилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Персидско-русский словарь. В 2-х тт. –М.: Рус. яз., 1983. Т. I. 800 с. Т. II. 864 с.

<sup>2</sup> Эслатиб ўтамиз, мажур луғат замонавий маъбуот, мактаб дарсликлари, Эроннинг ўзида форс тилида чоп этилган изоҳли луғатлар, ўқув-услубий қўлланмалар, замонавий

Биринчи академия олдига кўйган улкан мақсад – форс тили таркибидан арабий ўзлашмаларни сиқиб чиқаришга қисман бўлса-да эришди. Бу ҳол, айниқса, кундалик сўзлашувда ишлатилувчи аксарият сўз ва терминларнинг форсийлашувига туртки бўлган. Эътиборлиси шундаки, бу жараёнда иштирок этган кўпгина термин ва сўзлар оқилона ва чиройли тадбир орқали форс тили лексикасининг бойитишга хизмат қилган.

Бора-бора биринчи академиянинг фаолияти суслашди. Натижада, 1941 йилда бу ташкилотнинг фаолияти расман тугади. Аммо ўзлашмалар устида ишлаш кейинги йилларда ҳам давом этди.

**Иккинчи академия.** 1970 йилда шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий буйруғига асосан, فرهنگستان زبان ایران *farhangestāne zabān-e irān* “Эрон тили академияси” ишга туширилди ва 1979 йилда, яъни Ислом инқилобининг дастлабки даврида ўз фаолиятини тугатди<sup>1</sup>.

Аввал бошиданок, бу академиянинг олдига мақсадли вазифа юклатилди, яъни форс тили лексикасининг бойишига хизмат қилувчи сўзларни эмас, ўзлашмаларга эквивалент бўладиган терминларни жорий қилишдан иборат бўлган. Ю.А.Рубинчикнинг фикрича, бу жиҳатлари билан иккинчи академия биринчи академия ишининг давомчиси бўлган<sup>2</sup>. Биринчи ва иккинчи академиянинг ягона мақсади форс тили таркибидан арабий ўзлашмаларни сиқиб чиқариш бўлган.

Бу даврда академиянинг фаолияти шунчалик жадаллашиб кетдики, академия олимлари арабий ўзлашмаларга 6650тагача форсий эквивалент сўзларни луғат кўринишида тақдим қилишган<sup>3</sup>.

Биринчи академиядан фарқли равишда, иккинчи академияда сўз ёки термин таклиф қилишда ҳар бир соҳа учун соҳа мутахассислари ва тилшунослардан ташкил топган кичик гуруҳ-

---

ёзувчиларнинг асарлари ва соҳа луғатларидан фойдаланилган ҳолда тузилган. Унда 60 000 сўз ва сўз бирикмалари, шунингдек, биринчи академия тасдиқлаган сўзлар жамланган.

<sup>1</sup> Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. –М.: “Восточная литература” РАН, 2001. –С. 10.

<sup>2</sup> Рубинчик Ю.А. Некоторые особенности формирования и развития лексики современного персидского языка (период до революции 1979 г.) // «Развития языков в странах зарубежного Востока». –М., 1983.

<sup>3</sup> Каменева М.С. О деятельности двух академий языка Ирана и некоторых инновациях в лексике персидского литературного языка. //Развития языков в странах Зарубежного Востока. – М., 1983. – С. 90.

лар ташкил этилди. Бу гуруҳлар бирлашиб, таклиф қилинган муодил терминларни муҳокама қилган ва Ризошоҳ ҳукмига ҳавола қилинган. Маъқул топилган терминлар кенг жамоатчиликка лугат кўринишида нашр этилган ҳолда эълон қилинган.

1971 йилдан эътиборан, فرهنگستان زبان ایران *farhangestāne zabān-e irān* “Эрон тил академияси” бир қатор форс тилига оид частотали ва изоҳли лугатларни нашрдан чиқарди ва улар форс тили лексикасининг равнақи учун хизмат қилди.

Таклиф қилинган терминларнинг барчаси ҳам тилга ўрнаша олмади. Функционал жиҳатдан ўз вазифасини бажарганлари эса контекстда мазкур терминларни такрорламаслик учун синоним сифатида ишлатилди ва ҳамон қўлланилмоқда<sup>1</sup>.

Ю.А. Рубинчикнинг қайд этишича, 1979 йил Февраль инқилобига қадар ўз ичига янги сўзларни жамлаган “پیشنهاد شما چیست؟” *Pišnehād-e šomā čist?* “Сизнинг таклифингиз қандай?” деб номланган 8та китобча нашр қилинган. Муаллиф ўз мақоласида 20 минг агрофидаги ўзлашмаларга 40 мингта форсча муодил сўзлар таклиф қилинганини қайд этади<sup>2</sup>.

Умуман олганда, иккинчи академия ўз фаолияти давомида самарали ижод қилди. Академия тасдиқлаган терминларнинг аксарияти форс тили лексикасидан муқим жой олди, аммо баъзилари тилга ўзлашмади. Пухта ишлаб чиқилиб, узоқ таҳлил қилиб, сўнг нашрдан чиқарилган лугатларнинг сезиларни фоизи тилда ўз ўрнини топмади. 1979 йилги Ислом инқилоби натижасида бу академиянинг фаолияти ўз якунига етди.

**Учинчи академия.** 1991 йили Эронда учинчи академия – فرهنگستان زبان و ادبیات ایران *farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Эрон тил ва адабиёти академияси” ўз ишини бошлади. Бу ташкилот ҳозирги кунга қадар биринчи ва иккинчи академияларнинг ишини давом эттириб, янги терминлар тақдим қилишда давом этмоқда.

Биринчи ва иккинчи академиялар фаолияти араб ва Европа тилларидан ўзлашган сўзларга пуризм ҳаракатлари остида форсий сўзлар яратишга қаратилган бўлса, учинчи академиянинг

<sup>1</sup> Акбарипур А. Терминологическое строительство в Иране. Дисс.канд.филол.наук. – М., 2006. – С.129.

<sup>2</sup> Рубинчик Ю.А. Некоторые особенности формирования и развития лексики современного персидского языка.// Развитие языков в странах Зарубежного Востока. – М., 1983. – С. 134.

асосий мақсади – форс тили софлигини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашдан иборат.

Проф. Ю.А.Рубинчик учинчи академиянинг фаолияти ҳақида гапирар экан, қуйидаги хулосаларни билдирган: “...учинчи академиянинг пайдо бўлганига бир неча йиллар бўлганига қарамай унинг илмий ва амалий хулосалари, фаолияти Эрон жамиятига яхши таниш эмас. Назаримизда, Академия фаоллари, унинг ҳақиқий аъзолари аввалги икки академиянинг хатоларини қайтариб қўйишдан чўчидилар. Шунинг учун ҳам яратилаётган ҳар бир терминнинг нащри устида жиддий бош қотирмоқдалар”<sup>1</sup>.

فرهنگستان زبان و ادبیات ایران *farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Эрон тил ва адабиёти академияси” қуйидаги устивор йўналишларни белгилаб чиққан.

Учинчи академиянинг таклифига кўра, форс тилининг умумий лексикасида кенг қўлланиладиган, форс тилига ўтганда туб сўзга айланадиган, форс тили сўз яшаш усулларига хилоф бўлмайдиган ва академия мутахассислари муодил сўзлар танлашда зарур бўлган европа сўзларидан фойдаланиш мумкин. Масалан: تلفن *telefon* ‘телефон’ ўзлашма сўз бўлиб, инглиз тилида структур жихатдан қўшма сўз. Аммо форс тилига ўтганда туб сўзга айланади ва ундан تلفنى *telefonī*, تلفنىچى *telefonçī*, تلفن خانه *telefonxāne* каби ясама сўзлар ясалган.

Танланаётган сўз эроний тиллар гуруҳига оид тирик тил ва лаҳжалардан олинishi лозим. Масалан, خوشاب *xušāb* нишопурий лаҳжада ‘мева шарбати’ маъносида қўлланилган. Эроннинг فرهنگستان زبان و ادبیات ایران *farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Эрон тил ва адабиёти академияси” томонидан бу сўз کمپوت *komput* ўрнига таклиф қилинган.

Мазкур низомни ўрнатишдан мақсад – термин яшашда учинчи академия аввалги академияларнинг хатосини такрорламаслик эди. Шунинг учун ҳам баъзи соҳалар, масалан, математика, тиббиёт, биология каби аниқ фанлар, спорт, транспорт, ишлаб чиқариш каби гуманитар фанлар, сиёсий терминлар ва халқаро муносабатлар терминологиясидаги аксарият ўзлашмалар учун янги терминлар таклиф қилиш ўрнига ўзлашмаларнинг ўзини

<sup>1</sup> Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: “Восточная литература” РАН, 2001. – С. 10.

тасдиқдан ўтказди. Масалан, بلشویسم *bolševism* ‘большевизм’, انالیز *anālīz* ‘анализ’, سوسیالیزم *sosiyālizm* ‘социализм’, بورژوازی *buržūāzi* ‘буржуазия’, الگوریتم *algoritm* ‘алгоритм’, خوارزمی *xārazmi* ‘алгоритм’, انتگرال *entegrāl* ‘интеграл’, فرمول *formul* ‘формула’, بارکد *bārkd* ‘штрих кода’, اینترنت *internet* ‘интернет’, واگن *vāgon* ‘вагон’, لکوموتیو *lokumutiv* ‘локомотив’, کوپه *kupe* ‘купе’, قطار *qatār* ‘поезд’, مترو *metru* ‘метро’, ریل *reyl* ‘рельс’, کنترل *kontrol* ‘назорат’, ترمز *tormoz* ‘тормоз’ каби терминларга академия эквивалент таклиф қилиш ўрнига уларнинг ўзини тасдиқлаган.

Ҳар қандай тил лексикасидаги ўзлашмалар кўп миқдорни ташкил қилади. Чунки дунё цивилизацияси доирасидаги ўзаро алоқа масалалари натижасида рўй берган терминларнинг оқиб келиши шу ҳолатни яратган. Форс тилидаги терминларнинг ўзлашган қатлами ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Бу ўринда, ўзлашмаларнинг морфологик, синтактик ҳамда семантик семантик мослашуви жараёни мавжудлигини ёддан чиқармаслик зарур бўлади. Проф. А. Куронбеков таъкидлаганидек, “... чет тилидан мослашув жараёни бу узок муддатли жараён бўлиб, то янги сўз ёки бирикма тил системасининг ҳамма босқичларида ўз ўрнини топмагунича ўзлаштирувчи тил системасига сингиб кетмайди”<sup>1</sup>.

Тилшунослик, адабиётшунослик, театр ва санъат, телевидения каби соҳалар терминлари ҳам юқоридаги фикримиз исботидир. Бу каби соҳалар учун таклиф қилинган терминлар соҳа мутахассисларининг доимий тақрорлашлари оқибатида тилга сингиб кетди. Масалан, آوا *āvā* ‘товуш’, آواشناسی *āvāšenāsi* ‘фонетика’, وندافزایی *vandafzāyi* ‘аффиксация’, پسوندافزایی *pasvandafzāyi* ‘суффиксация’, پیشوندافزایی *pišvandafzāyi* ‘префиксация’, تکواژگونه *takvāzgone* ‘алломорф’, نمایشنامه نویسی *namāyeshnāme* ‘пьеса’, نمایشنامه نویسی *namāyeshnāmenavis* ‘драматург’, فیلمنامه نویسی *filmnāmenavis* ‘сценарист’, نامهنگ *namāhang* ‘видеоклип’, نمایش تلویزیونی *namāyesh-e televizi-yoni* ‘телеспектакль’, واحد تنظیم فنی *vāhed-e tanzim-e fanni* ‘техник кузатув хонаси’ ва шу каби терминлар.

Таклиф қилинаётган терминларнинг тилда ўзлашганлик даражасини билиш учун халқ ва илмий омма орасида бир қатор сўровномалар ўтказиб турилади. Шундай сўровномалардан бири

<sup>1</sup>Куронбеков А. Форс тили лексикологияси. – Т., 2009. – Б. 61.



2012 йилда Озод Ислоҳ Университети профессори, “Форс тили ва адабиёти академияси”нинг хақиқий аъзоси С.Х.Тақаллуи ва Техрон Университети “Терминология” бўлими профессори, “Форс тили ва адабиёти академияси”нинг хақиқий аъзоси Э.Қанбари томонидан ўтказилди ва мақола тарзида эълон қилинди<sup>1</sup>.

Сўровномалар натижасида ўзлашмалардан лексик асос сифатида фойдаланиш тилда терминларнинг осонроқ ўзлашишини кўрсатди.

Эроннинг учинчи *ایران فرهنگستان زبان و ادبیات ایران farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Эрон тил ва адабиёти академияси” томонидан шу кунгача таклиф қилинган сўз ва терминларнинг сони 29532тани ташкил этади.

Эроннинг биринчи ва иккинчи академиялари фаолиятлари ва уларнинг терминлари бир қатор олимлар томонидан таҳлил этилиб, фоизлар нисбати келтирилганлигини<sup>2</sup> инобатга олиб, ҳозирги кунда аҳамиятга молик бўлган учинчи–*ایران فرهنگستان زبان و ادبیات ایران farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Эрон тил ва адабиёти академияси” томонидан киритилган терминлар таснифланади<sup>3</sup>:

<sup>1</sup> Ghanbari A., Tackallou S.H. Evaluation of Persian Academy approved genetics terms acceptance in upper graduate user population. Journal of Paramedical Sciences (JPS). Spring 2012 Vol.3, No.2 ISSN 2008-4978.

<sup>2</sup> Акбарипур А. Терминологическое строительство в Иране. Дисс.канд.филол.наук. –М., 2006. 271 с.; Сотова О. М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке. Дисс.канд.филол.наук. –М., 2008. 203 с.; Каменева М.С. О деятельности двух академий языка Ирана и некоторых инновациях в лексике персидского литературного языка. //Развития языков в странах Зарубежного Востока. –М., 1983. С. 89-97.; Исмаилов А.К. Вопросы нормирования лексического состава персидского языка и деятельность Академии языка и литературы. // Исследования по восточным языкам. –М., 1981. 75-76 с.; Узина М. С. Пуризм как проявление национализма в словотворческой деятельности в Иране и Турции (20–70-е годы) // Народы Азии и Африки. –М., 1980. С. 136-139.; Рубинчик Ю.А. Некоторые особенности формирования и развития лексики современного персидского языка (период до революции 1979 г.)// Развитие языков в странах Зарубежного Востока. – М.,1983. С.126-138.; Рубинчик Ю.А. Новая лексика персидского языка и пути ее пополнения.// Иранское языковедение. –М.:Ежегодник, 1981. С. 133-139.; Пейсиков Л. С. Лексикология современного персидского языка. Изд-во Московского университета. – М., 1975. 207 с.; Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. –М.: “Восточная литература” РАН, 2001. 600 с.

<sup>3</sup> Академия томонидан янги таклиф қилинган терминлар китобча шаклида нашр этилган бўлиб, ишда унинг электрон шаклидан (<http://www.persianacademy.ir/fa/naame.aspx> ва <http://www.persianacademy.ir/fa/s310487.aspx> сайтларидан ) фойдаланилди.

Терминологик тизимларнинг ягона лисоний тизим билан бирлигида унинг умумий қонуниятлари асосида пайдо бўлиши ва ривожланиши барчага маълум ҳодисадир. Чунки термин билан сўз ўртасида қатъий чегаранинг мавжуд эмаслиги, кўп ҳолларда терминда умумий тил элементлари учун хос бўлган хусусиятлар мавжуд эканлиги терминнинг “ўзига хос сўз” эканлигини исботлайди.

Маълумки, терминологиянинг тараккий этиши халқ тафаккурининг маҳсули, яъни умумистеъмолдаги лексика билан узвий боғлиқ. Умумлексика янги терминлар ҳосил бўлишининг асосий манбаи ҳисобланади. Ўз навбатида, терминология ҳам умумлексиканинг бойишида ўзига хос ўринга эга. Умумлексика билан терминологик лексика бир-бири билан қанчалик мустақкам алоқада бўлиб ривожланса, терминологиянинг, хусусан, лугатчиликнинг ўзи ҳам шунчалик автоном тарзда бойиб бориши кузатилади.

Академия томонидан қисқартма сўзлар ясалиши ва ҳавола этилишига доир таклифлар ҳам киритилган, асосан, сўзнинг аввалги ҳарфи ёзилиши таъкидланган: "صفحه" "safhe" сўзи учун "ص" "s", "فعل" "fe'l" сўзи учун "ف" "f" ва шунга ўхшаш. Бирикма шаклидаги терминлардан қисқартма сўзлар ясалганда ҳар бир сўзнинг аввалги ҳарфларининг ўзи ёзилади. Масалан: Оммавий қирғин қуролилари ҳисобланган “Кимёвий, биологик ва радиактив қирғин қуроли” номланишини *ش.م.ر. s.m.r. – رادیواکتیو، میکروبی، شیمیایی šimyāyi, mikrobi, radiaktiv* шаклида қисқартирилган. Ёки бирикма терминларнинг аввалги ҳарфларининг ўзини қўшиб ёзиш натижасида ҳосил қилинади: "سبیه" *sibā* (سامانه یکپارچه بانکی *sāmāne-ye yek pārče-ye bānki*) ‘Банклар уюшмаси’ ва шунга ўхшаш каби. Бу каби қисқартмаларнинг лугатларда акс этиш ҳолатида эса, аввал, қисқартманинг ўзи, сўнгра унинг тўлиқ шакли келтирилади<sup>2</sup>.

Бирикма сўзлардан ташкил топган терминларни тўлиқ номлаш баъзи ўринларда ноқулайлик туғдириш ҳоллари учраб туради. Бу ҳолатда мураккаб бирикма терминлардан бир термин ясалди. Масалан, ҳарбий авиациянинг номи *هوانیروز havāniruz* (هوانیروزی) *havāpeymā-ye niru-ye zamini* ‘Қуруқлик кучлари авиацияси’ бирикмаларининг қисқартмаси (*havā+niru+z*)дан ясалган. Давлат энергетика корпорациясининг номи ҳисобланмиш *توانیر تولید و انتقال* *tavānir* сўзи *نیرو تولید و انتقال* *tuolid-o*

<sup>2</sup> Исмаилов Ф. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Филол. фан. Номз. – Т., 2011. – Б.21

<sup>3</sup> <http://www.persianacademy.ir/fa/s310487.aspx>

*enteyol-e niru* ‘Энергия ишлаб чиқариш ва уни етказиш’ бирикмаларининг қисқартмасидан (تو+انیر *tav+ā+nir*), ‘Энергетика бўйича маслаҳатчи термини учун نیرو مشاور *mošāvar-e niru* бирикмасидан مشاور *mošānir* ҳосил қилинган.

Аббревиатура шаклида ҳам терминлар ясалди. Масалан, ج.ا.ا. jei аббревиатураси ایران جمهوری اسلامی *jomhuri-ye eslāmi-ye irān* Эрон Ислом Республикаси бирикмаси учун қисқартма шаклда ишлатилади. سازمان اطلاعات و ساواک *sāvāk* Савак аббревиатураси و امنيت کشور *sāzmān-e ettelā'āt va amniyat-e kešvar* Мамлакат ахборот ва хавфсизлик хизмати бирикмасидан, китобнинг халқаро стандарт индекси–ISBN аббревиатураси учун شابک *šābek*, яъни شماره استاندارد بين المللی کتاب *šomāre-ye standard-e beyn-ol-mellali-ye ketāb* бирикмасидан фойдаланилган.

Терминларни бундай қўллаш ва луғатларда шундай акс эттирилиши, асосан, давлат тасарруфидаги йирик ташкилотлар, байналминал номланишга эга бўлган мамлакат органлари, ҳарбий соҳада кенг амалга оширилади. Масалан: راه آهن جمهوری *rajà*– راه آهن جمهوری اسلامی *rāh āhan-e jomhuri-ye eslāmi* ‘Ислом Республикаси темир йўли’, هواپیمای ملی ایران–هما *havāpeymā-ye melli-ye Irān* ‘Эрон фуқаро авиацияси’, ارتش جمهوری اسلامی *arteš-e jomhuri-ye eslāmi* ‘Ислом Республикаси армияси’, اجا–ارتش مشترک جمهوری اسلامی *ajā*, ستاد مشترک ارتش جمهوری اسلامی *setād-e moštarak-e arteš-e jomhuri-ye eslāmi* ‘Ислом давлатлари армиясининг бирлашган штаби’, سماجا–سماجا *samājā*, نظامي جمهوری اسلامی *niru-ye entezāmi-ye jomhuri-ye eslāmi* ‘Ислом Республикаси тартиблаш ишлари кучлари’, ناجا–ناجا *nājā*, نیروی دريایی ارتش جمهوری اسلامی *niru-ye daryā-ye arteš-e jomhuri-ye eslāmi* ‘Ислом Республикаси ҳарбий денгиз флоти кучлари’, نداجا–نداجا *nedājā*, نیروی زمینی ارتش جمهوری اسلامی *niru-ye zamini-ye arteš-e jomhuri-ye eslāmi* ‘Ислом Республикаси куруклик қўшинлари армияси’, نزاجا–نزاجا *nezājā*, لجستیکي نیروی زمینی ارتش جمهوری اسلامی *lojestiki-ye niru-ye zamini-ye arteš-e jomhuri-ye eslāmi* ‘Ислом Республикаси армиянинг курукликдаги ҳарбийларини таъминлаш’, لع نزاجا–لع نزاجا *loj nezājā*, سياسی نیروی زمینی ارتش جمهوری اسلامی *ayidati siyāsi-ye niru-ye zamini-ye arteš-e jomhuri-ye eslāmi* ‘Ислом Республикаси куруклик қўшинлари армияси сиёсий бошқармаси’, عس.نزاجا–عس.نزاجا *ayn sin nezājā*, نیروهای مسلح *niruhā-ye mosallah-e jomhuri-ye eslāmi* ‘Ислом Республикаси қуролли кучлари’, نمجا–نمجا *namājā*, نیروی هوایی ارتش جمهوری

اسلامی *niru-ye havāi-ye arteš-e jomhuri-ye eslāmi* ‘Ислом Республикаси ҳаво ҳарбий кучлари’-ناهجا-*nahājā* ва шу кабилар.

Хулоса қилиб айтганда, Эроннинг *فرهنگستان زبان و ادبیات ایران* *farhangestān-e zabān va adabeyāte irān* “Эрон тил ва адабиёти академияси” томонидан таклиф қилинган терминлар академия мажлисларида мутахассислар томонидан жиддий таҳлил этилади ва соҳаларга тақсимланган ҳолда луғат шаклида нашр этилади.

Мазкур терминлар тилга сингиб борган сари уларни қўллаш ва адабиётларни неологизмлар билан бойитиш ишлари кучайиб бормоқда. Натижада, Эронда мавжуд луғатлар, хусусан, частотали, махсус ва изоҳли луғатлар янгиланмоқда ва қайтадан нашр этиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, академия луғатчиликка ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Бугунги кунда шарқшунос олимлар олдида академиялар томонидан таклиф қилинган ва ҳозирда форс тили лексикасида фаол қўлланилаётган терминлардан тузилган луғатларни яратиш масаласи долзарб вазифалардан саналади. Чунки Ю.А.Рубинчик таҳрири остида нашрдан чиққан икки томлик луғатдан<sup>1</sup> бошқа форс неологизмларини ўзида жамлаган луғат мавжуд эмас.

### Махсус луғатларни яратиш масаласи

Махсус луғатларни яратиш улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ бўлса, терминологик луғатлардан фойдаланиш самараси ва сифати улардан фойдаланиш ҳолатларига боғлиқдир. Асосан, луғатлардан фойдаланишда талабгорлар махсус мақсадлар натижасида унга мурожаат қиладилар. Барча луғатлардан фойдаланишдаги умумий талабларни санаб ўтамыз:

- Махсус соҳа лексикасини қамраганлиги;
- Махсус соҳа лексик бирликлари ҳақидаги барча маълумотларни ўзида жамлаганлиги;
- Луғатнинг ҳажмини оширадиган кераксиз ёки мазкур соҳага алоқаси бўлмаган маълумотларнинг киритилмаслиги;
- Унификациялаш қоидаларига тўлиқ риоя этилганлиги.

Жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган жамият ва унда сўзлашувчи халқ лексикасини ўзида қамраган энциклопедик

<sup>1</sup> Персидско-русский словарь. В 2-х тт. – М.: Рус. яз., 1983. Т. I. 800 с. Т. II. 864 с.

луғатларнинг мавжудлиги ҳаммага маълум. Аммо тор соҳа учун луғатлар яратиш, айниқса, илмий-техник терминларни ўзида акс эттирувчи луғатларни яратиш тажрибали луғатшунос мутахассис ижодкорлигини талаб қилади.

Терминологияни тартибга келтиришнинг асосий вазифаси терминларни инвентаризация қилиш ҳисобланади, яъни маълум соҳа доирасидаги терминларнинг барчасини жамлаш, уларни бўлимларга ажратиш, тартиб билан (алифбо тартибда) жойлаштириш, агар изоҳли луғат бўлса, изоҳларни аниқ, лўнда ва тушунарли тарзда изоҳлаш талаб этилади. Махсус луғатларни яратишнинг ўзи ҳам бир катор турдаги луғатларнинг яратилишига туртки бўлади. Масалан, этимологик, тарихий, частотали, неологизм терминлар луғати, шева луғатлари ва шу каби луғатлар. Луғатшунослар олдига эса қайси турдаги махсус луғатларни яратиш вазифаси қўйилмасин, мазкур соҳа доирасидаги барча термин ва бирикма терминларни жамлаш лозимлиги талаб этилади. Аммо луғат тузувчилар унификация масаласига жиддий эътибор қаратишлари лозим.

Терминологларнинг диққат марказини эгаллаган синонимия, омонимия ва полисемия ҳодисасига барҳам берилиши ҳамда янги термин яшаш лексикологиянинг тармоғи ҳисобланган лексикография билан узвий боғлиқдир. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам луғатлар лексика маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, кўпгина терминшуносларнинг фикрича, лексикологияда ҳам, лексикографияда ҳам луғатчиликнинг назарий базаси етакчи ўринда туради.

Аслида луғатлар инсоният тарихида катта роль ўйнайди. Улар бошқа-бошқа тил вакиллариининг бир-бири билан мулоқоти, маданиятлар алмашинувини таъминлайди. Маълум мамлакат тарихини ўрганишда, давлатлар ўртасидаги сиёсий масалаларни ҳал этишда ўша халқнинг тилини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Таржимонлар, соҳа мутахассислари бу ҳолатларда айнан луғатларга мурожаат қиладилар. Маълум соҳа терминларини ўрганишда икки ва кўп тилли луғатлар, айниқса, изоҳли луғатлар айнан қўл келади.

Юқорида таъкидланганидек, лексикография лексикологиянинг бир қисми бўлиб, XX аср бошларида Шарқ ва Ғарбда бирдек юзага кела бошлаган. Аммо тилшуносликда изоҳли луғатларни яратиш ишлари анча аввал бошланганлигини кузатиш

мумкин. Эронда бу жараён XI асрга тўғри келиши юзасидан хабар берилса-да, аслида лексикографик тадқиқотлар анча аввал бошланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунинг учун ҳам фанга маълум бўлган, бугунги кунга қадар сақлаб қолинган, шунингдек, ҳозирги кунга қадар нашрдан чиқарилган изоҳли луғатларнинг умумий миқдорини аниқлаш анча мушкул иш. Аммо баъзи тадқиқотчилар форс тилида яратилган изоҳли луғатларнинг 200дан ортиғини аниқлагани маълум. Бу каби луғатларнинг бир тиллик ёки икки тиллик эканлиги ҳақида эса маълумотлар оз.

М.Муин ва Деҳхудонинг изоҳли луғатлари<sup>1</sup> XIX-XX асрда яратилган ва ҳозирги кунга қадар ҳам ўз қимматини йўқотмаган изоҳли луғат сирасига киради. Шунини таъкидлаш жоизки, бу луғатлар бир тиллик луғатлардир.

Сўнги 20 йил давомида Эронда нашр этилган луғатлар ҳам ўрганиб чиқилган<sup>2</sup>. Форс лексикографиясида сўнги йилларда кўп миқдорда махсус луғатлар чоп этилаётгани билан кўзга ташланади. Шу билан бирга бу масаланинг анчагина тартибсиз эканлигини кузатиш мумкин. Чунки адабиётларда келтирилган терминлар нашрдан чиқарилаётган терминлар билан ўзаро мос келмайди, қолаверса, Эроннинг “Форс тили ва адабиёти академияси” томонидан тақдим қилинаётган терминлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Мазкур ҳолатларда ўзини окламаётган махсус луғатларнинг каттагина қисми техник ва тиббиёт луғатлари эканлигини айтиб ўтиш ўринли.

Махсус луғатларни тузиш ва нашрдан чиқариш юқори савия ва шу соҳадаги мутахассисларнинг луғатшунослар билан ҳамкорлигини талаб қилади. Айниқса, луғатларда, хусусан, махсус луғатларда унификация масаласининг ҳал этилмаганлиги, келажақда, фойдаланувчилар учун тушунмовчиликларни келтириб чиқарса, илмда эса полисемия ҳодисасининг авж олишига сабаб бўлади.

Албатта, маълум соҳанинг изоҳли луғатларини яратишда шу соҳанинг барча лексикасини камраб, жамлаб изоҳ беришда катта куч ва тажриба талаб этилади, айниқса, гап икки ва кўп тиллик изоҳли луғатлар ҳақида борганда. Бу каби махсус изоҳли луғатлар келажақда, назарда тутилаётган соҳа мутахассислари учун етарли даражада дастурул-амал бўлиб хизмат қилади.

<sup>1</sup> Muin M. Farhang-e farsi. – Tehrān, 1371. , Dehxodā A. Loqatnāme. – Tehrān, 1879-1955.

<sup>2</sup> Нуриддинов Н. Форс луғатчилигидаги сўнги ютуқлар. // Марказий Осиёда луғатчилик: аъёналар ва ҳозирги, замон илмий мактаблари. –Т., 2013. –Б.97.

## “Темир йўл терминларининг русча-ўзбекча-форсча изоҳли луғати” ҳақида

Маълум бир туркум луғатларини яратиш тегишли заруратлар билан боғлиқ. Масалан, энциклопедик луғатлар мавжуд воқелик ҳақида хабар беради, унда ҳар бир сўз ёки терминнинг мазмун-моҳияти, изоҳи аниқ ва тушунарли тарзда баён этилади; лингвистик луғатлар эса таржимон мутахассислар учун лозим; синоним, антоним, омоним ва паронимлар луғатлари тилнинг стилистик имкониятларини очиш учун хизмат қилади; изоҳли луғатларда ҳар бир тушунча ёки термин билан боғлиқ изоҳлар тўлалигича ўз аксини топади. Биз изоҳли луғатлар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Изоҳли луғатларнинг икки турини келтириш мумкин:

1) умумий; 2) махсус.

Форс тилида яратилган умумий изоҳли луғатларга А.Деххудо ва М.Муинларнинг изоҳли луғатлари киритилади<sup>1</sup>.

Махсус изоҳли луғатларга маълум соҳага оид терминларнинг изоҳлари келтирилган луғатлар мисол бўла олади. Мазкур луғатлар махсус соҳа доирасида фаолият юритувчилар ёки таълим олувчилар учун тузилади. Бундан кўзланган асосий мақсад – терминларнинг нафақат айни шу соҳа мутахассисларига, балки, ушбу тизимга яқин бошқа соҳалар доирасида ҳам тушунарли бўлишини таъминлашдир.

Шундай махсус изоҳли луғатлар аксарият тилларда эҳтиёжга қараб яратилмоқда. Мазкур икки ва кўп тилли изоҳли луғатларни яратиш қай даражада муваффақиятли амалга оширилмоқда, изоҳли луғатларни яратиш жараёни объектга боғлиқми ёки субъектгами, деган саволлар мавжуд. Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда махсус соҳага оид терминларнинг деярли барчасини ўзида қамраган изоҳли луғатлар кўзга ташланмаяпти. Қуйида мана шундай махсус изоҳли луғатларни яратишдаги мавжуд муаммолар борасидаги мулоҳазалар баён этилади.

2003 йил июн ойида Афғонистон, Эрон ва Ўзбекистон президентлари ўртасида Трансафғон транспорт йўлагини яратиш бўйича келишув имзоланди<sup>2</sup>. Ушбу вазифа Хайратон–Мозори-

Шариф–Хирот–Кандахор йўналиши бўйича Афғонистоннинг йирик шаҳарларини бирлаштирадиган ва Ўзбекистон ва Эрон йўлларига чиқишни таъминлайдиган янги темир йўлларни қуриш орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Шунга кўра, 2009 йил 18 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПП-1074-сонли қарори билан “2009-2013 йилларда темир йўл соҳасини ривожлантириш ва модернизациялаш комплекс дастури”<sup>1</sup> тасдиқланган. Мазкур қарорга мувофиқ, муҳим лойиҳа – Афғонистонда “Хайратон – Мозори-Шариф” темир йўл линиясини барпо этиш кўзда тутилган.

Лойиҳа Афғонистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош Хайратон станциясидан Мозори-Шариф шаҳригача темир йўл қуришни, Хайратонда темир йўл станциясини модернизациялашни, разъездлар ва янги юк ҳовлисини қуришни ўз ичига олади. Бу ҳақда “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компанияси бошқаруви Раиси А.Раматов: - “Лойиҳа батамом якунлангандан кейин биз янги темир йўл линиясини ишлатиш, афғон мутахассисларини ўқитиш ва тайёрлаш бўйича ҳамкорликни давом эттиришни режалаштирмоқдамиз”<sup>2</sup>, – дея баёнот беради.

Икки давлат ўртасида мутахассисларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича шартнома имзоланган экан, энди мазкур ўқув жараёнида Афғонистонда ҳали етарли даражада шаклланмаган темир йўл соҳаси бўйича ўқув адабиётлари, янги тушунчаларни изоҳлашга оид соҳа луғатлари, айниқса, изоҳли луғатлар тузиш зарурати долзарблик касб этади. Бу каби луғатлар мазкур ҳолатларнинг бугуни ва эртасига қаратилган.

Юкорида тилга олганимиздек, изоҳли луғатлар маълум бир термин ёки тушунчани шарҳлайди. Шундай вазиятлар бўладик, мазкур изоҳлар икки, уч ва ундан кўп тилларда изоҳланиши талаб этилади. Бундай ҳолларда кўп тилли изоҳли луғатларга мурожаат қилинади. Ушбу жараён аниқ ва гуманитар фанлар учун осон кечади. Чунки маълум бир белги ёки муайян тушунчанинг аниқ ва узил-кесил номланиши мавжуд. Аммо техника ва табиий фанлар учун кўп тилли изоҳли луғатларни яратиш мушкул иш.

<sup>1</sup> Muin M. Farhang-e firsī. – Tehrān, 1371. , Dehxodā A. Loqatnāme. – Tehrān, 1879-1955.

<sup>2</sup> Ўзбекистон темир йўллари. – Т., ДАТК, 2009. Б.6.

<sup>1</sup> Ўзбекистон темир йўллари. – Т., ДАТК, 2009. Б. 5.

<sup>2</sup> Ўзбекистон темир йўллари. – Т., ДАТК, 2009. Б. 5.

Бунинг бир қатор сабабларини келтириш мумкин. Буни биз “Темир йўл терминларининг русча-ўзбекча-форсча изоҳли луғати” мисолида исботлашга ҳаракат қиламиз:

1. Терминларнинг чегараси ва ҳажми. Темир йўл терминларининг тўрт тиллик изоҳли луғатида мақсаддан келиб чиқиб, темир йўл тизимида учровчи барча атамалар изоҳланиши талаб этилади. Бундан ташқари, темир йўл тегишли техник фанлар билан ёндош соҳа эканлигини инобатга олсак, ўз-ўзидан баъзи техник, политехник, физик терминлар ҳам темир йўл терминлари қаторидан ўрин олади. Масалан, “электромагнит тормоз”, “поезд радиоалоқаси”, “остряк тягаси”, “остряк балкаси”, “кузов рамаси”, “электрли шпал қоқувчи” ва шу кабилар. Бу ҳолда илк муаммога дуч келамиз: киритилаётган терминларнинг ҳажми қанча бўлиши керак?

2. Транспортнинг бу тури фуқароларга хизмат кўрсатишдан ташқари, иқтисодий масалаларни ҳам қамраб олади. Чунки темир йўл – энг арзон ва безарар транспорт воситаси. Баъзи етакчи маҳсулотларнинг экспорти ҳам темир йўл орқали амалга оширилади. Ўз-ўзидан, иқтисодий, аудит, солиқ, дебиторлик ва кредиторлик масалаларига оид терминлар мазкур луғатга киритилади ва изоҳланади. Масалан, “абандон”, “ажсио”, “биржа ажсиотаси”, “аккредитация”, “аудит”, “аудиторлик текшируви” ва б.<sup>1</sup>. Яна бир қатор муаммолар келиб чиқади: Терминларнинг чегараси қандай бўлиши керак? Киритилаётган иқтисодий терминларни темир йўл терминлари қаторига киритиш мумкинми?

3. Изоҳланаётган терминларнинг таржимаси. Маълум бир термин изоҳининг муваффақиятли таржимаси, аввало мазкур терминнинг ишлаш принципи аниқ тушунилган ҳолдагина амалга ошади. Изоҳ аниқ, тушунарли ва лўнда берилиши лозим.

4. Терминосистемаларда учровчи дублетлик масаласи. Масалан, фан ва техниканинг тараққиёти асосида Эронда “Форс тили ва адабиёти академияси” тақдим қилаётган форсча терминлар ҳисобига дублет терминлар сони ортиб бормоқда. Масалан: “балласт” – بالاست *bāllāst* ва پارسنگ *pārsang*, “рельс из” تراورس *terāvers* ва ریل بند *reylband* ва шу каби. Яна бир муаммо келиб чиқади: дублет терминларнинг қай бирини луғатларга киритиш керак?

5. Форс тилидаги изоҳларга транскрипция бериш. Афғонистонга мутахассис тайёрлаб бериш Ўзбекистон темир йўл

<sup>1</sup> Темир йўл атамаларининг русча-ўзбекча ўқув луғати. – Т., “Фан”, 2008.

мутахассисларига юкланади. Институт олимлари, устозлари ўзбек, рус ва инглиз тилларини яхши тушунадилар ва шу тилларда бирдек дарс олиб бора оладилар. Аммо форс ва дарий тиллари бу сафга кирмайди. Шунинг учун ҳам форс тилида келтириляётган изоҳлар транскрипцияси билан бирга берилиши талаб этилади. Масалан:

|  |  |   |
|--|--|---|
| <p><b>Маневровая работа</b>— передвижение вагонов локомотивами; одиночных локомотивов по путям станции для расформирования и формирования составов, обработки поездов и вагонов, подачи вагонов к местам погрузки-выгрузки, подачи поездных локомотивов под составы и вывод их из составов в депо.</p> | <p><b>Манёвр ишлари (инг: Maneuvering job)</b>—вагонларнинг локомотивлар билан ҳаракатланиши; якка локомотивларни станция бўйлаб составларни тарқатиш ва тузиш, поездга ва вагонларга ишлов бериш, вагонларни юклаш-тушириш жойларига келтириш; поезд локомотивларини составга улаш ва составдан чиқариб депога келтириш учун ҳаракатлантириш.</p> | <p>کارهای مانور [kārḥā-ye ḥarakt qatārahā] حرکت قطارها با لکوموتیوها است؛ لکوموتیوهای جداگانه را در راه های ایستگاه برای انحلال و شکل گیری قطارها و تصفیه واگن ها و تسلیم قطارها را به جای بارگیری و باراندازی و تسلیم لکوموتیوهای قطار را به ترکیب ها و آنها را از ترکیب به آمادگاه بیرون می برد.</p> <p>[harakat-e yātārḥā bā lokumutivhāst; lokumutivhā-ye jodāgāne rā dar rāhhā-ye istgāh barāye enhelāl va šeklgiri-ye yātārḥā va tasfiye-ye vāgonhā va taslim-e yātārḥā rā be jāy-e bārgiri va bārāndāzi va taslim-e lokumutivhā-ye yātār rā be tarkibhā va ānhā rā az tarkib be āmādegāh birun mibarad].</p> |
| <p><b>Манёвровый состав</b>—группа</p>   | <p><b>Манёвр состави (инг: Maneuvering</b></p>   | <p>ترکیب مانور [tarkib-e mānowr] — گروه واگن</p>  |



|  |   |  |
|--|---|--|
| <p>вагонов,<br/>сцепленных между<br/>собой и с<br/>локомотивом,<br/>производящим<br/>манёвры.</p>  | <p><i>stock</i>)<br/>манёврлашдаги<br/>локомотив билан<br/>ўзаро улаштирилган<br/>вагонлар гурухи.</p>  | <p>ها با هم پیوند است که با هم<br/>دیگر و هم با لکوموتیو که<br/>مانور را انجام می دهند.<br/>[goruh-e vāgonhā bā<br/>ham peyvand ast ke<br/>bā ham digar va bā<br/>lokumutiv ke mānowr<br/>rā anjām midehand<br/>band karde ast].</p>   |
| <p><b>Машинист</b> – одна<br/>из главных<br/>профессий на<br/>транспорте.<br/>Само слово<br/>«машинист»<br/>означает<br/>«машинный<br/>мастер». С<br/>развитием сети<br/>железных дорог<br/>появились<br/>специалисты по<br/>вождению поездов.<br/>Их продолжают<br/>называть<br/>машинистами.</p> | <p><b>Машинист</b> (<i>ing:</i><br/><i>Machinist</i>)–<br/>транспортдаги<br/>асосий касблардан<br/>бири.<br/>“Машинист”<br/>сўзининг ўзи<br/>русчада “машинный<br/>масстер”, яъни<br/>“машина устаси”<br/>маъносини<br/>билдиради. Темир<br/>йўл тармоқлари<br/>ривожланиши<br/>билан поездларни<br/>хайдаш бўйича<br/>мутахассислар<br/>пайдо бўла<br/>бошлади. Уларни<br/>машинистлар деб<br/>аташ давом этиб<br/>келмоқда.</p> | <p>راننده لکوموتیو<br/>[rānande-ye<br/>lokumutiv] – یکی از کار<br/>اصلی وسائل نقلی است.<br/>کلمه "راننده لکوموتیو"<br/>معنی "تعمیرکار ماشین"<br/>دارد. در رشد شبکه راه آهن<br/>از لحاظ رانندگی قطارها<br/>پیدا شده اند. آنها را تا این<br/>وقت راننده لکوموتیو می<br/>نامند.<br/>[yeke az kār-e asli-ye<br/>vasāyel-e naylist.<br/>kalame-ye "rānande-<br/>ye lokumutiv" ma'ni-<br/>ye "ta'mirkār-e<br/>māshin" dārad. Dar<br/>rošd-e šabake-ye rāh<br/>āhan az lehāz-e<br/>rānandegi-ye yātārkhā<br/>peydā šodeand. ānhā<br/>rā tā in vaqt rānande-<br/>ye lokumutiv<br/>mināmand].</p> |

Транскрипциялар берилган такдирда бошқа бўлимларга нисбатан форс тилида берилган қисми хажм жихатидан ортиб бормоқда, бошқа тарафдан эса транскрипциясиз такдим қилиш фойдаланувчиларга қулайликни бартараф этади.

6. Ҳар бир тил учун мутахассис жавобгарлиги. “Темир йўл герминларининг русча-ўзбекча-форсча изоҳли луғати” рус, ўзбек, форс ва инглиз тилларида амалга оширилади. Бир тилни билувчи мутахассис, гарчи бошқа тиллардан хабари бўлса-да, ўзи эгаллаган тилда ёзилган матндан бошқасига стилистик нуқтаи назардан жавоб бериши қийин. Шунинг учун, ҳар бир тилнинг ўз мутахассислари терминлар изоҳини грамматик ва стилистик жиҳатдан тасдиқлагандан сўнггина бу тўпламни луғат деб аташ мумкин. Аммо мутахассисларни бу ишга жалб қилиш вақт ва молия масаласи билан боғлиқ.

7. Яна бир йирик муаммо. Юкорида таъкидланганидек, мазкур луғат Афғонистонга мутахассис тайёрлаш учун тузилмокда. Аммо луғатда дарий тилида изоҳлар кузатилмайди. Модомики, луғат Афғонистон учун яратилаётган экан, унда луғатда бешинчи тил сифатида дарий тилида изоҳлар келтирилиши керак. Аммо дарий тилида темир йўл тушунчалари ва терминлари мавжуд эмас<sup>1</sup>. Бевосита форс тили тажрибасига мурожаат қилинади; терминлар форс тилидан ўзлаштирилади. Муаммо шундаки, терминлар дарий тилига форс тилидан ўзлаштирилса, унда дарий тилида изоҳ керакми ёки йўқми?

8. Изоҳли луғатни фойдаланувчиларга тақдим этиш масаласи. Юкорида келтирилган муаммоларга ўхшаш лингвистик масалалар ҳал қилинганидан сўнг луғатни фойдаланувчиларга тақдим этишда луғатни номлаш, луғат мақолаларини жойлаш, саҳифалаш, иллюстратив материалларни бериш каби қатор техник масалалар кузатилади.

|  |   |  |
|--|---|--|
| <p><b>Локомотив</b> –<br/>общее название<br/>тяговых машин,<br/>самостоятельно<br/>передвигающихся<br/>по железной дороге<br/>(паровозы,<br/>тепловозы,<br/>газатурбовозы,</p> | <p><b>Локомотив</b> (<i>инг:</i><br/><i>Locomotive</i>) – темир<br/>йўлда мустақил<br/>ҳаракатланадиган<br/>тортиш<br/>машиналарининг<br/>умумий номи<br/>(паравозлар,<br/>тепловозлар,</p> | <p>لكوموتيو [<i>lokumutiv</i>] –<br/>نام عمومی ماشین های<br/>کشندگی است که در راه آهن<br/>مستقلاً حرکت می کنند (مثلاً<br/>لكوموتيوهای بخار،<br/>لكوموتيوهای ديزلی-برقی،<br/>لكوموتيوهای گاز كشنده،<br/>واگن های ماتوری، قطار<br/>توربینی، قطار ديزلی و</p> |
|--|---|--|

<sup>1</sup> Асосий тушунчалар бундан мустасно. Гап темир йўлни бошқариш ва логистика жараёнида қўлланилувчи терминлар ҳақида бормокда.

|   |  |   |
|---|--|---|
| <p>моторные вагоны, турбопоезда, дизельпоезда, электропоезда).</p>  | <p>газтрубовозлар, электровозлар, моторли вагонлар, турбопоездлар, дизельпоездлар, электро-поездлар).</p>  | <p>لکوموتیوهای برقی).<br/>[nām-e omumi-ye māšinhā-ye kešānde ast ke dar rāh āhan mostayelan harakati mikonand (masalan, lokumutivhā-ye boxār, lokumutivhā-ye dizeli-barqi, lokumutivhā-ye gāz kešānde, vāgonhā-ye mature, yaṭār-e turbine, yaṭār-e dizeli va lokumutivhā-ye bari)].</p>   |
| <p><b>Вагон</b>— транспортное средство, предназначенное для перевозки грузов и пассажиров. Подразделяются на вагоны грузовые и пассажирские. К грузовым относятся крытые вагоны, полувагоны, платформы, цистерны, бункера, рефрижаторные вагоны, транспортёры, контейнеровозы. К пассажирским относятся вагоны для перевозки пассажиров, а также, почтовые, багажные,</p> | <p><b>Вагон</b> (<i>инг:</i> <i>Wagon</i>)—юк ва йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган транспорт воситаси. Юк ва йўловчилар ташийдиган вагонларга бўлинади. Юк вагонлари ёпиқ вагонлар, ярим вагонлар, платформалар, цистерналар, бункерлар, рефрижатор вагонлар, транспортёрлар, контейнер ташигичлар, шунингдек, юк вагонларидан иборат. Йўловчи ташийдиган</p> | <p>وسيله حمل و نقلی که برای بردن باری و مسافران است. واگن ها به واگن باربری و واگن مسافربری تقسیم می شوند. واگن های باربری از واگن های مسقف، واگن های سربازبر، سکوها، مخزن ها، بونکرها، یخچالدارها، واگن های کمرشکن، کانتینربری عبارت است. واگن های مسافربری عبارت از واگن مسافربری همچنین پستی و توشه، واگن نگهداری است.<br/>[vasile-ye haml-ona-yli ke barā-ye bordan-e bāri va mosāferān ast. vāgonhā be vāgon-e bārbari va mosāferbari taysim mišavand. vāgonhā-ye bārbari az vāgonhā-ye mosayyaf, vāgonhā-ye</p> |

|  |  |   |
|--|--|---|
| <p>служебно-технические.</p>   | <p>вагонларга одам ташийдиган вагонлар, шунингдек, почта вагонлари, багаж вагонлари, хизмат-техникавий вагонлар киради.</p>  | <p>sarbāzbar, sakkuhā, maxzanhā, bunkerhā, yaxčāldārḥā, vāgonhā-ye kamaršekan, kānteynerbari ebārat ast. vāgonhā-ye mosāferbari ebārat az vāgonhā-ye mosāferbar hamčeninpusti va tuše, vāgon-e negahdārist].</p>  |
| <p><b>Вагоноопрокидыватель</b>— специальное соружение, размеры которого позволяют в нем разместиться одному или двум вагонам и повернуть их таким образом, чтобы груз, находящийся в них, высыпался.</p> | <p><b>Вагон ағдаргич</b> (<i>инг: Side tipping wagon</i>)—махсус иншоот бўлиб, унинг ўлчамлари унда битта ёки иккита вагонни жойлаштиришга ҳамда уларни устидаги юк тўкиладиган даражада ағдаришга имкон беради.</p> | <p>پهلوگرد [pahlugard] ساختمان مخصوص است که میزانش می گذرد یک یا دو تا واگن را گرفته آن را بچرخاند و بارها که این ساختمان دارد بیرون بیاید. [sāxtemān-e maxsus ast ke mizānaš migozārad yek yā do tā vāgon rā gerfte ān rā bečarxānad va bārḥā ke in sāxtemān dārad birun beyāyad].</p> |
| <p><b>Крытый вагон</b> — грузовой вагон, предназначенный для перевозки ценных грузов и продуктов, не переносящих атмосферных воздействий или же распыление которых вредно для окружающей среды.</p>      | <p><b>Ёпик вагон</b> (<i>инг: Boxcar</i>) — атмосфера таъсирига чидаш бермайдиган ёки чангиши атроф муҳитга зарарли таъсир киладиган кимматбаҳо юклар ҳамда махсулотларни ташиш учун мўлжалланган вағони.</p>        | <p>مسقف [mosayyaf] — واگن باری است که برای ترابری بارها و محصولات را که به اطراف تأثیر ندارد یا پاشیدگی به محیط تأثیر بدی دارد در نظر گرفته است. [vāgon-e bārist ke barāye tarābari-ye bārḥā va mahsulāt rā ke be mohit tāsir-e badi dārad dar nazar gerefte ast].</p>                  |
| <p><b>Поезд</b>—</p>   | <p><b>Поезд</b> (<i>инг: Train</i>)—</p>   | <p>قطار [yatār]— ترکیب</p>  |

|   |   |  |
|---|---|--|
| <p>сформированный и сцепленный состав вагонов с одним или несколькими действующими локомотивами или моторными вагонами, имеющий установленные сигналы. Локомотивы без вагонов, моторные вагоны, дрезины отправляемые на перегон, рассматриваются как поезд.</p> | <p>вагонларнинг тузилган ва тиркалган состави, битти ёки бир нечта ишлаб турган локомотиви ёки моторли вагонлари, белгиланган сигналлари бўлади. Оралик йўлга жўнатиладиган вагонсиз локомотивлар, моторли вагонлар, дрезиналар ҳам поезд деб қаралади.</p> | <p>واگن های شکل گری و با هم بسته است و با یکی یا چندین لکوموتیوهای فعال یا خود کشند برقی که دارای علامت های نصب شده است. لکوموتیوهای بی واگن و خود کشند برقی و درزین ها که به مرحله انتقال داشته است قطار مینامند.<br/>[<i>tarkib-e vāgonhā-ye šeklgiri va bā han baste ast va bā yeki yā čandin lokumutivhā-ye faāl yā xod kešand-e baryi ke dārā-ye elāmāthā-ye nasb šode ast. lokumutivhā bi vāgon va xod kešand-e baryi va drezinhā ke be marhale enteyāl dāšte ast yātār mināmand</i>].</p> |
| <p>Полувагон—открытый сверху вагон, в котором перевозят сыпучие, навалочные грузы, а также штучные грузы, не нуждающиеся в защите от атмосферных осадков.</p>   | <p>Ярим вагон (<i>узг: Gondola car</i>)—усти очик вагон бўлиб, унда сочилувчан, устма-уст юкланадиган, шунингдек, ёгингарчиликлардан ҳимоялаш ҳожати бўлмаган донали юклар ташилади.</p>  | <p>واگن سربازبر [<i>vāgon-e sarbāzbar</i>] واگن بالای باز است که بارهای ریختنی و انباشته همچنین بارهای دانه ای که نیاز حفظ از بارندگی ندارد حمل می کنند.<br/>[<i>vāgon-e bālā-ye bāz ast ke bārnhā-ye rixtani va anbāšte hamčenin bārnhā-ye dāne-yi ke niyāz-e xefz az bārandagi nadārad haml mikonand</i>].</p>   |
| <p>Светофор — основной сигнальный прибор на</p>   | <p>Светофор (<i>узг: Traffic light</i>)—темир йўл транспортидаги асосий сигнал</p>  | <p>چراغ راهنمایی [<i>šerāy-e rāhnemā-i</i>] — جهاز علامت اصلی راه آهن است که با یک یا چند رنگ در</p>   |

|  |   |   |
|--|---|---|
| <p>железнодорожном транспорте, сигнализирующий днём и ночью цветом одного или нескольких огней. Светофоры подразделяются на линзовые и прожекторные и классифицируются на входные, проходные, маршрутные, прикрытия, предупредительные, маневровые, заградительные, повторительные и локомотивные.</p> | <p>асбоби бўлиб, кундузи ва кечаси битта ёки бир нечта рангли чироклар билан сигнал беради. Светофорлар линзали ва прожекторли турларга бўлинади ва қуйидагича таснифланади: кириш, чиқиш, ўтиш, маршрут йўлини беркитиш, огоҳлантириш, маневрлаш, тўсувчи, такрорловчи ва локомотив светофорлар.</p> | <p>روزها یا شبها علامت می دهد. چراغ راهنمایی به چراغ راهنمایی عدسی و نورافکنی تقسیم می شوند. چراغ راهنمایی ورودی، گذری، مسیری، پناهی، علامت دهندگی، مانور، سدی، تکراری و لکوموتیوی می شوند.<br/>[jehāz-e elāmat-e asli-ye rāh āhan ast ke bā yek yā čand rang dar ruzhā yā šabhā elāmat midehad. čerāg-e rāhnamā-i be čerāg-e rāhnamā-i-ye adasi va nuraškani taysim mišavınd. čerāg-e rāhnamā-i vorudi, gozari, masiri, panāhi, elāmatdehandegi, mānowr, saddi, tekrāri va lokumutivi mišavand.]</p> |
| <p>Стрелочный перевод—устройство, служащее для перевода подвижного состава с одного пути на другой. Стрелочные переводы состоят из стрелок, крестовин.</p>   | <p>Стрелкали ўтказгич (<i>ing: Switch</i>)—ҳаракатдаги составни бир йўлдан иккинчи йўлга ўтказувчи қурилма. Стрелкали ўтказгичлар стрелкалардан, крестовиналардан ва улар орасидаги бирлаштирувчи йўллардан иборат.</p>   | <p>سوزن— [suzan] وسیله ای که برای انتقال ترکیب متحرک را از یک راه به دیگری خدمت می کند. سوزن ها عبارت از تیرها و چلیپاها است.<br/>[vasile-i ke barā-ye enteyāl-e tarkib-e motaharrek az yek rāh be digari hedmat mikonad. suzanhā ebārat az tirhā va čalipāhā ast].</p>   |
| <p>Тепловоз—</p>   | <p>Тепловоз (<i>ing:</i></p>  | <p>كوموتیو دیزلی- برقی</p>  |

|  |   |  |
|--|---|--|
| <p>локомотив, на<br/>котором в качестве<br/>источника энергии<br/>используется<br/>двигатель<br/>внутреннего<br/>сгорания—дизель.<br/>Тепловоз состоит из<br/>первичного<br/>двигателя, кузова,<br/>вспомогательного<br/>оборудования.</p> | <p><i>Diesel-electric locomotive</i>)—<br/>локомотив бўлиб,<br/>унда энергия<br/>манбаи сифатида<br/>ички ёнув<br/>двигатели—дизелдан<br/>фойдаланилади.<br/>Тепловоз бирламчи<br/>двигатель,<br/>узатмалар, кузов,<br/>ёрдамчи<br/>жихозлардан<br/>иборат.</p> | <p>[<i>lokumutiv-e dizeli-baryi</i>]<br/>لكوموتیوی كه بعنوان<br/>نیروی برقی از موتور درون<br/>سوز یعنی از دیزل استفاده<br/>می شود. لكوموتیو دیزلی-<br/>برقی از موتور نخستین و<br/>بدنه ها و تجهیزات كمکی<br/>عبارت است.<br/>[<i>lokomotivi ke be onvān-e niru-ye baryi az mātur-e darunsuz ya'ni az dizel estefāde mišavad. lukumutiv-e dizeli-baryi az motur-e noxostin va badanehā va tajhizāt-e komaki ebārat ast</i>].</p> |
|--|---|--|

Иллюстратив материаллар билан лугатларни бойитиш лугатнинг ҳажмини ортишига олиб келади, ҳам фойдаланувчиларда маълум термин юзасидан таассурот уйғотади, аммо саҳифалаш масаласида бироз нокулайликлар туғдиради.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган масалаларни кўриб чиқиб, ҳал қилиниши келажакда яратилиши мумкин бўлган икки ва кўп тилли изоҳли лугатларни тузишда умумий аҳамият касб этади. Такдим этилаётган кўп тилли изоҳли лугатлар барча тилларда ҳам стилистик, ҳам грамматик, ҳам орфографик хато-лардан ҳоли бўлиши, айниқса, фойдаланувчилар учун қулай бўлиши мақсадга мувофиқ.

“Темир йўл терминларининг русча-ўзбекча-форсча изоҳли лугати” юқорида санаб ўтилган босқичларни босиб ўтди. Иложи борица фойдаланувчиларга қулай бўлиши учун ҳаракат қилинди.

Лугат А1-13—“Шарқ тиллари икки тилли лугатларининг лексикографик тадқиқотлари” гранти доирасида ҳамда Н.Н.Ибрагимов ва бошқалар томонидан тузилган “Темир йўл атамаларининг русча-ўзбекча қисқа лугати”<sup>1</sup> асосида яратилган

<sup>1</sup> Темир йўл атамаларининг русча-ўзбекча қисқа лугати (Асосий атамалар ва таърифлар). –Тошкент, “Ўқитувчи”, 1993. -68 б.

бўлиб, темир йўл соҳасига оид асосий термин ва тушунчаларнинг изоҳини ўзида жамланган.

Лугат темир йўл соҳасига оид асосий термин ва тушунчаларнинг изоҳини ўзида қамраган бўлиб, ўзбекча изоҳдан олдин айни терминнинг инглиз тилидаги муқобили ҳам келтирилган. Бу билан лугатдан фойдаланувчилар учун бир вақтнинг ўзида маълум бир терминнинг тўрт тилдаги муодилини ўрганиш имконини яратади.

Лугат тарғиби русча-ўзбекча-форсча шаклда берилган бўлиб, русча изоҳга нисбатан алифбо тартибида келтирилган. Форс тилидаги терминларни жамлашда Эрон темир йўл тизимида оид техник-меъёрий ҳужжатлар, инструкциялар, техник қўлланмалар<sup>1</sup>, шунингдек, Эроннинг “Форс тили ва адабиёти академияси” тўпламларидан<sup>2</sup> фойдаланилди.

Терминларнинг форсча изоҳи аввал форс тилида, яъни араб алифбосида, сўнгра лотин ҳарфларига асосланган транскрипцияси ҳам келтирилган. Баъзи товушларни ифодалаш учун халқаро лотин алифбосига асосланган транскрипция символларидан фойдаланилди.

*Мустафаева Самид*

*Хитой тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси,*

*Исматуллаева Наргиза*

*Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси*

## ХИТОЙ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Хитойда лексикография соҳасининг шаклланиши узок тарихга эга бўлиб, биринчи лексикографик асар 《尔雅》 «Егуа» (Эр я) лугатини тузиш ишлари мил.авв. III-II асрларда яқунланган. Хитойда яратилган иккинчи лексикографик асар 《方言》 “Fangyan” (Фанг ян) лугати бўлиб, мазкур лугат эрамининг илк асрларида Янг Сюн томонидан яратилган шевага оид сўзлар лугати ҳисобланади. Лекин милодий 121 йилда Сюй

<sup>1</sup> دستور العمل کاربرد راه; “Темир йўл чизмалари йўриқномаси”); “ابین نامه طرح هندسی راه آهن” “شرح خدمات همسان مطالعات طرح های احداث راه; “Темир йўлдан фойдаланиш қўлланмаси”); “آهن” “شرح خدمات همسان مطالعات طرح های احداث راه; “Темир йўл чизмаларини яритишга шарҳ”); “آهن”

<sup>2</sup> Академия томонидан тақлиф қилинган терминлар китобча шаклида нашр этилган бўлиб, ишда унинг электрон шаклидан (<http://www.persianacademy.ir/fa/naame.aspx> ва <http://www.persianacademy.ir/fa/s310487.aspx> сайтларидан ) фойдаланилди.

Шэн томонидан яратилган луғат хитой лексикографиясида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур луғатда 10 мингга яқин иероглиф жамланган бўлиб, уни бутун дунёда яратилган илк мукаммал изоҳли луғат сифатида эътироф этиш мумкин. Унда нафақат иероглифларнинг маъноси, балки уларнинг тузилиши ҳамда этимологияси ҳам келтириб ўтилган<sup>1</sup>.

Хитой тилида яратилган луғатларда тил бўйича материал жойлашнинг бир қанча тизимлари мавжуд, маълумотларга қараганда улар 70дан ортиқ. Бирок энг кенг қўлланиладиган асосий тизимлар учта: калитли<sup>2</sup>, график ва фонетик<sup>3</sup>.

Калитли тизим (部首查字法 *bushou chazifa*) – энг қадимий ва энг кенг тарқалган тизим. Дастлаб иероглифлар 540 калит бўйича луғатларга жамланган бўлса, 康熙字典 *Kangxi zidian* (XVIIIаср) дан бошлаб калитлар сони 214тагача қискартирилган. Ушбу тизим ҳам луғат тузишда қўлланилиб келинади.

Калит тизими бўйича тузилган луғатларда иероглифлар мувофиқ калит бўйича кидирилади, сўнг калитни қўшмаган ҳолда иероглифнинг қолган қисмида имло чизиклари сонини ҳисоблаб, керакли иероглиф топилади. Керакли калитни аниқлаб олишда бир калит турли иероглифлар таркибида турли ўринни эгаллаб келиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш муҳим. Калит иероглифнинг юқори, пастги, ўнг ёки чап ёни, баъзан иероглифни чегарлаб туруви қисм сифатида келади.

Калит тизимига асосланиб турли даврларда турлича луғатлар тузилган. Масалан, 康熙字典 *Kangxi zidian*, 中华大字典 *Zhonghua da zidian*, 辞海 *Cihai*, 词源 *Ciyuan*<sup>4</sup> шулар жумласидандир.

График тизим (笔形检字法 *bixing jianzifa*) бир қанча вариантларда учрайди. Энг кўп учрайдиганлари учта бўлиб улар қуйидагилар:

<sup>1</sup> Большой энциклопедический словарь: языкознание. – М., 1998. – С. 225

<sup>2</sup> Изох: хитой иероглифлари ўз навбатида калит ва имло чизиклари де аталувчи таркибий қисмларга бўлинади. Калитлар содда иероглифларни эслагади. Уларнинг айримлари алоҳида келганда ҳам маъно англатиб, мустақил қўлланилиши мумкин, айримлари шунчаки иероглиф таркибидаги элемент сифатида қўлланилади, бундай график бирликлар ҳам ўзига хос маъно англатади, аммо мустақил қўлланимайди. Имло чизиклари- иероглифларнинг энг кичик ва энг содда график элементлари ҳисобланади.

<sup>3</sup> Ли Сюэ. Дзэнянг ча изидиан// Юйвэи сюэси, 1956, 6. –Б. 39

<sup>4</sup> Изох: сўзма-сўз таржима қилганда, 康熙字典 *Kangxi zidian* (康熙 *Kangxi* – император исми) “Кангси иероглифлар луғати”. 中华大字典 *Zhonghua da zidian* “Хитой катта луғати”, 辞海 *Cihai* “Сўз денгизи”, 词源 *Ciyuan* “Сўзлар манбаи (этимологияси)”.

Биринчи вариант иероглифлар график элементларининг умумий сонига кўра. Бунда бир хил миқдордаги график қисмлар (имло чизиклари)га эга бўлган бўлган иероглифлар луғатнинг бир бўлимида жамланади. Бўлим ичида иероглифлар эса биринчи (иероглифни ёзишда биринчи келадиган) имло чизигига кўра тартиб билан жойланади. Бунда, 点 *dian* нукта имло чизигидан бошланганлари биринчи кейин 横 *heng* горизонтал тўғри чизик ва ҳк. (бундай имло чизиклар еттита). График тизимнинг мазкур кўриниши 1958 йилда нашр этилган 学文化词典 *Xuwenhua cidian* луғатида қўлланилган.

Иккинчи вариантга кўра иероглифларда имло чизиклари сонидан катъий назар биринчи (бошланғич) элементга кўра тартиблаштирилади: 点 *dian* нукта, 横 *heng* горизонтал тўғри чизик, 竖 *shu* вертикал тўғри чизик, 撇 *pie* эгилган (чап ёки ўнг томонга қараб ёйсимон эгилган) чизик. Айнан шу тартибга бўлим ичидаги кичик бўлимларда ҳам амал келинади. Иккинчи вариант биринчисидан асосий бўлимларга бўлишда иероглифларда имло чизиклар сони ҳисобга олинмаслиги ҳамда иероглифнинг бошланғич имло чизикларнинг тўрттагача қисқаргани билан фарқланади. 新华字典 *Xinhua zidian* луғати учун илова шу тизим бўйича ишлаб чиқилган.

Учинчи вариантга нисбатан одатда “тўрт бурчак тизими” термини қўлланилади. Ушбу тасниф иероглиф бурчакларини ҳосил қилувчи ўн имло чизикка асосланади. График элементлар 0-9 гача рақамланади. Тўрт бурчакни ҳосил қилувчи элементлар комбинацияси тўрт хонали сон билан ифодаланади. Мазкур тизимнинг қулайлик томони 214 калитни ёдда тутиш ёки иероглиф қисмларини санаш талаб этилмайди. Шунга қарамадан тўрт бурчакни ҳосил қилувчи элементларни аниқлашнинг ҳам ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Шу сабабга кўра мазкур тизимдан кам фойдаланилади. Бу тизимга кўра тузилган луғатлардан энг машҳури 王云五大辞典 *Wangyun wuda cidian* луғати бўлган, 1950 йилда шу тизимга асосланган 四角号码新词典 *Sijiao haoma xin cidian* луғати нашр этилди.

Фонетик тизим (音序检字法 *Yinxu jianzifa*) ўз навбатида икки босқични ўтган. Бу тизим асосида тузилган луғатлар Хитойда



нисбатан кеч юзага келган. Фонетик тизимга асосланган луғатларнинг биринчи шакли 注音字母 *zhuyinzimu* (талаффузни кўрсатиш учун алифбо)га асосланиб тузилган бўлса, иккинчи шакли 1958 йилда 拼音字母 *pinyin zimu*<sup>1</sup> деб номланувчи фонетик алифбонинг нашр этилиши билан юзага келди. Фонетик тизимнинг айнан иккинчи шакли хитой лексикографиясига мустақкам ўрнашди ҳамда борган сари кенг ёйилмоқда. Фонетик тизим бўйича яратилган луғатларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин: 国语辞典 *Guoyu cidian*, 新华字典 *Xinhua zidian*, 同音字典 *Tongyin zidian*, 现代汉语词典 *Xiandai hanyu cidian*.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Хитойда изоҳли луғатлар бошқа тиллардагидан фарқли равишда 词典 *cidian* ва 字典 *zidian* сифатида ҳам фарқланади. Бунда 词典 *cidian* сўзлар луғати, 字典 *zidian* эса иероглифлар луғати сифатида эътироф этилади.

Лингвистик луғатлар орасида изоҳли (бир тилли) луғатларнинг аҳамияти катта. Хитойда изоҳли луғатлардан қуйидаги йирик лексикографик асарларни санаб ўтиш мумкин. **Иероглифлар луғатлари:**

康熙字典 *Kangxi zidian* – Цин сулоласи императори Кангси даврида тузилган. Луғатнинг яқунланиши 1716 йилга тўғри келади. Ўз даври учун у энг тўлиқ луғат ҳисобланган. 47035 та белгини ўзида жамлаган. Луғат 12 қисмга ҳам бир қисм ўз навбатида уч томга бўлинган. Хитой лексикографияси тарихида биринчи марта иероглифлар 214 та калит бўйича тартиблаштирилган. Иероглифнинг ўқилиши анъанавий хитой транскрипция усули *фанцие* асосида ва *чжэйин*, яъни бошқа иероглиф воситасида бир иероглифнинг ўқилишини бериш усулидан фойдаланган ҳолда берилган.

“中华大字典” *Zhonghua da zidian* 1912-йилда нашр этилган. Қамраб олган материалга кўра хитой иероглифик луғатлари ичида энг йириги. Унда 48000дан ортиқ белги жамланган. Бу ҳам худди Канси луғати каби 214 калитга кўра тартиблаштирилган, фақат айрим калитларнинг тартиб рақами ўзгарган. Иероглифлар ўқилиши юқорида кўрсатилган икки усул оркали келтирилган.

<sup>1</sup> Замонавий хитой тилида ҳам иероглифларга транскрипция *pinyin* алифбоси воситасида берилди.

新华字典 *Xinhua zidian* – биринчи марта 1953-йилда нашр қилинган. Луғат иероглифларнинг турлича ёзилиш шакллари ҳам ҳисобга олган ҳолда 8500 белгини қамраб олган. Тахминан 3500та мураккаб сўз ва сўз бирикмалари киритилган. Ушбу луғатнинг икки хил шакли учрайди: биринчисида иероглифлар калит тизимида тартиблаштирилса, иккинчисида алифбо тартибида жойланган. Луғат мақолалари асос иероглиф изоҳидан бошланади.

#### Сўз луғатлари:

“汉语词典” *Hanyu cidian* “Хитой тили” луғати 1957-йилда нашр этилган. 国语辞典 *Guoyu cidian* “Давлат тили” луғатининг қисқартма шакли ҳисобланади. 100 мингга яқин луғат мақолаларини қамраб олади. Бироқ, мазкур луғатда айрим сўзлар изоҳида хатоликлар мавжудлиги қайд этилганлиги сабаб ундан танқидий фойдаланиш тавсия этилади<sup>1</sup>.

四角号码新词典 *Sijiao haoma xin cidian* – “Тўрт бурчак тизими бўйича тузилган янги луғат” 1950-йилда нашр этилган. Луғатда 8000 иероглиф, 20 000 сўз ва иборалар жамланган.

现代汉语词典 *Xiandai hanyu cidian* “Замонавий хитой тили луғати” биринчи нашри 1979 йил. 56 000 луғат мақолаларини ўзида жамлаган. Алоҳида иероглифлар, сўз ва иборалар изоҳи келтириб ўтилган.

#### Хитой тилшунослик терминологияси хусусида

Хитой тили узок тарихий жараёни босиб ўтган. Хитой тили тилшунослик терминлари тизиминининг шаклланиши ва тараққиёт босқичларини аниқлаб, таҳлил этиш, аввало, Хитойда тилшунослик илмининг юзага келиши, хитой тилшунослиги тарихини ўрганишни талаб этади. Дастлаб, филология 语文学 *yǔwénxué* ва тилшунослик (лингвистика) 语言学 *yǔyánxué* терминларини фарқлаб олиш лозим. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган филология соҳаси Хитойда лингвистик тадқиқотларда етакчи ўринни эгаллайди<sup>2</sup>. Қадимги Хитойда тилшунослик (лингвистика) 语言学 *yǔyánxué* эмас, филология 语文学 *yǔwénxué* тараққий этган дейилишига сабаб, тилшуносликнинг айнан иероглифика, кейинчалик фонетика ва лексикография илм-

<sup>1</sup> Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М, 1989. – С. 199

<sup>2</sup> 王力. 中国语言学史. 山西: 山西人民出版社, 1981年. 第3页.

ларининг ривожланиши сабаб бўлган, том маънодаги тилшунослик, яъни тилнинг грамматикаси алоҳида фан сифатида тараққий этиши анча кейин, тахминан, XIX аср охири - XX аср бошларига тўғри келади. Шу сабаб, бир қатор хитой тилшунослари қадимги хитой анъанавий тилшунослик илми матнлар, хусусан, адабиёт йўналишида яратилган асарлар билан боғлиқ бўлиб, унда иероглиф, сўз ва матн тахлили ва талқини етакчи йўналишларни белгилаб бергани туфайли бу илм тилшунослик эмас, филология илми деган фикрни билдиришган. “Хитойшунослик Россия ва бошқа Европа давлатларида XVIII- XIX асрлар бўсағасида, бироз кейин Японияда илк луғатлар ва грамматиканинг юзага келиши билан шаклланган. Хитойнинг ўзида эса, айнан тил грамматикасининг ўрганилиши нуқтаи назаридан нисбатан кеч, яъни XIX аср охирида Ма Цзянчжуннинг “Маши вэньтун” грамматикасининг 1898 йилда нашр этилиши билан шакллана бошлаган. Унга қадар Хитойда тил ва ёзув анъанавий филология доирасида ўрганилган. Хитой анъанавий филологиясида асосий эътибор фонетика (бўғин тузилиши, тон (оҳанг), рифма (қофия)лар ва б.) ва иероглифика (иероглифларнинг турлари ва шакллари), шевалар (диалектал луғатлар), ёрдамчи сўзлар талқини ва матн тавсифига қаратилган”<sup>1</sup>. Бироқ хитой ёзуви, унинг бутун мамлакат бўйлаб бирлаштирилиши учун амалга оширилган ислохотлар, тузилган лексикографик асарлар қадимги хитой тилидаёқ ёрдамчи сўз туркумлари “сю ци”ларнинг фаркланиши, диалектология соҳасида олиб борилган тадқиқотлар, қадимги Хитойда айнан тилшунослик илмининг мустақил илм сифатида тараққий этганлигини кўрсатиб туради. Бу соҳада амалга оширилган тадқиқотлар хитой тилинигина эмас, балки унга қардош тилларни ўрганишда ҳам бугунга қадар ўз ахамиятини йўқотмаган... “қадимги хитой тилшунослигининг ўзига хос томони шундаки, хитой тилшунослиги ҳинд илмининг айрим таъсирларини ҳисобга олмаганда мустақил шаклланган ва тараққий этган тилшунослик илми ҳисобланади, бундан ташқари у флектив бўлмаган, иероглифик ёзувга эга бўлган тил доирасида юзага келганлиги алоҳида эътиборга молик”<sup>2</sup>. Хитой тилшунослиги тарихи бўйича яратилган манбаларда хитой тилшунослиги икки

<sup>1</sup> Большой энциклопедический словарь: языковедение. М.: Большая Российская энциклопедия, 1998.

<sup>2</sup> Под.ред. В.И. Ярцева. Большой энциклопедический словарь: языковедение. Москва: Большая Российская энциклопедия, 1998.

марта ташқи тилшунослик мактаблари таъсирига учраган дейилади: биринчи таъсир хинд илмининг таъсири бўлса, иккинчи таъсир Ғарбнинг таъсири эди. Биринчи таъсир қисман бўлиб, тилшуносликнинг фонология қисмига таъсир ўтказган, иккинчиси ўлик таъсир бўлиб, тилнинг барча соҳаларига кириб борган<sup>1</sup>.

Хитой тили тарихи ва унга мутаносиб равишда хитой тилшунослигини даврлаштириш масаласида ҳам ёндашувларнинг турлилиги кузатилади. Маълумки, хитой тили йирик икки гуруҳ: 古代汉语 *gǔdài hànǔ* қадимги хитой тили ва 现代汉语 *xiāndài hànǔ* замонавий хитой тилига ажратилади. “Замонавий хитой тили” дейилганда *нутунхуа* назарда тутилса, қадимги хитой тили асосан ёзма манбалар орқали етиб келган бўлиб, узок тарихий давр, тахминан мил. ав. XIV асрдан мил. XIX асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Қадимги хитой тили уч босқич: 1) архаик давр (*shanggu*) мил. ав. II асргача; 2) ўрта давр (*zhonggu*) мил. ав. I асрдан XIII аср ўрталаригача; 3) замонавий босқич (*jindai*) XIII аср ўрталаридан XIX аср ўрталарига қадар<sup>2</sup>. Хитой тили фонологик ва синтактик нуқтаи назардан келиб чиқиб даврлаштирилганда: фонологик жиҳатдан хитой тили: 1) қадимги хитой тили (кейинроқ ушбу термин Карлгрэн<sup>3</sup> томонидан қўлланган архаик хитой тили терминининг ўрнини эгаллади) тахминан мил. ав. 1000-800йй.; 2) Илк ўрта хитой тили (Карлгрэннинг “қадимги хитой тили” терминини ўрнида) милодий 6 аср фонетик меъёрларини ўзида акс эттиради; 3) Сўнгги ўрта давр хитой тили, Тан сулоласи (618-907) сўнгги йиллари ва Сун сулоласи (960-1279) илк йиллари; 4) Илк (ёки қадимги) Мандарин, Юан сулоласи (1279-1368) даври тили<sup>4</sup> каби даврларга бўлинади. Синтактик нуқтаи назардан келиб чиқиб даврийлаштиришда ҳам фарқлар кузатилади. Бунда асосан тўрт муҳим давр: архаик (*shanggu*), ўрта (*zhonggu*), замонавий (*jindai*) ва ҳозирги замон (*xiandai*)ни ўз ичига олади, улар, ўз навбатида, қуйидаги ички бўлинишларга эга: 1) олд архаик давр, ҳайвон суяклари ва тошбақа коса-

<sup>1</sup> 王力. 中国语言学史. 太原: 山西人民出版社, 1981. 第173页.

<sup>2</sup> Roger D. Woodard. The ancient languages of Asia and the Americas. New York: Cambridge University Press, 2008. -P.136

<sup>3</sup> Karlgren B. Etudes sur la phonologie chinoise. Leiden: Brill, 1915-1926.

<sup>4</sup> Pulleyblank E. Late Middle Chinese. Asia Major, 1970. -P. 197-239

Baxter W. A Handbook of Old Chinese phonology. Berlin: Mouton de Gruyter, 1992

ларидаги битиклар (мил. ав. XIV-XI асрлар); 2) илк архаик бронза идишлардаги битиклар ва илк мумтоз хитой манбалари (мил. ав. X-VI асрлар); 3) сўнгги архаик давр, мумтоз хитой тили, Конфуцийчилик, Мэнгцзи асарларининг талқинида (мил. ав. V-II асрлар); 4) олд ўрта давр тил ёзма шаклининг юзага келиши, оғзаки нутқнинг адабий тилдан фарқланиш даври (мил. ав. I - милодий I асрлар); 5) Илк ўрта давр (II-VI асрлар); 6) Сўнгги ўрта давр (VII-XIII ўрталари); 7) замонавий хитой тилидан олдинги давр (XIII аср ўрталари – XIV аср); 8) замонавий хитой тили (XV-XIX аср ўрталари); 9) ҳозирги замон хитой тили (XIX аср ўрталаридан бугунга қадар)<sup>1</sup>.

Хитой тили ривожланиш босқичларини кенг маънода тўрт даврга бўлиш мумкин: 上古汉语 *shanggu hanyu* ‘қадимги хитой тили’; 中古汉语 *zhonggu hanyu* ‘ўрта хитой тили’; 近代汉语 *jindai hanyu* ‘мандин’ ва 现代汉语 *xiandai hanyu* ‘замонавий хитой тили’<sup>2</sup>.

Хитойда тилшунослик илмининг ривожланиши, соҳа терминларининг шаклланиши ва тараққиётидан келиб чиқиб, хитой тилшунослик терминлари тараққиётини уч босқичга бўлиш мумкин: 1) Илк босқич, яъни хитойда ёзув, фонетика, лексикография ва диалектология соҳалари тараққиёти, тилшуносликнинг мазкур соҳаларида қўлланилган терминлар эволюцияси, тахминан мил. авв. 1000 йилдан милодий XIX аср охиригача қадар. 2) Иккинчи босқич, Хитойда грамматик тадқиқотларнинг юзага келиши ва тилшуносликнинг Ғарб тилшунослиги андозасида ривожланиши, соҳа терминлари. 3) Учинчи босқич, замонавий хитой тилшунослиги терминлари (1950 йиллардан бошлаб).

Хитой тили тилшунослик терминлари тадқиқотида хитой тилида ‘адабий тил’ ва унга нисбатан қўлланиладиган терминлар алоҳида эътиборни талаб этади. Зеро, узоқ тарихий жараёнда хитой тилида ҳам ички ва ташқи таъсирлар натижасида қўшлаб ўзгаришлар кузатилади ва бу ўзгаришлар адабий тилнинг мавқеи,

<sup>1</sup> Каранг: Chou F. 1963. Stages in the development of the Chinese language. *Zhongguo yuwen luncong*. Taipei: Zhengzhong shuju. Pp. 432-438; Wang L. 1958. *Hanyu shigao* (History of Chinese). Beijing: kexue chubanshe. P.35; Peyraube A. 1988. *Syntaxe diachronique du chinois-evolution des constructions datives du 14 em<sup>e</sup> esi<sup>e</sup> cle av. J.-C. au 18<sup>e</sup> eme si<sup>e</sup> cle*. Paris: Coll<sup>e</sup>ge de France.

<sup>2</sup> Wilkinson E. *Chinese history a manual*. 中國历史手冊. USA: Harvard University Asia Center, 2000. -P.18.

унинг жамиятдаги ўрни, хатто номланишида ҳам акс этиб борди. 周Zhōu Жоу сулоласи (мил.ав. 1046-221йй.) даврида давлат тили ва меъёрий тил 雅言yǎyán ‘яъян’ деб юритилган. Ушбу даврда яратилган манбалар айнан шу тилда ёзилган. 秦Qín Чин (мил. ав. 221-206 йй.) сулоласи даврларига келиб яъян асосида адабий тил 文言wényán ‘вэнян’ шаклланди. 六朝Liù Cháo Олти сулола (420-581йй.) даврига келиб 白话báihuà ‘байхуа’ бадий адабиёт тили сифатида куртак ёя бошлади. 唐Táng Танг (618-907йй.) даврида вэняннинг оғзаки нутқдан узоклашиши, ўша даврда шахар иқтисодининг ривожланиши ва шахар аҳли мавқеининг ошиши шимолий диалектларга асосланган адабий тилнинг шаклланишига олиб келган эди. Ва бу адабий тил кейинчалик ‘байхуа’ деб юритила бошланди. Танг давридан кейин Сонг, Юан, Минг, Чинг сулолалари даврида ҳам кўплаб бадий адабиёт намуналари байхуада ёзилди. Бирок вэнян расмий тил сифатида 1919 йил “4 май ҳаракати”га қадар ўз мавқеини сақлаб қолди. 明Míng Минг (1368-1644йй.) даврида 官话guānhuà ‘гуанхуа’ термини расмий тилнинг оғзаки шакли учун қўлланила бошланади. 元Yuán Юань сулоласи (1271-1368йй.) даврида бу термин юань драмаси тили ҳисобланган. Тарихий манбаларда келтирилишича гуанхуа нафақат Хитой ҳудудида, балки Хитойдан ташқарида ҳам кенг ёйилган. Хусусан, Кореяда гуанхуа ўрганувчилар учун 《朴通事》Piāotōngshì ва 《老乞大》Lǎo Qí dà деб номланган сўзлашув нуткига ўргатувчи китоблар ҳам чоп этилган<sup>1</sup>. Айнан шу даврда мамлакатда савдо, иқтисод, маданиятнинг ривожланиши билан гуанхуа мамлакат шимолидагина эмас, балки жанубида ҳам кенг ёйила бошланди. XXаср бошларида гуанхуа асосида умумдавлат тили 国语guóyǔ гуоюй шаклланди. Адабий тилнинг ёзма шакли байхуа ҳисобланса, оғзаки шакли гуоюй эди. Нихоят XX асрнинг биринчи чорагига келиб, Хитойда оғзаки ва ёзма шакли ўзаро тенг ва мутаносиб бўлган адабий тил юзага келди. Шундай қилиб, гуоюй фонетик жиҳатдан Пекин шеvasига асосланган, Шимолий шевалар гуруҳи асосий шеваси, грамматик меъёрлари байхуа грамматик меъёрлари ҳисобланадиган, бутун

<sup>1</sup> 高级汉语教程. Advanced Chinese3. -北京: 北京语言学院出版社, 1992. 第 329页.

мамлакат учун умумий адабий тил хисобланган. 1955 йилда Хитойда ёзувни ислох қилиш бўйича ўтказилган Бутун Хитой йиғилишида ‘гуоюй’ термини расман бекор қилиниб, хитой адабий тили учун 普通话 *pǔtōnghuà* “путунхуа” термини қабул қилинди. Шунга қарамасдан, Тайванда хитой тилига нисбатан ҳамон ‘гуоюй’ термини қўлланилади, Сингапурда эса ушбу термин ўрнида 华语 *huáyǔ* ‘хуаюй’ термини қўлланилади, бироқ бу ҳар уч чала термин шакл жиҳатдан фарқланса-да, моҳиятан бир тушунчани ифодалайди.

Хитойда тилшунослик соҳасидаги илк тадқиқотлар айнан хитой ёзуви тадқиқига бағишланган. Шундай экан, уни тилни ўрганган илм демасликнинг иложи йўқ<sup>1</sup>. Хитойда такомиллашган ёзув, 甲骨文 *jiǎgǔwén* тошбақа косалари ва хайвон суяқларига ўйилган битиклар эса уч минг йиллик тарихга эга деб қайд этилади. Хитой мумтоз тилшунослиги 2000 йиллик тарихга эга эканлиги манбалардан маълум. Қадимги Хитойда тил ва ёзувни ўрганувчи илм соҳасига нисбатан 小学 *xiǎoxué* термини қўлланилган. 小学 *xiǎoxué*: 文字 *wénzì* ‘ёзув’, 音韵 *yīnyùn* ‘фонология’ ва 训诂 *xùnyǔ* ‘схолостика’, яъни иероглиф шакли, талаффузи ва маъносини ўрганувчи уч бўлимни ўз ичига олган<sup>2</sup>. Сяо сюэ номи дастлаб бошланғич мактаб тушунчаси билан боғлиқ бўлган.

《汉书·艺文志》“Хань солиномаси”нинг санъат ва ёзувга тегишли қисмида келтирилган маълумотларга кўра, қадимда болалар саккиз ёшдан бошланғич таълимга киришган ва улар оладиган илк сабоқ 六书 *liù shū* ‘олти хат’ бўлган. Иероглифларни ўргатиш бошланғич таълимнинг вазифаси, шунинг учун ҳам иероглифларни ўрганувчи фан - сяо сюэ, бошланғич мактаб номи билан юритилади<sup>3</sup>. ‘Олти хат’ қадимда иероглифлар таҳлили натижасида белгиланган олти қонуният, яъни 象形字 *xiàngxíngzì* ‘тасвирий-рasm туркум’, 指事字 *zhǐshìzì* ‘кўрсаткич туркум’, 会意字 *huìyìzì* ‘маънавий бирлашиш туркуми’, 转注字 *zhuǎnzhùzì* ‘шаклан ўзгарувчи туркум’, 假借字 *jiǎjièzì* ‘ўзлаштирувчи туркум’, 形声字 *xíngshēngzì* ‘рasm-талаффуз туркум’<sup>4</sup>.

小学 *xiǎoxué* терминининг илк маъноси болаларга иероглиф танитадиган дарсликлар билан ҳам боғланган. Шу сабаб, “Хан

<sup>1</sup> 濮之珍. 中国语言学史. -北京, 1986年. 前言第3页.

<sup>2</sup> 语言学名词解释. -北京: 商务印书馆, 第121页

<sup>3</sup> 王力. 中国语言学史. 山西: 山西人民出版社, 1981年. 前言第2页.

<sup>4</sup> 现代汉语词典第五版. 北京: 商务印书馆, 2007年. 第878页.

солномаси”нинг 《小学类》 “сяо сяэ турлари” бўлими ўзида факат болаларга иероглиф сабоқларини берувчи дарсликларни жамлаган. Чунцию ва Жангую (мил.ав. 770-221йй.) даврлари оралигида 《史籀篇》 “*Shizhou pian*”, Чин даврида болаларга иероглиф сабоғини беришда қўлланиладиган китоб. Цин ва Фарбий Хан даврларига келиб, Ли Сининг 《仓颉篇》 “*Cangjiepian*”, Жао Гаонинг 《爱历篇》 “*Yuanli pian*”, Ху Уцзингнинг 《博学篇》 “*Boxue pian*”, Си Ма Сиянгринг 《凡将篇》 “*Fanjiang pian*”, Ши Ёунинг 《急就篇》 “*Jijiu pian*”, Ли Чангнинг 《元尚篇》 “*Yuanshang pian*” ва Янг Сионгнинг 《训纂篇》 “*Xunzuan pian*” асарлари юзага келди. Ли Си, Жао Гао, Ху Уцзингнинг китоблари Хан даврига келиб, 《仓颉篇》 “*Cangjie pian*” ёки 《三仓》 “*San cang*” номлари билан юритила бошланди ва бу китоб ўзида 3300 иероглифни жамлади. Ушбу китобларга Янг Сионгнинг 《训纂篇》 “*Xunzuan pian*” асари қўшилгач, китоб 《仓颉篇》 “*Cangjie pian*” деган умумий ном билан юритила бошланди ва унда иероглифлар сони 5340тага етди. Хан императори Хэ Ди (милодий 89-105йй.) даврида Цзя Фанг 《滂喜篇》 “*Pangxi pian*” асарини ёзди. Кейинчалик 《仓颉篇》 “*Cangjie pian*” – биринчи том, 《训纂篇》 “*Xunzuan pian*” – иккинчи том, 《滂喜篇》 “*Pangxi pian*” – учинчи том сифатида 《三仓》 “*San cang*” номи билан юритила бошланди. 《说文解字》 “*Shuōwén jiězì*” лугатида келтирилган маълумотларга қараганда бу дарсликларнинг илмий манба сифатида аҳамияти катта эмас, бироқ, улар Хитойда тилшунослик илмининг биринчи босқичини ташкил этади. Ушбу босқичнинг тилшунослик бўйича тадқиқотлари жуда мўрт бўлса-да, ўзида 2016та иероглифни муҳрлаган ёзма манбалар хитой тилшунослигида ўзига яраша ўчмас из қолдирган<sup>1</sup>. Ушбу китобларнинг номларидан ҳам ўша даврга хос айрим терминлар ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Жумладан, 籀 zhòu, 籀文 zhòuwén қадимги иероглиф ёзув шаклларидан бири, ‘дажуан’ катта белгили ёзувга ўхшаш бўлиб, афсонага кўра Жоу кироли Сюан Ванг даврида Тай Шижоу томонидан яратилган<sup>2</sup>.

Ўз даврида ушбу китобларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, бу қадимги Хитойда филологик билимларнинг ўқити-

<sup>1</sup> 王力. 中国语言学史. 山西: 山西人民出版社, 1981年. 第11页.

<sup>2</sup> 新华字典. -北京: 商务印书馆, 2008.

лишига қанчалик катта эътибор берилганлигини кўрсатиб туради. Ўн етти ёшга етган бола тўққиз мингта иероглифни билиши талаб этилиб, шундагина у бирор амални эгаллаши учун имтиҳон топширишга йўлланма олиши мумкин бўлган, “八体” *bā tǐ* “саккиз шакл” имтиҳонидан ўта олган энг қобилиятли талабагина император котибиятига амалдор сифатида тайинланган. 《说文解字》 “Shuōwén jiězì” луғатида кўра八体**bā tǐ**: 1. 大篆 *dà zhuàn* катта белгили ёзув, 2. 小篆 *xiǎo zhuàn* кичик белгили ёзув, 3. 刻符 *kè fú* ўйилган белгилар, *кэфу* (Чин сулоласи даврида ёзув тури), 4. 虫书 *chóng shū* чувалчангсимон ёзув (Чин сулоласи даврида саккиз хуснихат туридан бири), 5. 摹印 *mó yìn* муҳр учун мўлжалланган ёзув (Чин императори Ши Хуан томонидан тасдиқланган саккиз хуснихат туридан бири эр. авв. III аср), 6. 署书 *shǔ shū* бошқарув, расмий ёзув услуби (саккиз хуснихат туридан бири эр. авв. III аср), 7. 殳书 *shū shū* қурол-аслаҳага ўйиб ёзиш учун мўлжалланган ёзув тури (Чин императори Ши Хуан томонидан тасдиқланган саккиз хуснихат туридан бири эр. авв. III аср), 8. 隶书 *lì shū* расмий ёзув (хуснихат тури, эр. авв. III аср-эр. 220й.)<sup>1</sup>.

Хан даврида (мил.ав.206-мил.220) 经学 *jīng xué*, яъни конфуцийчилик манбаларни тадқиқот объекти сифатида қаровчи илм (ўз ичига фалсафа, тарих илми, тил ва ёзувни ўрганувчи илмларни қамраб олган)га бўлган эътиборнинг кучайиши натижасида Хитойда 训诂 *xù nǔ*, яъни схоластика илми юзага келди.

“诂、训故言也” *gǔ, xùn gù yán yě*<sup>2</sup>, 故言就是旧言 *gù yán jiù shì jì yán* яъни, аждодлардан бизгача етиб келган, конфуцийчилик асарлари мазмунининг изоҳи демакдир<sup>3</sup>. “Хан солномаси”да эса, 训诂 *xù nǔ* термини 训故 *xùn gù* тарзида учрайди, аммо моҳиятан ҳар иккиси тенг ҳисобланади. “训”деб одатда кўп қўлланиладиган сўзлар орқали бирор иероглифни тушунтиришга айтилади, “诂”деб эса ўша даврга хос сўз орқали қадимда қўлланилган

<sup>1</sup> 许慎.说文解字. -北京:九州出版社, 2001.

<sup>2</sup> 许慎.说文解字. -北京:九州出版社, 2001.

<sup>3</sup> 王力.中国语言学史. 山西:山西人民出版社, 1981年. 第11页.



иероглифга, ёки кенг қўлланиладиган сўз оркали бирор шевага хос бўлган сўзга изоҳ беришга айтилади<sup>1</sup>.

Хитойда илк лексикографик асар 《尔雅》 «Erya» ҳам сюнгу илмига боғланади, 《尔雅》 «Erya»нинг илк маротаба китоб шаклига келиши Хан императори У Ди давригача юз берган деб тахмин қилинади, чунки, император У Ди даврига келиб ушбу лугатга изоҳлар ёзилгани маълум. Сюнгу эса қадимги лугатларда иероглифларнинг изоҳини беришда қўлланилган.

Қадимги Хитойда юзага келган муаммолардан яна бири шевалардаги кескин фарк эди, транспорт ва ҳудудлар ўртасидаги алоқанинг ривожланмаганлиги натижасида тилда шевалар нафақат талаффуз жиҳатдан балки, грамматик хусусиятларига кўра ҳам кескин фаркланарди. 《说文解字》 “Shuōwén jiězì”нинг муқаддимасида шундай дейилади: “言语异声，文字异形” яъни, тил (нутк) товуш жиҳатдан, ёзув эса шакл жиҳатдан фаркли эди. Мамлакат ҳудудий бирлашиб, Чин империяси ҳукмронлиги ўрнатилгач, империяда ўтказилган ёзувни бирлаштириш бўйича ислоҳот ёзма нутқни бирлаштириш билан бир қаторда, мамлакат учун умумий халқ тилининг шаклланишига тўртки бўлди. Бирок, шевалар ўртасидаги тафовут ўша даврдаёқ масалага жиддий эътиборни тортиб, диалектология илмининг шаклланишига сабаб бўлди. Янги Сионг томонидан ёзилган 《方言》 “Fāngyān” асари хитой тили диалектология соҳаси бўйича ёзилган илк йирик асар ҳисобланади. 方言 fāngyān термини Ғарбий Хан империяси (мил.ав. 206й. – мил. 23й.) сўнгги йилларидаёқ маълум бўлган. Бундан ташқари китобда ‘通语’ tōngyǔ термини ҳам қўлланилиб, бу сўз бугунги тушунчадаги ‘民族共同语’ mínzú gòngtóngyǔ ‘умумхалқ’ ёки ‘умумий миллий тил’ маъносини англатади. Шунингдек, мазкур лугатда диалектал сўзларнинг адабий тилга кўчиши ёки акси бўлган тил ҳодисаларига нисбатан қўлланилувчи терминлар илк маротаба қайд қилинган.

Ғарбий Хан сулоласи даврида котибият амалдорлиги учун қўйиладиган талаблар, имтиҳон тизими Шарқий Хан (25-220й.) даврига келиб анча сусайиб кетди, оқибатда иероглифлар учун уч коида иероглиф шакли, талаффузи ва мазмунининг бузилиши,

<sup>1</sup>语言学名词解释。-北京：商务印书馆，第121页。

иероглифларни нотўғри ўқиш, нотўғри талқин қилиш каби салбий ҳолатлар юзага келди. Айнан шу даврда 许慎 Сюй Шэннинг 《说文解字》 “Шуовэн цзие цзи” “Ёзув талқини ва иероглифлар изоҳи” номли асари давр талаби билан юзага келди, мазкур асар айнан бугунги тасаввурдаги илк иероглифик луғат ҳисобланади, шу билан бирга “бутун дунёда яратилган биринчи изоҳли луғат”<sup>1</sup> ҳам саналади. Унда иероглифлар шакли, талаффузи ва мазмуни ёритилади. Мазкур лексикографик асар 21 йил давомида, яъни 100 йилдан 121 йилга қадар бўлган давр оралиғида ёзиб тугалланган. Сюй Шэннинг энг катта ишларидан бири у калитларни (иероглиф таркибий қисми) яратганлигидадир. “Шуовэн цзиецзи” да жами 540 та калит берилган. Уларни муаллиф шакл жихатдан ўхшашлик ва маъно жихатдан яқинлигига қараб таснифлаган. Асарда бугунги кунда 部首 *bùshǒu* ‘калит’ маъносини ифода-лайдиган термин 部 *bù* ‘бўлак; қисм’ тарзида қўлланилган.

Хитой иероглифлари фонетик бирликларга ажралмайдиган бирлик саналганлиги сабаб, қадимда иероглифнинг ўқилиши бошқа бир иероглиф орқали берилган ва бу усул хитой тилида 直音 *zhīyīn* ‘тўғри товуш’ деб юритилади. Кейинчалик, Хан даври охирида 反切 *fǎnqiè* усулининг пайдо бўлиши тилдаги тараккиётни яна бир поғонага кўтарди. 反切 *fǎnqiè* – бир иероглифнинг талаффузини кўп қўлланиладиган икки иероглиф воситасида бериш усули, бунда талаффузни бериш воситаси саналган икки иероглифдан биринчисининг ундош товуши, яъни шэнгмуси, иккинчи иероглифдан унинг шэнгмудан ташқари қолган қисми юнмуси ва тон (оҳангги) олинади. Масалан, “东”得红切, 得 “*de*” иероглифининг шэнгмуси, яъни “*d*” ва 红 “*hōng*” иероглифининг “*ōng*” юнмуси “кесиб” олинаиб “*dōng*” талаффузи келтириб чиқарилган<sup>2</sup>. Айтиш мумкинки, *фанцие* усули санскрит тили ҳарфлари таъсирида юзага келган ва бу усулнинг шаклланиши Хан даврининг охирига тўғри келади.

Хитой тилида тон (оҳанг) алоҳида ўрин тутати. Хитой тилида оҳанг интонация учунгина эмас, балки маъно фарқлаш учун ҳам

<sup>1</sup> Большой энциклопедический словарь: языкознание. М.: Большая Российская энциклопедия, 1998.

<sup>2</sup> 语言学名词解释.-北京:商务印书馆,第32页.

хизмат қилади (масалан: 过Guō 'Ғуо', яъни атоқли от ва 过guò 'нишонламок; меъёрдан ортмок; вафот этмок' каби). Тилдаги ҳар бир бўғин ўз оҳангига эга бўлиб, оҳанг маъно ажратишдан ташқари, сўзларни сўз туркумларига таснифлаш (масалан: 青语yānyǔ 'нутқ; гап', яъни от сўз туркуми ва 言语yányǔ 'гапирмок; сўзламок' феъл сўз туркуми), қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқлаш (масалан: 东西dōngxī 'шарқ ва ғарб', яъни сўз бирикмаси сифатида ҳамда 东西dōngxī 'нарса, буюм' қўшма сўз сифатида) каби қатор вазифаларни ҳам бажаради.

Хитой тилида 'оҳанг' тушунчасининг диахрон таҳлили шуни кўрсатадики, қадимги хитой тилида тўрт оҳанг 四声 sìshēng мавжуд бўлиб, улар даврий кетма-кетликда шаклланган ҳамда замонавий хитой тилида қўлланиб келинаётган тўрт оҳангдан қатор хусусиятларига кўра фарқланади. Қадимги хитой тилидаги тўрт оҳанг учун анъанавий хитой тилшунослигида қуйидаги терминлар қўлланилади: 平声píngshēng, 上声shǎngshēng, 去声qùshēng, 入声rùshēng уш<sup>1</sup>.

Қадимги хитой тили фонетикасининг илк даврлари таҳлили асосан қадимги хитой шеърини ва фонетик туркумга кирувчи нероглифларгагина таянган ҳолда амалга оширилиши мумкин.<sup>2</sup> Манбаларга кўра қадимги хитой тилида мил. авв. биринчи минг йиллик ўрталаридан милодий йил бошлангунга қадар фақат икки оҳанг мавжуд бўлган. Мазкур икки оҳанг кейинги даврлардаги 平声píngshēng 'равон, чўзиқ оҳанг' ва 上声shǎngshēng 'кўтариловчи оҳанг' тушунчаларига тенглаштирилади. Ўша даврдаги айрим бўғинлар, яъни p, t, k ундош товушлари билан тугаган бўғинлар умуман оҳанг оркали фарқланмаган (анъанавий хитой тилшунослигида бундай бўғинлар 入声 rùshēng 'кирувчи оҳанг' билан ёзилса-да, аслида улар бошқа бўғинлардан оҳангига кўра эмас, якунловчи ундош товушга кўра фарқланган). Мил. авв. II-III асрларда бўғин таркибига кирувчи айрим қўшимчаларнинг истеъмолдан чиқиши хитой тилида янги оҳанг, яъни анъанавий терминологияга кўра 去声 qùshēng 'пасаювчи оҳанг'нинг юзага келишига сабаб бўлди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> 现代汉语词典. Замонавий хитой тили луғати. -北京, 2007.

<sup>2</sup> Яхонтов С.Е. Древнекитайский язык. -М., 1965. -с.25.

<sup>3</sup> Кўратилган асар. -Б.28.

Қадимги хитой тилида мавжуд бўлган тўрт оҳангдан учтаси, яъни 平声 *píngshēng*, 上声 *shǎngshēng*, 去声 *qùshēng* оҳанглари оҳангнинг кўтарилиши ва пасайишига қараб фарқланса, тўртинчи оҳанг, яъни 入声 *rùshēng* бўғин таркибида якунловчи махсус товуш бўлгандагина қўлланган, шу сабабдан ушбу оҳанг қолган уч оҳангдан функционал жиҳатдан тубдан фарқланган.

Тўрт оҳангга кўра юнмуларни фарқлашга бағишланган асарлар тахминан 沈约 Shen Yuening 《四声谱》 “Тўрт оҳанг”идан бошланган.

Чинг даврига келиб, 潘耒 Pan Lei (1646-1708) 《类音》 асарида 四呼 *sìhū* тушунчасини киритди, асарда муаллиф юнмуларни 24 турга ажратади, ҳар бир турда тўрт ху бор эди. Сихуларни ўрганиш шу даврдан бошланди. Бу илм хитой тилида бўғинларнинг ўзига хослиги сабаб келиб чиқиб, илмий асосга таянган.

Анъанавий хитой фонетикасида ‘等呼’ *děnghū* сўзи 等韵 *děngyùn* соҳаси термини ҳисобланади. ‘等’ *děng* ва ‘呼’ *hū* икки турлича тушунчаларнинг қўшма номланиши. ‘呼’ юнмуларнинг талаффуз қилинишида оғизнинг айлана шаклида бўлиш бўлмаслиги: юнмунинг биринчи товуши ёки асосий унли товуш [u] бўлганда, (хитой фонетикаси бўйича ёпиқ оғиз қофияси (унлиларнинг тўрт очиклик даражаси бўйича учинчиси, юнтоу қофия бошида ёки қофия ўртасида ‘u’ товуши, масалан: *guan, gu, gong*, изох: ‘u’ товуши ‘ng’дан олдин келганда ‘o’ тарзида ёзилади) ‘合口呼’ *hékǒuhū* дейилади, акс ҳолда ‘开口呼’ *kāikǒuhū* деб юритилади (开口呼 *kāikǒuhū* хитой фонетикаси бўйича очик оғиз қофияси, очик унлиларнинг тўрт даражасидан биринчиси. Таркибида бўғин ҳосил килувчи сифатида ‘i’, ‘u’, ‘ü’ товушларини олмайди. Масалан, *lan, ge* ). ‘等’ ‘даража’ унлиларни талаффуз қилаётганда оғиз бўшлиғида резонанс, яъни овознинг баланд ёки паст эшитилишига қараб таснифланиши: тил орқа, оғиз очилиши катта, резонанс баланд бўлса, даража ўрни баланд, акс ҳолда даража ўрни ҳам паст бўлади. Сонг ва Юан сулолалари даври олимлари ва Минг ва Чинг сулолалари даври олимларнинг 等呼 *děnghū* тушунчасига қарашлари турлича бўлган. Қиёсий айтганда Сонг ва Юан даври олимлари 等 *děng*ни ўрганиб,

талаффуз жараёнида оғиз бўшлиғида резонанснинг баланд-пастлигига қараб товушнинг даража ўрнини аниқлашган бўлса, Минг ва Чинг даври олимлари 呼 *hū* бўйича текширув олиб бориб, талаффуз жараёнида оғиз ва лабнинг шакли ҳамда ҳолатига қараб товушнинг талаффузини таҳлил қилишган<sup>1</sup>.

Сонг ва Юан сулолалари даврида 韵图 *yùntú* юнму (қофия) жадвалларида юнму бошида ‘i’ товушининг бор йўқлиги ва унлиларнинг йўғон ёки ингичкалигига қараб икки “ху”ни тўрт “дэнг”га ажратишган: биринчи, иккинчи “дэнг”, яъни даража юнму бошида ‘i’ товуши йўқ бўғинлар, учинчи тўртинчи “дэнг”, яъни даража ‘i’ товуши бор бўғинлар: биринчи даража жаранглилиги энг юқори даражада, иккинчи даража ундан кейин, учинчи даража жаранглиги паст, тўртинчи даражада жаранглилик энг паст бўлган. Минг ва Чинг сулолалари даврига бориб тилдаги фонетик ўзгаришлар сабаб, тўрт даража оғзаки нутқда фарқланмай қолди, шунда “дэнг”нинг “ху”га ўзгариши ҳолати бошланди. Чинг даврида Пан Лэй 《类音》 асарида оғиз ва лаб шаклининг талаффуз жараёнидаги ҳолатига янада чуқурроқ эътибор қаратади. Уларни оғиз очик, чўзиқ очилган оғиз, ёпиқ оғиз, йиғилган оғиз каби тўрт турни ажратади ва ‘四呼’ унлиларнинг очиклигининг тўрт даражасини аниқ кўрсатиб ўтган. Ва бу номдан бугунга қадар фойдаланилади. Сонг Юан ва Минг Чинг даврларидаги ‘等呼’ тушунчаларида фарқ бўлиши билан бирга диахрон боғлиқлик ҳам мавжуд. Умумий қилиб айтганда Сонг, Юан даврининг очик оғиз биринчи ва иккинчи даражалари Минг ва Чинг даврларининг очик оғиз талаффузига, учинчи ва тўртинчи даражалари чўзиқ очилган оғиз талаффузларига ўзгарган, Сонг ва Чинг сулолалари давридаги Минг ва Чинг даврларидаги ёпиқ оғиз биринчи ва иккинчи даражалари Минг ва Чинг сулолалари давридаги ёпиқ оғиз ва учинчи тўртинчи даражалар йиғилган оғиз ҳолатлари сифатида ўзгарган.

Бу даврга хос терминлардан яна бири 等韵学 (等韵) *děngyùnxué* (*děngyùn*) бўлиб, фонологияда товушга таяниб иероглиф бўғин таркибини таҳлил этувчи, талаффуз қоидаларини тавсифловчи илм. 等韵学 юнмулар

<sup>1</sup> 王凤主编. 简明语文知识辞典. -湖北: 湖北人民出版社, 1982.

жадвали оркали юнмуларга асосан яратилган китобларда қўлланган фанчие усулини ўрганишда фанчие оркали ифодаланган бўғинларни тўғри талаффуз қилишда ёрдам берган. У ‘字母’ *zìmǔ* воситасида шэнгмулар тизимини, ‘五音’ *wǔyīn* ва ‘七音’ *qīyīn* оркали шэнгмуларнинг талаффуз қилиш ўрни, ‘清浊’ *qīngzhuó* ёрдамида шэнгмуларнинг талаффуз қилиш усуллари, ‘等呼’ *dēnghū* воситасида юнмулар тизими ва ‘撮’ *shè* дан фойдаланиб юнмуларнинг таснифини ифодалаган, 韵图 *yùntú* юнму (қофия) жадваллари эса фанчие ифодалаган ўқиш қодаларини акс эттирган. Ушбу терминлардан ‘字母’ *zìmǔ* инициаль, бўғиннинг бош товуши; ‘五音’ *wǔyīn* бўғин бошида келадиган ундош товушларнинг беш даражаси (орка танглай, тил, ўпка, лаб, тиш); ‘七音’ *qīyīn* хитой тили шэнгмуларнинг етти тури (лаб, тил, тиш, олд тиш, бўғиз, тил ўрта, тиш ўрта); ‘清浊’ *qīngzhuó* жарангсиз ва жарангли товушлар; ‘撮’ *shè* асли маъноси ушламоқ; тартибга солмоқ бўлган ушбу сўз анъанавий хитой тилшунослигида фонетик термин сифатида ‘қофия жамловчи’ маъносини ифодалаган ва бир оҳанг доирасидаги қофия (юнму)ларнинг жамланишига нисбатан қўлланилган<sup>1</sup>. Масалан, 《广韵》“Туангюнь” луғатида 206 та қофия (юнму) 16 жамловчи гуруҳларга тақсимланган. ‘等’ концептига кўра иероглиф талаффузини таҳлил этиш 等韵学 *děngyùnxué*, қискача 等韵 *děngyùn* деб юритилади.

Фанчие санскритда бўғин бўлиниши асослари таъсирида шаклланган бўлса, фонологик китоблар *фанчие* таъсирида яратилди.

Шу билан бир каторда, ушбу даврда 韵头 *yùntóu*, 韵腹 *yùnfù*, 韵尾 *yùnwěi* терминлари ҳам фарқланган бўлиб, улар юнму (1) унли товуш; 2) қофия, финаль, иероглиф ўқилишида қофияланувчи қисми<sup>2</sup>)нинг таркибий қисмларини англатувчи терминлар ҳисобланади.

Чинг даври *сяосюэ*нинг олтин даври бўлган. Бу даврда ёзув, фонетика ва схоластика соҳаларида чуқур изланишлар олиб борилди<sup>3</sup>. 朱骏声 *Zhu Junsheng* (1788-1858) 《说文解字》 луғати

<sup>1</sup> Большой китайско-русский словарь. – М.: Наука, 1983.

<sup>2</sup> Большой китайско-русский словарь. – М.: Наука, 1983.

<sup>3</sup> 王力. 中国语言学史. -山西: 山西人民出版社, 1981年. 第109页

устида таджикот олиб бориб, ўзининг 《说文通训定声》 “Shuowen tongxun dingsheng” (1870) асарини яратди. Асар номига кўра уч қисм: биринчиси, 说文 *shuōwén*; иккинчиси, 通训 *tōngxùn*; учинчиси 定声 *dìngshēng*ни ўз ичига олган. 说文 *shuōwén* дейилганда, Сюй Шэннинг 《说文解字》 лугати назарда тутилган, бироқ унга муаллиф томонидан тўлдиришлар киритилган. Сю Шэн айтган 本义 *běnyì* (Zhu Junsheng томонидан 本训 *běnxùn* деб юритилади) китобнинг мазкур қисмида Жу Цзюнь ҳам иероглифнинг туб маъноси ҳақида ёзади. Олти хат туридаги тўрт хат: 象形 *xiàngxíng*, 指事 *zhǐshì*, 会意 *huìyì*, 形声 *xíngshēng*дан 象形、指事 турлари ‘文’ *wén* деб, 会意、形声 турлари эса ‘字’ *zì* деб аталади, айнан шундан 说文 *shuōwén* ёзув тавсифи ва 解字 *jiězì* иероглиф изохи келиб чиқади. Айрим ҳолларда ‘别义’ *biéyì* термини ҳам учраб, у “бошқа бир маъноси” деган маънони англатади. Ушбу китобда берилган айрим 别义 лар 《说文解字》 да мавжуд бўлмаган.

Китобнинг 通训 қисмида 转注 *zhuǎnzhu*、假借 *jiǎjiè* ҳақида сўз боради. Муаллиф 转注 *zhuǎnzhu* ва 假借 *jiǎjiè*га берган таърифлари Сюй Шэнниқидан фарқли эди. Сюй Шэннинг таърифига кўра:

“建类一首，同意相受，考老是也”；“本无其字，依声托事，令长是也。” яъни, “бошланишида бир турда ясаиб, мазмунни бир-биридан қабул қилган иероглифлар, 考 *kǎo* ва 老 *lǎo* сингари”；“аслида у иероглиф бўлмасдан, мазмун товуш (талаффуз)га асосланади, 令 *lìng* 长 *zhǎng* сўзлари каби” 令 *lìng* қадимда амалдор маъносини англатган, 长 эса икки хил ўқилишга эга бўлиб, ‘*cháng*’ тарзида талаффуз қилинганда асосий мазмун “узун” бўлиб, ‘*zhǎng*’ деб ўқилганда амалдор, бирор мансабдаги шахсни ифодалайди ва айнан шу талаффузига кўра 令 сўзи билан маънолари тенг ҳисобланади. Жу Цзюньшэнг куйидагича таъриф беради:

“转注者，体不改造，引意相受，令长也”；“假借者，本无其意，依声托字，朋来是也”。 Яъни “转注 туркумида шакл жихатдан қайта қурилмайди (ўзгарилмас), мазмуни ўзлаштирилади, 令长 сўзлари сўзлари каби”；“假借 туркуми, асли маъноси у бўлмай,

товуш (талаффуз)га кўра иероглифга кўчади, 朋 péng 来 lái сўзлари каби”. Жу Цзюньшэннинг изохиға кўра, 转注 бу 引申 yǎnshēn (сўз, иероглиф) нинг асл маъносидан келиб чиқадиган янги маъносидир, 假借 бир хил талаффуз орқали ўзлаштириш, иероглифлар такрори (Жу Цзюньшэн уни 重言形况字 chong yan xing kuangzi қайта талаффузда янги иероглиф ҳосил қилиш деб атаган), шунингдек, 连绵字 liánmián zì термини ҳам қўлланилиб, боғланган иероглифлар (Жу Цзюньшэн бунга нисбатан 连语 liányǔ боғланган сўзлар деб номлаган) ва атокли отлар ҳам ўз ичига олган.

定声 бўлими эса ёзувни қадимги фонологик хусусиятига кўра таснифлашга бағишланган. Муаллиф томонидан 声母 shēngmǔ термини ҳам асарнинг шу қисмига киритилган. Унга қадар ушбу термин ўрнида 声符 shēngfú сўзи қўлланилган.

Хитой тилшунослиги ўз тараққиёт босқичларида кузатилган иккинчи таъсир фаннинг барча соҳаларига кириб борган. Чинг сулоласи тугаб, озодликка эришгунга қадар Ғарб тилшунослигининг таъсири айниқса кучли бўлган. Афюн урушида мағлубиятга учрагандан кейин, қатор зиёлилар мамалакатни қутқариш учун ғоя янгилашиши керак, бунинг учун эса чет элни ўрганиш лозим деб ҳисоблашган. Бу каби сиёсий қарашлар илм-фанда ҳам акс эта бошлади ва Ғарб илми Хитойга “кўчириб” ўтказилди. Жумладан, тилшунослиқда ҳам Ғарб андозаси хитой тилунослигига кўчириб олиб кирилди<sup>1</sup>.

Қадимдан хитой олимлари айрим грамматик ҳодисаларга эътибор қаратишган. Масалан, 《说文》 да: “者, 别事词也” “zhě, bié shì cí yě”; “皆, 俱词也” “jiē, jù cí yě”; “曾, 词之舒也” “céng, cízhi shū yě”; “乃, 词之难也” “nǎi, cí zhī nán yě”; “尔, 词之必然也” “ěr, cí zhī bìrán yě”; “矣, 语已词也” “āi, yǔ yǐ cí yě” дейилади. 《说文》 да 词 cí бугунги кундаги 虚词 xūcí, яъни ёрдамчи сўз туркумлари тушунчасига тўғри келади. 《说文》: “词, 意内而言外也” cí, yì nèi ér yán wài yě “ци (сўз), мазмунни ўзида мужассам этган, бироқ ян (муस्ताқил сўздан ташқари (бирлик)дир” дейилади. Мин даврида яшаган 刘淇 Liu Qíнинг 《助字辨略》 асарида ‘助字’ zhùzì яъни ‘кўмакчи сўз’ терминини ‘语助’ yǔzhù тарзида қўлланилган. Ёрдамчи сўзлар грамматик бирлик ҳисобланса-да, бу даврлардаги ёрдамчи сўзлар грамматик

пунктаи назардан ўрганилмаган, улар асосан лексик ва семантик ёки фонетик жihatдан тадқиқот объекти бўлган. Хитойга буддизм билан бирга муқаддас диний китоблар ва санскрит грамматик мсьёрлари ҳам кириб келган, бироқ санскрит грамматикасининг хитой тили грамматикасига таъсири сезиларли бўлмаган<sup>1</sup>.

Хитой тилида сўз туркумларига ажратиш масаласига ҳам қадимги хитой тилшунослигида тўхталиб ўтилган ўринлар бўлган Сонг сулоласи даврида сўзларни ‘动字’ dòngzì “ҳаракатни билдирувчи сўзлар” ва ‘静字’ jìngzì “ҳаракатсиз, тинч ҳолатни ифодаловчи сўзлар”га ажратилган, ‘动字’ dòngzì бугунги кундаги ‘动词’ dòngcí ‘фeyл’ ва ‘静字’ jìngzì эса ‘名词’ míngcí ‘от’га тўғри келади. Буларни хитой тили грамматикасининг илк куртаклари дейиш мумкин, бироқ у ҳам грамматиканинг тизимли тадқиқидан анча узоқда эди. Хитой тили грамматикаси бўйича 马建忠 Ma Jiànzhongнинг 《马氏文通》 «Mashiwentong» грамматикасини том маънодаги илк грамматик китоб дейиш мумкин<sup>2</sup>. Хитой тили грамматикаси бўйича тадқиқотларнинг илк даврини икки босқичга ажратиш мумкин: биринчи босқич, уйғониш даври 马建忠 Ma Jiànzhong, 杨树达 Янг Шуда, 黎锦熙 Ли Цзинси каби тилшунослар бу давр намоёндалари сифатида эътироф этилади. Иккинчи давр таарққиёт даври бўлиб, ушбу давр намоёндалари 王力 Ванг Ли, 吕叔湘 Люй Шусиян, 高名凯 Гао Мингкай бўлиб ҳисобланади.

Ма Цзянжонг морфологияни эмас, гап тузилиш усулларни ўрганишни асосий деб белгилаган эди. Ли Цзинсининг бу борада фикрлари ундан-да ошиб кетган. Унинг фикрича: агар алоҳида фақат сўз туркумларига бўлиниш ва шакл ўзгариши ҳақида гап кетадиган бўлса, Европа тилларининг ўзи ҳам турли давлат тилларида турлича фарқланади, хитой тили-ку бундан бутунлай мустасно. Шунинг учун “词类本位” сўз туркумларининг асос сифатида олинишидан воз кечиб, “句本位” гапга асосланган “文法” грамматикани яратди. Ли Цзинсининг хитой тилшунослиги ривожига қўшган энг катта ҳиссаси грамматик тадқиқоти учун байхуани объект сифатида олгани бўлди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup>王力. 中国语言学史. -山西: 山西人民出版社, 1981年. 第174页.

<sup>2</sup>“动” “ҳаракат килмок” ва 静 унинг антоними “тўхтамок” маъноларини аътлатган.

<sup>3</sup>王力. 中国语言学史. -山西: 山西人民出版社, 1981年. 第174页.

<sup>3</sup>王力. 中国语言学史. -山西: 山西人民出版社, 1981年. 第181页.

<sup>1</sup>王力. 中国语言学史. -山西: 山西人民出版社, 1981年. 第173页.



王力《中国语法学初探》“Хитой грамматикаси бўйича бошлангич тадқиқотлар” (1936), 《中国语法中的系词》“Хитой тили грамматикасида боғловчи (боғловчи феъл)” (1937) асарлари нашрдан чиқди. Биринчи асарда Ванг Ли хитой тили грамматикасининг ўрганилиши бўйича мулоҳазаларини билдириб, хитой тилига Ғарб тилларининг грамматик меъёрларини хитой тилига кўчириб ўтказилишига қарши фикрларини баён қилади. Иккинчи асарда эса муаллиф тилни диахрон таҳлил этади.

Ванг Ли грамматика бўйича қатор асарлар ёзган. Жумладан, 《中国现代汉语》“Хитойнинг замонавий хитой тили” (1943), 《中国语法理论》“Хитой грамматикаси назарияси” (1944), 《中国语法纲要》“Хитой грамматикаси асослари” (1946).

Муаллиф гапларни 叙述句 *xùshùjù* ‘дарак гап’, 描写句 *miáoxiějù* ‘тасвирловчи гап’, 判断句 *pànduànjù* ‘ажримловчи гаплар’ каби турларга ажратади. Синтаксисдаги ўзига хос структураларни: 能愿式 *néngyuàn shì* ‘истак шакли’, 使成式 *shǐchéng shì* ‘туғал шакл’, 处置式 *chǔzhì shì* ‘жойловчи; йўналишни белгиловчи шакл’, 被动式 *bèidòng shì* ‘мажхул шакл’, 递系式 *dìxì shì* ‘кетма-кет боғланиш’, 紧缩式 *jǐnsuō shì* ‘қисқартирувчи шакл’, 次品补语 *cìpǐn bùyǔ* ‘иккинчи даражали тўлиқловчи’, 末品补语 *mòpǐn bùyǔ* ‘туғалловчи тўлиқловчи бўлак’ каби турларга ажратади. Мазкур асарларда келтирилган фикрлар грамматик тадқиқотларга катта таъсир ўтказди.

高名凯 Gao Mingkaiнинг машҳур грамматик асарларидан бири 《汉语语法论》“Хитой тили грамматика назарияси” (1948) бўлиб, китоб ўз ичига “句法论” “синтаксис назарияси”, “范畴论” “категориялар назарияси”, “句型论” “гап шакли назарияси” деб номланган уч бобни қамраб олган. “句法论”да сўзлар ўртасидаги муносабат ёритилиб, унга кўра “规定” *guīdìng*, “引导” *yǐndǎo*, “对注” *duìzhù*, “并列” *bìngliè*, “联络” *liánluò* каби олти турга бўлинади. “句型论”эса “否定” *fǒudìng* “инкор”, “询问” *xúnwèn* “сўроқ”, “疑惑” *yíhuò* “ғумон”, “命令” *mìnglìng* “буйруқ”, “感叹” *gǎntàn* “ҳис-ҳаяжон” каби беш турга бўлинади. Ванг Ли кўплаб 双音词 *shuāngyīncí* икки бўғинли сўзларни “仿语” *lǎoyǔ* (词组) “сўз бирикмаси” деб

птагани енгил оҳангни фарқламагани сабаб юзага келган бу ундаги камчиликлардан бири.

Ушбу даврда грамматика бўйича яратилган адабиётларнинг номларидан келиб чиқиб ҳам 1944 йил Ванг Ли муаллифлигида яратилган 《中国语法理论》“Хитой грамматикаси назарияси” асарига қадар хитой тилида “грамматика” “语法” *yǔfǎ* термини орқали эмас, “文法” *wénfǎ* термини орқали ифодаланганлигига тўғрив бўлиш мумкин.

Хитой тилшунослик терминлари луғатлари. Хитойда тилшунослик терминлари луғати ХХ асрнинг 60-йилларида бир тилли ва икки тилли шаклларда нашр этилган бўлиб, улар: 《语言学名词解释》 *Yǔyánxue míngcí jiěshì* “Тилшунослик терминлари изоҳи” бир тилли изоҳли луғат, 565 та хитой тилшунослиги соҳасига оид терминларни жамлаган; 《俄·汉·汉·俄对照：语言学名词》 *E-han, han-e duizhao: yǔyánxue míngcí* “Тилшунослик терминлари: русча-хитойча, хитойча-русча чоғиш-тирма” умумий ҳисобда 6709 та сўзни жамлаган икки тилли луғат ҳисобланади. Мазкур лексикографик асарнинг изоҳли луғат шаклида нашр этилган шакли хитой тилшунослиги ҳамда умумий тилшуносликка хос атамаларнинг изоҳини беради, бироқ асар қадимги хитой тилшунослиги терминларини етарли даражада жамламаган, бундан ташқари луғат нашр этилгандан буён ўтган ярим асрлик вақт давомида хитой тилшунослигида юзага келган кўплаб терминлар, табиийки, ушбу лексикографик асардан ўрин олмаган. Луғатнинг иккин тилли нашрига тўхталиб ўтадиган бўлсак, айтиш мумкинки, хитой ва рус тилларидаги эквивалентлар мутаносиб танланган, бироқ юқорида айтиб ўтилганидек камчиликлардан ташқари, ушбу луғатда хитой тилига хос бўлмаган тил ҳодисаларини ҳамда тушунчаларни ифодаловчи терминларга кўпроқ аҳамият берилганлиги, луғатнинг айнан хитой тили бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар учун катта аҳамият касб этмаслигига сабаб бўлади. Бундан ташқари, 2002 йилда Пекинда *David Crystal*нинг “A dictionary of Linguistics and Phonetics” луғати хитой тилига таржима қилган ҳолда нашр этилган. Луғатда асосий луғат мақолалари 1400 терминга изоҳни ўзида акс эттирса, уларга изоҳ бериш учун қўлланилган тер-

минлар билан умумий ҳисоблаганда луғатда 4000га яқин термин жамланган. Луғат инглиз тилидан таржима ҳисобланганлиги сабаб, айнан хитой тилшунослигига, хусусан, хитой тили фонетикаси, ёзуви ва айрим ўзига хос грамматик хусусиятларига боғлиқ бўлган терминлар унга киритилмаган. Шунга қарамайдан, луғат 20-асрда шиддат билан ривожланаётган тилшунослик соҳаларида қўлланаётган терминларни хитой тилига таржимасини бергани ишнинг диққатга сазовор нуқтаси ҳисобланади. Хитой тилшунослик терминларининг ўзбек тилига таржимаси масаласида тўхталадиган бўлсак, 1993 тилда ТДШИ Хитой филологияси кафедрасида М.Т.Каунбаев муаллифлигида “Хитойча-ўзбекча лингвистик атамалар луғати” яратилган. Ушбу кичик лексикографик асар, лингвистик терминларнинг хитойчадан ўзбекчага таржимасини жамлаган илк лексикографик асар бўлганлиги сабаб, айрим камчиликлардан холи эмас. Бундай камчиликлар, терминлар таржимаси жараёнида хитой тилида икки хил тушунчани ифодаловчи терминларнинг ўзбек тилига таржимаси бир термин воситасида берилиши, ёки айрим таржималардаги бироз хатоликлар кузатилиши ҳолатлари мавжуд. Масалан, 鼻辅音 *bifuyin* ва 鼻音 *biyin* терминлари бирдек “бурун говуши” тарзида таржима қилинган. Ёки, 历史语音学 *Lishi yuyinxue* “тарихий фонетика” тарзида таржима қилинган, ваҳоланки, бу ўринда “тарихий фонология” термини кўпроқ мос келган бўлар эди. Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда тел суратда ривожланаётган Ўзбекистон-Хитой муносабатлари, юртимизда хитойшунослик соҳаси тараққиётига бўлган эҳтиёж, қолаверса, бутун дунё, жумладан, ўзбек ва хитой тилшунослиги тараққиёти, соҳага оид янги тушунча ҳамда терминларнинг юзага келиши, “хитойча-ўзбекча тилшунослик терминлари” луғатини ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Хитой тилининг дунёнинг бошқа тилларидан кескин фарқ қилувчи кўплаб хусусиятлари, бевосита соҳага оид кўплаб терминларнинг бошқа тилларда учрамайдиган хусусиятларни акс эттириши луғатни изоҳли луғат тарзида шакллантириш мақбул бўлишини кўрсатди. Ва “ЁА 1–13 Шарқ тиллари икки тилли луғатларининг лексикографик тадқиқотлари” лойиҳа доирасида “Хитойча-ўзбекча тилшунослик терминлари изоҳли луғати” бўйича иш

олиб борилди. Луғат ҳозирда 900га яқин тилшунослик соҳасига оид терминларни ўзида жамлаган бўлиб, терминлар факат замонавий хитой тилшунослигигагина тегишли бўлмай, ундан кўплаб анъанавий хитой тилшунослиги соҳасида қўлланилган терминлар ҳам ўрин олган. Терминлар *pinyin* алифбоси тартибида жойланган бўлиб, бунда уларнинг нафақат ўзбек тилига таржимаси, балки изоҳи ҳам келтирилади.

### Мумтоз хитой тилшунослиги тарихидан

Хитой лексикографияси ва хитой тилшунослигининг ибтидоси Чин (мил.ав. 221-207 йй.) ва Хан (мил.ав. 206- милодий 220 йй.) сулоалари ва энг аввало биринчи император Чин Шихуанг ҳукмронлиги (мил.ав. 221-210 йй.) даврига оид деб ҳисобланади. Чин Шихуанг даврида илк бора хитой иероглифларини ёзиш ва қўллашнинг ягона қоидаларини ишлаб чиқиш муаммоси юзага чиқди.

Хан сулоласи даврида шархий адабиётларни тузиш давом этиб, кўпгина олимлар “кичик сўзларнинг катта маънолари” проблематикаси, яъни герменевтикага томон ўтиб борувчи семантика билан шуғулланадилар.

Шу чоқда Чин ва Хан сулолари даври оралигида (мил. ав. III аср, бошка саналаштириш бўйича мил. ав. аср II ва хатто мил.ав. IVаср) машхур лексикографик ишлардан энг қадимийси бўлмиш “尔雅” *ěrǎ* – “Еря” луғати яратилади. Луғат авлоддан авлодга ўтиб янада тўлдириб борилган. Фарбий Хан сулоласи (мил.а. 206-милодий 8 й) ҳукмронлигининг дастлабки йилларига келиб олимлар томонидан тартибга солиниб ишлов берилган. Бан Гунинг (32-92 йй.) “Ханнома” (汉书 *Hànshū*) асарида унинг номи қайд этилган. Танг сулоласи (618-907 йй.) даврида “муқаддас китоблар бўлими” (经部 *Jīngbù*) га киритилгач, “Еря” конфусийчиликнинг муқаддас китобларидан бирига айланади ва “Ўн уч муқаддас китоб” (十三经 *shí sān jīng*) да ўн иккинчи тартибда жойлашади. У қадимги кўлёмалар ва мумтоз асарларни ўқишда жуда қимматли қадимий луғатдир.

Машхур қадимий луғатлардан иккинчиси “方言” *fāngyán* – “Фангян” луғати бўлиб, луғат муаллифи Ян Сюн ҳисобланади. “Фангян” луғати ҳам хитой тилининг мукамал луғати ҳисобланиб, унда 19 та тематик бўлимлар мавжуд. Муаллиф худудлар

бўйлаб кенг тарқалган синонимик сўз-иероглифлар ҳақида маълумот жамлаб, бу билан анча жиддий тадқиқотлар олиб боради.

Эрамининг I асрида Сюй Шен энг машхур ва ҳозирга қадар кенг мурожаат қилинадиган хитой луғатларидан бири “说文解字” *shuōwén jiězì* – “Шуовен жиези” (“Содда ва мураккаб иероглифлар изохи”) луғатини яратади. Мазкур луғат ўша даврнинг лексикография, лексик семантика ва иероглифика тадқиқотлари бўйича аҳамиятли катта иш ҳисобланган. Бу луғатга 9353 та иероглиф жамланган бўлиб, муаллиф 540 та “енг оддий” сени 部 *bù* калит сифатида танлаб олади. Луғатда илк бора ҳозирга қадар кенг фойдаланиладиган калитлар тизими қўлланилади.

“Шуовен жиези” луғатида грамматикага оид айрим маълумотлар ҳам келтирилади. Масалан: “бўш” сўзларни муаллиф 词 *cí* деб номлаб, уларга алоҳида олмош ва умумлаштирувчи равишларни киритади.

Ҳозирга қадар ўз долзарблигини йўқотмай келаётган хитой иероглифларини туркумларга ажратиб таснифлаш Сюй Шенга тегишли. У иероглифларнинг олти туркумини кўрсатади:

1. *xiànxīngzì* – Тасвирий-расм туркуми.
2. *zǎixì* – Кўрсаткич туркуми.
3. *xuīyìzì* – Маънавий бирлашиш туркуми.
4. *zūyǎnwì* – Шаклан ўзгарувчи туркум.
5. *jiējiēzì* – Ўзлаштирувчи туркум.
6. *xīngshēngzì* – Расм-талаффуз туркуми.

“Шуовен жиези”да мавжуд сингари иероглифларни туркумлар бўйича таснифлашни тарихчи Бан Гу ўзининг “Ханнома” асарида ва Жен Жонг “Жоу маросимлари” илмий асарида таклиф этган.

Эрамининг II асрида “释名” *shìmíng* – “Исмлар шарҳи” этимологик асари дунё юзини кўради.

Лианг сулоласи (502-557 йй.) даврида сарой шоири Жоу Сингси томонидан минг нафар қайтарилмас иероглифлардан ташкил топган “千字文” *qiānzìwén* – “Мингсўзлик” шеърини матни гузилади. Бу энциклопедия ва ўқув қўлланмаси вази-фасини бажаради ва ўзидан илгари мавжуд бўлган меъерий ўқув иероглифик рўйхати ўрнини эгаллайди.

Тил тадқиқоти Танг ва Сонг сулолалари даврида аҳамиятли даражада тараккий топади. Бу асосан мажбурий мактаб таълими ҳамда қоғозларни ўраб тахлашдан жузлаб тикишга ўтиш ва

хаккокликнинг таркалиши билан боғлиқ бўлади. Мамлакатда 类书 *лэйшй* қисқа энтсиклопедик маълумотномалар, турли даражадаги амалдорлар томонидан тузилган 笔记 *бйжй* кайдномалар, шунингдек, тил ҳақидаги маълумотлар кенг тарқалади.

Кейинги “百家姓” *бэйжйхйнг* – “Юз уруғ номлари” муқаддас ўқув матни Шимолий Сонг сулоласи (960-1127 йй.) даврида яратилади. У ҳам шеърый шаклда ёзилган бўлиб, уруғчилик номлари рўйхатларини ўзида аке этади. Жанубий Сонг сулоласи (1127-1179 йй.) даврида Ванг Ёйнглинг (1223-1296 йй.) томонидан янада қискарок “三字经” *сэйзэйжйнг* – “Учсўзлик” қофияланган ўқув матни тузилади. Шу тариқа, XX асрга қадар “бошлангич” ва “ўрта” таълимда қўлланилиб келган иероглифик рўйхат тизими шаклланади.

1615 йили 33179 нафар белгидан иборат “字汇” *зйхуй* “Иероглифлар тўплами” чоп этилиб, 214 та калит ажратиб олинади.

Тил ва гуманитар фанлар соҳасида фаол хомийликларни манжур императорлари Кангси (1662-1723 йй.) ва Чянлонг (1736-1796 йй.) кўрсатадилар. Натижада луғатшунослик фаолиятининг янги гуллаб-яшнаш даври XVII-XIX асрга тўғри келади. Бу даврда 47035 та белги жамланган “康熙字典” *кэйнгхй зйдиён* – “Кангси луғати” (1716 й., император исми билан номланади, луғат устида жамоавий ишни Жанг Юйшу бошқаради) ва “Қўшма сўз ва жуфт сўз бирикмалари луғати” (1719 й.) яратилади.

*Эргашева Камола  
тадқиқотчи*

## ТАМИЛ ТИЛИГА ОИД ЛУҒАТЛАР

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий кадриятларимиз тикланиши билан, ҳукуматимиз хорижий тилларни ўрганишга кенг йўл очиб берди. Эндиликда юртимизда ғарб тиллари билан бир қаторда, шарқ тилларини ҳам ўрганишга кенгроқ имкониятлар очилмоқда. “Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. ...Бугун жаҳон ҳамжамятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжихатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини

кураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”<sup>1</sup>.

Булардан кўринадики, хиндий ва урду тилларини, шу билан бирга тамил тилини ўрганиш ва улар бўйича илмий ишлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, Президентимиз И.А.Каримовнинг Ҳиндистонга бир неча марта қилган расмий сафарида сўнг икки давлат ўртасидаги кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва илмий алоқалар бу тилларни ўрганиш зарурлигини кун тартибига қўйди. Бу каби ҳар томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашда Президентимиз таъкидлаганларидек, ёш авлоднинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон ёшлари ўзларига яратилаётган бундай шарт-шароитлардан етарлича фойдалана олаётганликлари қувонарли ҳолдир. Хусусан, тамилча-ўзбекча, ўзбекча-тамилча луғатни нашр эттириш орқали Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларнинг ривожланишига оз бўлса-да, ҳиссамизни қўшиш учун интиламиз.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида сўнгги йигирма йил мобайнида шарқдаги тарихий, адабий ва илмий жараённи яхлит, тизимли ўрганишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар (хиндий, урду, япон, хитой, араб, форс, турк, корейс ва бошқа тилларда) амалга оширилди. Бундай тадқиқотларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз учун жаҳоннинг тарихий ва замонавий тажрибаларидан кенгрок фойдаланиш имкониятларини очди.

Айни пайтда Жанубий Осиё тилларини, Ўзбекистонда ҳанузгача илмий муомалага кирмаган дравид тилларини ўрганиш ва мазкур тиллар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, шунингдек, шарқ тиллари бўйича луғатлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмокда. Хусусан, тамил тилининг лингвистик ва экстралингвистик жиҳатларини ўрганиш ва татбиқ қилишда асосий қўлланмалардан бири тамилча-ўзбекча, ўзбекча-тамилча луғатни нашр эттириш бизнинг олдимиздаги энг долзарб масаладир.

Ҳинд, инглиз ва рус дравидшунос олимлари дравид тиллари оиласига мансуб тиллар, хусусан тамил тилига оид турли луғатлар тайёрлашни XVIII - XIX асрларда кенгрок олиб бордилар.

<sup>1</sup> Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997, – Б. 8-9

Улардан биринчилардан тамилча-португалча луғатни тилга олиш мумкин. Бу луғат 1679 йилда хинд тиллари орасида биринчилардан бўлиб нашр қилинган. Ундан сўнг европалик олимлар томонидан бирин – кетин 1742 йилда Бесчи тамил-лотин луғатини яқунлайди. Тахминан 1744 йилда тамилча-французча луғат, 1786 йилга келиб тамилча-инглизча луғат нашр қилинади. XIX асрга келиб инглиз олимлари томонидан ўнлаб тамил-инглизча луғатлар нашр қилинади. Жохан Филип Фабрициус (Johann Philipp Fabricius) томонидан яратилган тамилча-инглизча луғат анча танилади. Тамилча-инглизча луғатлардан 1936-1939 йилларда яратилган Tamil Lexicon 6 томли луғат анча машхур. Шу билан бирга рус олимларидан М.С.Андронов, С.Г.Рудинлар томонидан яратилган луғат “Русско-тамилский словарь” ҳамда “Тамилско-русский словарь”лар танилган. Бундан ташқари тамил ва хинд тилларига оид луғатлар яратилган. Ҳозирги кунда бса, кундан кунга янги луғатлар нашр қилинмоқда.

Генеалогик жиҳатдан ёндошганда, тамил тили аъзо бўлган дравид тиллари гуруҳи дунё микёсида алоҳида тил оиласини ташкил этиб, ҳозирги даврда Жанубий Осиё минтақаси худудларида тарқалган. Бу ердаги барча тиллар, умуман олганда, тўртта тил оилаларига мансубдир: Ҳинд-Оврупа, Дравид, Австралия – Осиё ва Хитой - тибет ёки тибет-бирман. Булардан дравид тиллари оиласи гуруҳига 25 тил<sup>1</sup> мансуб бўлиб, уларда сўзлашувчилар Жанубий Осиё минтақаси аҳолисининг 20 - 25%ини ташкил қилади. Ҳиндистонда хинд-орий тилларидан кейинги ўринда туради ва 200 млн.дан ортиқ киши бу тилларда гаплашади.

Тамил тили Ҳиндистон конституциясида 22 расмий тилдан бири сифатида тан олинган. Тамил тилида сўзлашувчиларнинг 92%и Жанубий Ҳиндистоннинг Тамилнаду штатида яшайди ва тамил мана шу штатнинг расмий тили (1961) ҳисобланади.

Интернет саҳифаларидан олинган маълумотларга кўра, бутун тамил халқининг 58,6 млн.ни Ҳиндистонда, 3 млн Шри - Ланкада, 275 минг - Малайзияда, 250 минг Жанубий Африка Республикасида, 190 мингдан ортиқ - Сингапурда, шунингдек Германия, Маврикий, Нидерландия, Фижи, АҚШ, Б.Британия, Канада, Вьетнамда яшайди. Ҳаммаси бўлиб 69 млн.дан ортиқ киши тамил

<sup>1</sup> Андронов М.С., Сравнительная грамматика дравидийских языков, М., 1978, -С.3.

тилида сўзлашса, ундан 62 млн.ни она тили сифатида билади. Булардан Ҳиндистон, Шри-Ланка, Малайзия ва Сингапурда расмий тил сифатида тан олинган.

Жадвал: 1

| Ҳиндистондаги энг кенг юритиладиган тиллар |   |   |  |                         |
|--|---|---|--|-------------------------|
| 2001 йил маълумотларига кўра               |   |   |  |                         |
| (аҳоли сони 1,004.59 млн киши)             |   |   |  |                         |
| Ўр-<br>ни                                  | Тил   | Худуди  | Аҳоли-<br>нинг<br>умумий<br>сонига<br>нисба-<br>тан<br>% | Сўзлашув-<br>чилар сони |
| 1  | <u>Ҳиндий ва</u><br><u>унинг</u><br><u>диалектлар</u><br><u>и</u> | Шимолий Ҳиндистон   | 41.03 %  | 422,048,642             |
| 2  | Бенгали   | Ғарбий Бенгалия, Ассам,<br>Джаркханд, Трипура                                 | 8,11 %   | 83,369,769              |
| 3  | Телугу  | Андхра-Прадеш, Карнатака,<br>Тамил-Наду, Махараштра,<br>Орисса                | 7.37 %   | 74.002,856              |
| 4  | Маратхи   | Махараштра, Карнатака,<br>Мадхья-Прадеш, Гуджарат,<br>Андхра-Прадеш, Гоа      | 6,99 %   | 71,936,894              |
| 5  | <u>Тамил</u>  | Тамил-Наду, Карнатака,<br>Пондишери, Андхра-<br>Прадеш, Керала,<br>Махараштра | 5,91 %   | 60,793,814              |
| 6  | Урду  | Джамму ва Кашмир, Андхра-<br>Прадеш, Дехли, Бихар, Уттар-<br>Прадеш           | 5.01 %   | 51,536,111              |

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, 2001 йил маълумотларига кўра, Ҳиндистонда аҳоли сони 1,004.59 млн кишига етган. Тамил тили Ҳиндистоннинг Тамилнаду штатидан ташқари Карнатака, Пондишери, Андхра-Прадеш, Керала, Махараштра



штатларида ҳам гаплашилади. Ҳиндистонда тамил тилида гаплашувчиларнинг сони, умумий аҳоли сонига нисбатан олинганда 5.91%ни ташкил қилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш мумкинки, мамлакатдаги 22 расмий тиллар ичида тамил тилида гаплашувчилар сони бешинчи ўринни эгаллайди. Бундай маълумотлар тамил тилнинг аҳамиятини янада оширади.

Ўша маълумотларга кўра, тамил тили Ҳиндистоннинг ўн бир штатидаги мактаб ва олий ўқув юртлирида ўқитилади: 26979та бошланғич мактабда, 5875та тўлиқ бўлмаган ўрта, 2136 та ўрта мактаб ва 13 та юкори-ўрта мактабларда 5тадан ортиқ университетларда ўқитилади. Ҳар йили 900дан ортиқ китоб тамил тилида нашр этилади. 5000 мингдан ортиқ тиражда тамил тилидаги газеталар ҳар йили чоп этилади. Ҳар йили 1000га яқин турдаги ҳар кунлик, 2500дан ортиқ турдаги ҳар ҳафталик газеталар чоп этилади. Бутун Ҳиндистон радиоси ҳар икки ҳафтада 8та тилдаги журналларни нашр эттиради. Улардан бири Ченнайда босиб чиқариладиган – “Ваноли”(тамил тилида) журналидир.

Ҳозирги кунда тамил тили, адабиёти ва маданияти нафақат Ҳиндистон, ва хусусан Тамилнадуда, балки дунёнинг турли бурчакларида ўрганилади. Қадимий, бой адабиётга эга тамил тили хусусида кўп изланишлар олиб борилган ва ҳозирги кунда ҳам давом эттирилаяпти. Қуйидаги жадвалда бу жараёнда қатнашувчи илмий-ўқув марказлар кўрсатилган.

### Тамил тили, адабиёти ва маданиятини ўрганиш академиялари<sup>1</sup>

Жадвал: 2

|    | Тамилнаду   | Тамилнадудан ташқарида | Ҳиндистондан ташқарида        |
|----|-------------|------------------------|-------------------------------|
| 1. | Мадурай     | Дехли                  | Лондон(Б.Британия)            |
| 2. | Карандай    | Калькутта              | Берлин(Германия)              |
| 3. | Мадрас      | Мумбай                 | Париж(Франция)                |
| 4. | Тируппаттур | Бангалор               | Нью-Йорк(АҚШ, Бҳарати номида) |
| 5. |             | Керала                 | Чикаго(АҚШ)                   |
| 6. |             | Карнатака              | Сингапур                      |

<sup>1</sup> Handbook of Tamilnadu, Madras, 1995, -P.20.

|     |  |   |                                     |
|-----|--|---|-------------------------------------|
| 7.  |  | Шунингдек Ассам,<br>Жаипур,<br>Ражастхан,<br>Гужарат, Нагпур ва<br>Маҳараштра | Малайзия, Москва,<br>Санк-Петербург |
| 8.  |  |   | Таиланд                             |
| 9.  |  |   | Гонконг                             |
| 10. |  |   | Япония                              |

Ҳозирги тамил тили оғзаки шаклда ҳам ишлатилади: унда ёзув ва норматив грамматика йўқ, лекин шунга қарамай, тамил тилида гаплашиладиган барча худудларда тушунишади. Ҳозирги кунда замонавий оғзаки тил чегаралари янада кенгайиб борапти: кино, радио, театр ва бадиий асарларда. Адабиёт, матбуот ва барча ёзув ишлари адабий, классик тилда олиб борилади, ундаги норматив қоидалар XIII асрда тўлиқ мустақкамланган.

Тамил тилида диалектлар ҳам мавжуд, диалектларни худудий, жўғрофий ижтимоий жихатдан бўлиш мумкин. Рус дравидшунос олими М.С.Андроновнинг фикрига кўра, худудий тамил тили диалектлари ичида **шарқий** (Танжур округи, Тиручирапалли, Мадур округининг шимолий-шарқий қисми), **шимолий** (Мадрас шаҳри, Сенгалпат округи, Шимолий ва Жанубий Аркот) ва **ғарбий** (Коямабуттур округи, Нилгири, Селам) диалектлари бири-бирига анча яқин бўлса, **жанубий** (Тирунелвели округи, Рамнадпурам, Нанджилнад ва Мадур округининг жанубий-ғарбий қисми) диалекти бир томондан, иккинчи томондан **Шри Ланка диалекти** қарама-қарши туради. Адабий тил шарқий диалект асосида шаклланган, оғзаки тил ҳам шарқий диалект асосида шаклланган ва шимолий диалектга анча яқин туради. Бундан ташқари, тамил тили диалектлари орасида аҳолининг кўп қисми гаплашадиган **ижтимоий диалектлар** – **яъни умумий бўлган диалектлар** анча сезиларли ўринга эга: брахман кастаси соҳибларининг **брахман диалекти** ва бошқа паст каста аъзоларининг ижтимоий диалектлари.

Тамил тилининг луғат бойлиги ҳақида бироз тўхталадиган бўлсак, глобаллашув жараёнлари бошқа тиллар сингари тамил тилига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Янги кашфиётлар, янги ғоялар янги сўзларни талаб қилади. Шундай вазиятларда ёки

тилдан ташқаридаги сўзлар яъни от, сифат, феъл сўз туркумига оид сўзлар ёки эски сўзлар ўрнига янгиси кириб келади. Тамил тилида ҳам дин ва фалсафага тегишли сўзлар санскрит тилидан, иктисодий терминлар форс ва араб тилларидан, расмий терминлар инглиз тилидан олингани аён бўлади. Грамматик шакллардаги янгилликлар ҳозирги инглиз тиличалик унчалик кўп эмас, чунки тамил тили грамматикаси милав учинчи ёки тўртинчи асрларда ёзилган ва тамилларда эскиликни маъқуллаш хохиши жуда кучли бўлганлиги сабабли, янги грамматик шаклларнинг кириб келишига қарши тура олган.

Тамил тилидаги диалектлардан ташқари оғзаки ва ёзма адабий тил мавжуд бўлиб, сўзлар анча фарқ қилади.

Толкапшиар ўзининг буюк тарихий асари Толкапшиамда луғат сўзи учун ‘Uṟi-c-col’ сўзини қўллаган<sup>1</sup>. Ҳозирда эса луғат сўзи учун “Akaraazhi” Сўзи ишлатилади.

Л.Б.Шербанинг таъкидлашича, ўқув луғатлари шундай асосий сўзларни жамлаши керакки, у билан шуғуланган киши чет тилидаги матнни бемалол, тез ва мустақил тушуна олиши керак<sup>2</sup>.

Луғатлар турли хилдаги маъноларни ўзида жамлайди. Кўп луғатлар куйидаги турдаги сўзларни ўзида жамлайди<sup>3</sup>:

1. Ҳар қуни ишлатиладиган оддий сўзлар масалан: китоб, ўқимок ва бошқалар.

2. Расмий ишларда қўлланиладиган адабий сўзлар масалан: тарихий, адабиёт, қонуний ва бошқалар.

3. Техник сўзлар ген, пропорция каби.

4. Асосан оғзаки нутқда ишлатиладиган сўзлар gab and razz

5. Ёзма нутқда ишлатиладиган қадимийликни ифодалайдиган сўзлар: aweary, avaunt

6. Бугунги кунда ишлатилмайдиган лекин баъзи авторларнинг асарларида қўлланилган сўзлар plaister for plaster

7. Бошқа тиллардан кирган сўз ва иборалар, рус тилидан кирган тройка ва бошқалар

8. Идиомалар (адабий маъносидан фарқ қиладиган сўзлар гуруҳи) split hairs and under the thumb of.

<sup>1</sup> V. Thillainayagam, Dictionaries in Tamil – Heritage of the Tamils Language and Grammar, Madras, 1980, – P.444

<sup>2</sup> Л.Б.Шерба

<sup>3</sup> V. Thillainayagam, 1980, – P.444

## 9. Қискартмалар: NBU

## 10. Муҳим атокли номлар Жуно ва Юпитер

Бундан ташқари тематик сўзлар, қўшма сўзлар, терминологик сўзлар, ёрдамчи сўзлар, синоним ва антоним сўзлар ҳамда изоҳли луғатлар, шу билан бирга топишмоқ ва маталлар луғатлари ажратилади ва бу луғатларда ўқув луғатида берилган сўзлар қайтарилмади<sup>1</sup>. Бундан ташқари муштарак сўзлар луғати ва бошқаларни ажратиш мумкин.

Луғат тилдаги сўзларни қамраб олса-да, лекин тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган луғат яратилган эмас.

Умумий луғатлар ва махсус тематик луғатлар ажратилади. Умумий луғатлар кунлик ахборотни бериш учун қўлланилса, бошқа томондан махсус луғатлар терминлар, маълум вазиятларда қўлланиладиган адабиётга, лингвистикага ва бошқаларга тегишли сўзларни ўз ичига олади.

Тамилча-ўзбекча, ўзбекча-тамилча луғатни тайёрлашда куйидаги луғатлардан фойдаланилди:

1. Tamil Lexicon, I – VI, Madras, 1936-1939;
2. Tamil-Hindi-English Dictionary, New Delhi, 1991;
3. Tamil-Tamil-Ankilam (Dictionary of Contemporary Tamil-Tamil-English), Chennai, 2011;
4. TaRkaalat Tamil MarapuuttoTar Akaraati (Tamil-Tamil-Ankilam) –Dictionary of Idioms and Phrases in Contemporary Tamil (Tamil-Tamil-English), Chennai, 2004;
5. Андронов М.С., “Русско – тамильский словарь” М., 1965;
6. Андронов М.С., “Русско – тамильский словарь” М., 1989;
7. Winslow M., “A Comprehensive Tamil and English Dictionary” New Delhi-Madras, 1995;
8. “Tamizh – Tamizh – Rushya” (Tamil-Tamil-Russian), Chennai, 1986;
9. Е.И.Кедайтене, Р.Баскаран, В.И.Митрохина, Учебный русско-тамильский словарь, Москва, 1987;
10. Tamil-English and English-Tamil online dictionary / google.com

Луғатни тайёрлашда тамил адабий тилига оид луғатлардангина фойдаланилди. Луғат тамил тилини ўрганишни бошловчилар учун анча қулай бўлиб, тамил тилидаги кичик матн, ҳикоя, шунингдек, тамил тилидаги романларни ҳам қисман

<sup>1</sup> М.Х.Тохтоходжаева, Двухязычное учебное словари и принципы их составления, Т., 1980

тушунишга имкон беради. Бу луғат асосан БМИ, МД ва hozирда докторлик диссертациясини тайёрлаш жараёнидаги изланишлар асосида йиғилган сўзлар, шунингдек, луғатлардан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

*Ҳаджаева Нилофар*

*Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси*

## **ҲИНДИЙ ТИЛИ СЎЗ БОЙЛИГИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ**

Ҳиндистон Республикаси кўп миллатли мамалакатдир. Унинг аҳолиси турли тил ҳамда шеваларда гаплашади ва улардан 14таси асосий тил деб ҳисобланади. Ҳиндистон Республикасининг конституциясига мувофиқ уларга куйидаги тиллар киради: ҳиндий, банголий, маратҳий, гуҷаротий, панҷобий, ория, ассам, кашмирий, тамил, телугу, малаялам, каннара, урду ва санскрит.

Ҳиндистон тиллари асосан учта лингвистик оилага мансубдир – ҳинд-европа, дравид ва тибет-хитой. Ҳиндистон тилларининг катта қисми ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб бўлиб, унинг ҳинд тиллари тармоғига киради.

Ҳинд тилларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи узок қадимга бориб тақалади ва учта даврни ўз ичига олади: қадимги (эрамиздан аввалги 1500-500 йиллар), ўрта (эрамиздан аввалги 500-йилдан эрамизнинг X асригача), ҳамда янги (X асрдан бошлаб).

Бошланғич давр вакиллари каторига қадимги ҳинд тиллари киради ва уларнинг асосий ёдгорликлари бўлиб Ведалар ҳисобланади. Бу даврнинг энг қадимги адабий ёдгорлиги Ригведа бўлиб, унинг тили ҳинд тилларининг ибтидоси ва асоси бўлиб ҳисобланади.

Ригведа муқаддас диний қасидалар – мантралар тўпламидир. Дастлаб диний қасидалар - мантралар оғзаки ёд олинган. Ёзув пайдо бўлиши билан мантралар ёзма баён қилина бошланди. Олимларнинг тахминига кўра Ригведа эрамиздан аввалги X асрда яратилган. Ригведа тилини таҳлил қилишдан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўша пайтларда бир нечта шевалар мавжуд бўлган... «Шубҳасиз ведалар тили қачонлардир халқ тили бўлган, бироқ ўша қадим замонлардаёқ бу тилнинг шевага оид хусусиятлари мавжуд бўлган»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Минаев И. П. Очерк фонетики и морфологии языка пали. СРБ. 1872.

Ригведанинг асоси бўлиб адипракрит, яъни бошланғич пракрит ҳисобланади. «Пракрит» сўзи «табиий, табиатга оид» маъноларини англатади. Адипракрит қадимда ибтидоий жамиятда пайдо бўлган тилдир.

Жамиятнинг ривожланиши, ёзувнинг пайдо бўлиши билан грамматика мутахассислари қадимги тил бўлмиш ведалар тилининг назарияси ва грамматикасини яратиб устида иш олиб бордилар. Уларнинг ичида энг машхури Панини грамматикаси бўлиб, у эрамиздан аввалги V асрда ёзилган. Ведалар тилининг грамматик қоидаларга асосланган, ривожланган шаклини санскрит, яъни «тозаланган», «такомиллаштирилган» тил деб атай бошладилар. Аста-секин санскрит Ҳиндистон тарихининг қадимги, сўнгра ўрта даврида асосий тили бўлиб қолди ва у фан, адабиёт, фалсафа, маъориф соҳаларини қамраб олди. Санскрит зиёлилар ва ўқимишли кишилар тили ҳисобланарди. Оддий халқ сўзлашадиган тилни ундан фарқли ҳолда пракрит деб аташадиган бўлди. Маълум муддат давомида бу иккала тил ёнма-ён ривожлана борди. Бироқ маълум вақтдан сўнг пракритлар, яъни халқ тиллари адабиётга ҳам кириб кела бошладилар. Жумладан, қадимги Ҳиндистоннинг машхур шоири Калидасанинг асарларидан пракритларнинг жонли сўзлашув шакллари ўрин олган.

Пракритларнинг адабиётга кириб келиши билан ҳинд тиллари тарихининг қадимги даври тугаб ўрта босқичи бошланади.

Олимларнинг фикрича, бир нечта пракритлар мавжуд бўлган ва улардан учтаси асосий деб ҳисобланган. Улар шоурасений-пракрит, магадҳий-пракрит, махараштрий-пракритлардир: Ҳар бир пракрит ўзи кенг тарқалган географик ҳудуд номи билан боғланган. Шоурасений-пракрит Саораштр ҳудудининг (ҳозирги Уттар Прадеш штати) тили бўлган, шунингдек, магадҳий-пракрит Магадҳа ҳудудида (ҳозирги жанубий Бихар), махараштрий пракрит - ҳозирги Ҳайдаробод ҳудудида (Декан ясси тоғлигининг ғарбий қисми) муомалада ишлатилган. Улардан энг кўп ёйилгани махараштрий пракрит эди. Бу уччала асосий пракритлардан ташқари улардан ҳосил бўлган қўшимча пракритлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири ардхамагадҳий пракритдир. У шоурасений ва магадҳийлар аралашмасидан ҳосил бўлган пракритдир. Бу тилда Бихар ва Бангол штатларининг чегара ҳудудларида яшовчи халқлар сўзлашар эдилар.

Ўша пайтларда пракритларнинг яна бир шакли мавжуд бўлиб, у лингвистик адабиётларда пали номи билан машҳурдир. Таниқли ҳинд лингвисти Дҳирендра Варманинг тахминига кўра палининг асоси шоурасений-пракритдир. «Бу даврнинг адабий тили - пали эҳтимол шоурасенийнинг бирор қадимги шаклидан пайдо бўлгандир»<sup>1</sup>.

Палини ўрганиб уни тасвишлаб берган рус ҳиндшуноси И.П.Минаевнинг фикрича, пали магадҳий тилига яқин бўлиб, ундан фонетикаси билан фаркланади. И.П.Минаевнинг таъкидлашича, пали тилининг ёйилиши янги дин - буддизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқдир. «Бу тилда ёзилган биринчи ёдгорлик - будда динига мансубдир»<sup>2</sup>.

Худди санскрит браҳманлар тили бўлиб ҳисобланганидек, пали буддизм роҳибларининг тили бўлиб хизмат қилган.<sup>3</sup> Рус ҳиндшуносининг фикрича, пали санскритдан келиб чикмаган. «Пали, пракрит лаҳжаларига ўхшаш, орийлар тили шакллариининг бири бўлиб, у санскритга яқин қардошдир, бироқ ундан келиб чикмаган».<sup>4</sup> Шундай бўлса-да, И.П.Минаев пали «санскрит таъсирига берилган»лигини инкор этмайди.

Пракритларнинг адабиётга кириб келиши билан уларнинг ривожланиши сустлаша борди, улар халқ тилидан ажралиб бораётгандек эдилар. Халқ тиллари эса ривожланиб борди ва табиийки, адабий тилдан фарқ қила бошлади. Апабҳраншалар ривожланиб бораётган оғзаки нутқ тиллари эди. Ҳар бир пракрит ўз апабҳраншасига эга эди: магадҳий-пракрит - магадҳий-апабҳранша, шоурасений - пракрит - шоурасений-апабҳранша, маҳараштрий-пракрит - маҳараштрий-апабҳранша ва ҳоказо.

Апабҳраншалар энди ҳинд тилларининг ривожланишида янги босқич бўлиб қолдилар ва уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан ўрта давр ниҳоясига етди.

Апабҳраншаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши VI-X асрларга тўғри келади. XI асрдан янги давр бошланади ва бу янги ҳинд тиллари, яъни ҳозирги замон ҳинд тилларининг ривож-

<sup>1</sup> Dhirendra Varma. hindibhasha ka itibas. Allahabad 1962. 47 - bet.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар. - Б. 34.

<sup>3</sup> Кўрсатилган асар. - Б. 43.

<sup>4</sup> Кўрсатилган асар. - Б. 43.

ланиши даврибўлиб ҳисобланади. Янги ҳинд тилларида адабий асарлар XIII асрдаёқ юзага кела бошлаган.

Апабхраншанинг ҳар бир шакли ҳозирги замон янги ҳинд тилларининг пайдо бўлишига асос солди. Хусусан, шоурасений-апабхраншадан (уни яна «нагар» деб ҳам атайдилар) ҳозирги ҳиндий, ражастхоний, гужаротий, паҳарий каби тиллар юзага келди. Бихарий, банголий, ассам ва орийа тилларига магадхий-апабхранша асос бўлди, махараштрий-апабхраншадан маратхий тили пайдо бўлди ва ҳоказо.

Ҳиндий тили ғарбий ва шарқий турларга бўлинади. Ғарбий ҳиндий шоурасений-апабхраншадан, шарқий ҳиндий эса ардхамагадхий-апабхраншадан пайдо бўлган деб ҳисобланади. «Ҳиндий тили атамаси» деганда ғарбий ва шарқий ҳиндий шеваларининг гурухи назарда тутилади. Ғарбий ҳиндий тилининг асосий шеваларига кхари боли, браж, бангру, канноужий ва бунделий киради, шарқий ҳиндийга эса - авадхий, багхелий ва чаттисгархийлар киради.

Кхари боли адабий ҳиндий тилининг асосий шеваси бўлиб ҳисобланади. У XIII- XIV асрларда Ҳиндистонда мусулмонлар ҳукмронлиги даврида пайдо бўлди. Бу даврда Ҳиндистонда Махараштр, Синдх, Ғарбий Панжоб вилоятларидан то Бихар ва Банголиягача апабхраншалар ёйилган эди. Мусулмон ҳукмронларининг давлат тили форсий эди. Уларнинг асосий қисми форс, араб ёки турк тилида гаплашарди. Бироқ оддий халқ билан муомалада улар Дехли худудларида ёйилган шевалардан фойдаланишарди. (Дехли мусулмон ҳукмронларининг маъмурий маркази эди) ва табиийки, маҳаллий аҳоли билан мулоқотда ўз нутқларига форс, араб, турк ҳамда ҳиндий тили сўзларини аралаштириб сўзлашар эдилар. Бундай қоришма тил мусулмон ҳукмдорлари ва шимолий Ҳиндистоннинг маҳаллий аҳолиси ўртасида муомала воситаси бўлиб борди. Кейинчалик Дехлида муомалада бўлган шу шева кхари боли деб номлана бошланди.

Кхари боли дастлаб фақат оғзаки тил сифатида ишлатилар эди. Адабиётда уни биринчи бўлиб мусулмон шоирлари ишлата бошлашди ва улар араб ёзувини билганликлари учун ёзувда араб алифбосини қўллай бошладилар. Кхари болининг ана шу адабий шаклини урду деб аташади.



Вақт ўтиши билан қҳари боли шеvasи ҳинд шоир ва ёзувчиларининг асарларига ҳам кириб борди, улар эса ёзувда деванагари алифбосидан фойдаланар эдилар. Шу йўсинда қҳари боли ҳиндуларнинг адабий тили бўлиб қолди. Қҳари болининг бундай шакли қҳари боли ҳиндий, ёки оддий ҳолда ҳиндий тили номини олди<sup>1</sup>.

Ҳозирги пайтда ҳиндий тилида бутун шимолий Ҳиндистон бўйлаб тахминан 450 млн. киши гаплашади. Бу тилни Ҳиндистоннинг деярли барча ҳудудларида билишади ёки тушунишади. 1950 й. январдан ҳиндий Ҳиндистон Республикасининг давлат тили деб эълон қилинган.

Ҳиндий тилининг сўз бойлигини келиб чиқиши жиҳатидан таърифлаганда, бунда икки асосий гуруҳ мавжудлиги аниқланади. Булар, биринчидан, меърос сифатида олинган туб сўзлар ва иккинчидан, чет тиллардан кирган ўзлашма сўзлар.

Мерос сифатида олинган туб сўзлар генетик жиҳатдан ҳосил ҳинд-орий ва тағқатламли сўзларга бўлинади. Ҳинд-орий сўзлар бу қадимги обидаларда қайд этилган сўз ва морфема билан таққослаган ҳолда топилган ҳинд-оврупо тубига мансуб сўз ва морфемалар. Анъанавий ҳинд синфлаштиришга биноан буларни тадбҳава деб аталади. Тағқатламли ёки субстратли сўзлар қаторига санскрит тилидаги сўзликда ўзига айнан муқобил сўзлар бўлмаган ҳолда анъанавий тарзда уларни *деши* ёки *дешия* яъни «маҳаллий сўзлар» деб аталади.

Ҳиндий тилининг адабий шаклига мансуб ҳинд туб сўзларига келсак, буларни тарихий жиҳатдан ёндошганда қадимги даврлардан ўрта ҳинд давриди ўтган ва ҳозирги янги ҳинд-орий тиллар даврига етиб келган барча тиллар таркибига кирган сўзлар сифатида қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

Булардан биринчи уч гуруҳ ҳинд-орий қолганлари бошқа манбадаги сўзлардир:

Тадбҳава. Бу типдаги сўзлар узок давом этган товуш ўзгаришлари мобайнида пракрит ва апабҳаранша босқичларидан ўтиб келган ва ушбу тиллар таркибидаги асосий қисмини ташкил этган. Мумтоз ҳинд тилшунослигида барча ҳинд-орий тиллари санскритдан келиб чиққан деб тан олиншига қўра бу гуруҳ сўзлари «тадбҳава» яъни «ундан пайдо бўлган» деб аталадилар.

<sup>1</sup>Aulova R., Rahmatov B., Sodiqova M. Hindiy tili. – Toshkent: ToshDShI, 2009. 8-11 betlar.

Татсама. Санскрит тилидан бевосита адабий йўл орқали ўзлаштирилган ва асосан туб ўз тил сўзлари сингари қадимги имловий шаклини сақлаб қолган сўзлар бу гуруҳга кирадилар. Бундай сўзлардан фойдаланиш сўз ясалиши эҳтиёжлари ўсган сари турли тилларда турли миқдорда кузатилиб баъзиларда жуда ҳам кенг кўламда ривож топган. Шу жараёнда татсама (яъни «худди ўша» бошқача айтганда «санскритдек») сўзлари ҳозирги ҳинд-орий тилларидан фарқли ўлароқ санскрит тили фонетик ва баъзан грамматик қоидаларига бўйсундилар, жумладан, муаннас жинсга ҳо от ва сифатларда киёсий ва орттирма даража шаклларида кўлланади.

Ардхататсама. (яъни «ярим татсама»). Бу сўз гуруҳи мазкур икки гуруҳга нисбатан оралик ҳолатга эга бўлиб, бунга санскритдан чиқиб янги ҳинд-орий тиллар таъсири остида фонетик ва имловий жиҳатдан ўзгариб келган эски адабий ўзлашмалардан иборатдир.

Дешйя (яъни «маҳаллий», «ерли»). Булар асосан санскрит билан таққолаганда тил тизимига ёт бўлиб, баъзилари дравид ва мунда сарчашмаларидан, қолганлари эса келиб чиқиши номаълум бўлган сўзлардир. Миқдоран дешйялар луғатда бениҳоя камчиликни ташкил этадилар.

Араб-форс ўзлашмалари. Бу гуруҳ мелодий даврининг иккинчи минг йиллик дастлабки асрларида бошланган Марказий Осиё, Афғонистон ва Эрон билан шунингдек, VII-VIII асрларда узвий равишда Синд вилоятининг араб ихтилоси ва ислом таъсири натижасида юз берган тарихий алоқалар давомида ўзлаштирилган бирликлардан таркиб топган. Буларнинг миқдори айниқса, урду синдхй, сирайкий каби тилларда сезиларли даражада бўлиб, баъзан луғатнинг 70-80 % гача қисмини эгаллайди.

Оврупо ўзлашмалари. Бу гуруҳ таркибий жиҳатдан турли тиллар сўзларидан, хусусан, португал, голланд, инглиз тиллардан турли миқдорда ўзлаштирилган сўзлардан ташкил топиб XIX асрдан бошлаб инглиз тилининг ўсиб келаётган таъсири самарасидир. Ўша пайтда ривож топган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар билан барча ҳозирги ҳаётдаги саноат ва техника тараққиёти юксалиши ва инглиз тилининг ушбу минтақада байналминал тилга боргани учун уларнинг ўзлаштирилиши

кучайиб бормокда. Инглиз тили минтақа тилларига ҳалқаро ижтимоий-сиёсий ва илмий-техникавий терминологиянинг кириб келишида асосий восита вазифасини ҳам ўтаб келди<sup>1</sup>.

• Ҳиндий тилида қўлланиладиган сўзлар хилма хиллиги турли хил луғатларни тузилишини тақазо этади. Ҳозирги кунга қадар ҳиндча ўзбекча икки тилли луғатлар сони 3тани ташкил этади булар: Ш.Ахмедовнинг 1988 йилда нашр қилинган “Ҳиндийча-ўзбекча луғат”, О.Н.Шоматов ва бошқа муаллифлар томонидан 2002 йилда чоп этилган “Ҳиндийча-ўзбекча кичик луғат” ва Ш.Жалилованинг 2014 йилда нашр этилган “Hindiycha-o‘zbekcha etnografik atamalar lug‘ati” дир.

Юкорида келтирилган луғатлар:

- Ахмедов. Ш. Ҳиндийча – ўзбекча луғат. – Тошкент., 1988.
- Шоматов О.Н. ва бошқалар. Ҳиндийча-ўзбекча кичик луғат. – Колката, 2002.

Ҳиндий тили лексикасининг бошланғич поғонасини ташкил этади. Ушбу луғатлар лицей ва ОЎЮ 1 курс талабалари фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Jalilova Sh. Hindiycha-o‘zbekcha etnografik atamalar lug‘ati. – Toshkent, 2014.

Мазкур луғат биринчи ҳиндийча-ўзбекча этнографик луғат ҳисобланади. Ушбу луғатни тузишда В.М. Бескровныйнинг 1972 йилда нашр этилган икки томлик “Хинди-русский словарь” асосида тузилган. Этнографик атамалар луғатида баъзи сўзларнинг ҳамма маънолари келтирилмасдан фақат шу луғатга тегишлилари берилган. Луғат таркибида 2000дан ортик сўз ва сўз бирикмалари мавжуд.

Кўп йиллар давомида тайёрланиб келаётган илк ўзбекча-ҳиндча луғат нашр қилинди. Ушбу нашр асосий ва кўп қўлланиладиган сўзлардан ташкил топган. Ҳозирги кунгача ягона ўзбекча-ҳиндча луғат ҳисобланади.

• Shomatov O.N., Rahmatov B.R. O‘zbekcha-hindiycha lug‘at. 2015

Ҳозирги кунга қадар ўзбек ҳиндшунослигида юкорида келтирилган 4 та луғат мавжуд.

<sup>1</sup> Shomatov O., Rahmatov B., Hindiycha tili leksikologiyasi. – Toshkent: ToshDShI, 2009. 8-10-betlar.

Ҳиндий тили лексикографияси бўйича Россияда жуда кўп ишлар амалга оширилган. Илк бор 1957 йилда русча-ҳиндийча икки тилли луғат нашр қилинган.

- Русско-хинди словарь. Под.ред. В.М.Бескровного. – М., 1957

- Ульциферов О.Г., Сигорский А.А. Русско-хинди словарь устойчивых глагольно-именных словосочетаний. – М.:МГИМО (университет) 2002.

- Ульциферов О.Г. Современный русско-хинди словарь. – М.: Русский язык медиа. 2004.

Ҳозирги кунга келиб русча-ҳиндийча икки тиллик луғатлар сони 3 та.

Ҳиндийча-русча луғатларнинг энг мукаммали, ҳозирги давргача ўз қийматини сақлаб турган лексикографик асар В.М.Бескровныйнинг таҳрири остида чоп этилган ҳиндийча-русча луғатдир.

- Бескровный В.М. и другие. Хинди-русский словарь. В двух томах – М.: Советская энциклопедия, 1972.

Ушбу луғат нафақат сўз ва сўз бирикмаларини, балки мақол, матал ва ибораларни, сўзларнинг этимологияси, кўп маъноли сўзлар, тарихий-архаик сўзлар хатто, баъзи диалектлар таржимасини ҳам ўзида жамлаган.

Қуйида келтирилган луғатлар асосан махсус мавзуга йўналтирилган икки тиллик луғатлар ҳисобланади.

- Ульциферов О.Г. Хинди-русский и русско-хинди общезкономический и внешнеторговый словарь. – М. 1974.

- Солнцева Н.И., Ульциферов О.Г. Хинди-русский словарь общественно-политической лексики. – М., 1981

Ҳинд тилшунослигида фразеологизмлар тадқиқига бағишланган катор луғатлар тузилган. Бу ўринда ҳинд тадқиқотчиларидан, “Рамдахин Мишра *हिंदीमुहावरे/hindi muhavre/*(1924), Бахадур Чанд *लोकतियाँऔरमुहावरे /lokotiyān aor muhavre/* (1932), Жамбунатхан *हिंदीमुहावरकोश /hindi muhavrakosh/* (1935), Ар.Жи Ширахинди *हिंदीमुहावरकोश /hindi muhavrakosh/* (1936), Брахмасваруп Диндар Шарма *हिंदीमुहावरे /hindi muhavre/* (1938), Амбикалпрасад Важпай *हिंदुस्तानीमुहावरे /hindustani muhavre/*

(1940), Балмуқанд Арш Малсияни मुहावरेऔरकहावतें /*muhavre aor kahavaten*/ (1957), Пратибха Агарвал हिंदीमुहावरे /*hindi muhavre*/ (1969), Боланатх Тивари हिंदीमुहावरकोश /*hindi muhavrakosh*/ (1984)<sup>1</sup>, кабиларнинг асарлари жуда муҳим манба ҳисобланади.

Қуйидаги манба ҳиндий тилининг муқаммал фразеологик луғатлардан бири саналади.

• *Brihat muhavra kosh*, khand 1-3. sankalan evam sampadan *Pratibha Agarval*, Uttar Pradesh hindi sansthan, Lakhnau. 1986.

Ҳиндистонда қатор изохли луғатлар мавжуд бўлиб, юқорида келтирилган фразеологик луғатлар ҳам изохли фразеологик луғат ҳисобланади. Шунингдек Ҳиндистонда қатор катта кичик изохли луғатлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

• *Hindi shabdsagar*, khand 1-11. *Mul sampadak Shyamsundardas*. Kashi nagri prachini sabha, Parivaddhit, Sanshodhit navin sanskaran, 1962.

• *Manak hindi kosher*, khand 1-5. Pradhan sampadak *Ranchandar Varma* Hindi sahitya sammelan, Prayag.

• *Hardev Bahri. Brihat Angrezi-hindi kosh*, Varanasi, 1960

• *Kamil Bulke. Angrezi-hindi kosh*, dvittiy sanskaran, Kathalik pres, Ranchi, 1974.

• *Brihat paribhashik shabdsangrah*. Manviki khand 1-2, Bharat sarkar, 1973

• *Brihat paribhashik shabdsangrah*. Vigyan khand 1-2, Bharat sarkar, 1973

• *Brihat paribhashik shabdsangrah* (Ayurvedigyan, beshhaj vigyan, sharirik nrivigyan), Bharat sarkar, 1974.

Ҳозирда инглизча – ҳиндийча ва ҳиндийча – инглизча катта-кичик изохли, икки тиллик, фразеологик, тематик, терминологик, суратли, электрон луғатлар сони жуда кўп. Бизга маълум манбаларга кўра қуйидагиларни келтиришимиз мумкин.

• Whitworth G.C. *An Anglo-Indian Dictionary; A Glossary of Indian Terms Used in English, and of Such English or Other Non-Indian Terms as Have Obtained Special Meanings in India*/ G.C. Whitworth. – London: K. Paul. Trench, 1885. – 350p.

• Yule H. *Hobson-Jobson: Being a Glossary of Anglo-Indian Colloquial Words and Phrases and of Kindred Terms Etymological*,

<sup>1</sup> Шарқшунослар анжумани. Илмий тўплам – Тошкент: ТошДШИ, 2011. – Б. 12-13.

Historical, Geographical and Discursive [Электронный ресурс] / Yule H., A.C. Burnell// [new ed. By W. Crooke, B.A.] – London: J.Murray, 1903<sup>1</sup>.

Ҳозир замонавий ҳиндий тили луғат таркиби кундан кунга турли тиллардан кириб келган сўзлар билан бойиб бормоқда. Шу сабали ҳам ҳиндий тили лексикографияси ҳақида тўлиқ маълумот бериш мураккаб саналади.

*Қосимова Зилола*

*ТошДШИ Халқаро тизимлар ва глобал ривожланишнинг  
сиёсий муаммолари йўналиши магистри*

## **ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИНИНГ ЎРНИ**

XXI асрга келиб, ижтимоий ривожланиш жараёнлари глобал характер касб эта бошлади, миллий иқтисод аста-секин жаҳон иқтисодиётига ўтиши, халқаро ахборот тизимларининг шаклланиши ва глобаллашув жараёнларининг бошқа соҳаларга кириб бораётганлигини кузатиш мумкин. Фан ва техниканинг гуллаб-яшнаши, савдо-сотикнинг эркинлашуви, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги кескин ўзгаришлар натижасида ҳозирги замон жаҳон сиёсатида эгилувчан омилларнинг аҳамияти, халқаро муносабатлар тизимига “юмшоқ” воситалар билан таъсир кўрсатиш кучая бошлади. Бу, энг аввало, муайян давлатларнинг бошқа давлат фуқаролари онига турли ғоявий, мафкуравий йўллар билан таъсир этаётганлигида ҳам ўз аксини топмоқда. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида, ривожланган мамлакатларнинг ташқи сиёсатида дунёга ўз таъсирини “қаттиқ куч” билан эмас, балки “юмшоқ куч” орқали ўтказишда энг яхши восита сифатида қўлланилмоқда ҳамда жаҳон ҳамжамиятида ўз имиджини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилмоқда. Бу жараён бошқа давлатларга оммавий маданият шаклида таъсир кўрсатиб, уларнинг миллий маданиятини йўқолиб кетиши ҳавфини ҳам уйғотмоқда.

<sup>1</sup>Битко Н.С.Зарождения индийской англоязычной лексикографии//Лингвистика 21 столетия: новые достижения и перспективы. – Киев., – С. 41

Дунёда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олган, лекин миллий ўзлигини йўқотмаган. Япония, ўз тарихий тараққиёти давомида ғарб цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлишига қарамай, ўз миллий маданиятини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Шу жиҳатдан, Японияда амалга оширилган сиёсий ва иқтисодий модернизация тажрибасини ўрганиш, ундан оқилона ва ижодий фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Глобаллашув жараёнларининг авж олаётган шароитда, Япония ўзини “Ғарб - Шарқ” нисбатидан четда жойлашган ҳолис мамлакат сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Япония географик жиҳатдан Осиё минтақасида жойлашган бўлса ҳам, цивилизация кўрсаткичлари жиҳатидан ривожлаганган Ғарб мамлакатлари қаторидан жой олган. Япон тадқиқотчилари Япониянинг ривожланаётган Осиё мамлакатлари иқтисодига донорлик қилиш орқали дунёдаги мавқеини мустаҳкамлаши ва шу орқали Осиё ва Ғарб дунёси ўртасида воситачи вазифасини ўташи мумкинлиги ҳақидаги фикрларни билдиришмоқда.

Бугунги кунда қадимий тарихга эга бўлган мамлакатлар маданий ўзига хосликни сақлаган ҳолда давлат ва жамиятни модернизациялаш йўлини танламоқда. Хусусан, ҳозирги замон япон маданияти унда анъана ва замонавийликнинг ўзаро мувофиқлашиб кетганлиги билан характерланади. Японларга, уларнинг анъаналарга содиқлигини ўзлаштирилган янгиликлар билан уйғунлаштириш қобилияти хосдир. Айнан шу миллий хусусият ҳозирги ахборотлашган жамиятни яратиш шароитида Япониянинг ахборот инқилоби ва компьютер-ахборот тизимининг жаҳондаги етакчисига айланишига сабаб бўлди. Лекин компьютер технологиясидаги муваффақиятлар япон маданиятидаги кўп асрлик тарихга эга бўлган анъаналар билан ихтилофга келмади. Рационализм, замонавий технологияларга интилиш бу ерда аждодларнинг урф-одатларига садоқат, бағрикенглик, итоаткорлик ва эътиқодлилиқ билан уйғунлашиб кетди. Бу борада У.Саидовнинг “япон ислоҳотчилари бундан қарийб бир аср аввал, “япон рухияти, ғарб технологияси” деган қоида асосида ўз йўлини белгилаб олган эди. Шу боис Япония миллий ўзлигини, тарихий-маданий илдизларини йўқотмасдан, юксак тараққий

этган давлатга айланди, маънавий жиҳатдан ғарблашмай туриб, тараккиётга эришди<sup>1</sup>, – деган фикрлари ўринлидир.

Ҳозирги даврда глобализув жараёнлари энг илғор, янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа воситалари тизимларининг ривожланиши, илмий, техник ҳамда одамлар ҳаёти учун зарур ахборотни йиғиш ва тақсимлаш, меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиб, бу борада чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда<sup>2</sup>. ХХI асрга келиб, Япония глобализув жараёнларига уйғун ҳолда интеграциялашиб бормоқда. П.К.Шодиевнинг таъкидлашича, “Япония, глобализувни, ягона глобал ахборотлашган маконни вужудга келишини таъминловчи жараён сифатида қарашни тақлиф қилмоқда”<sup>3</sup>. Япония давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсати туфайли телекоммуникация ва ахборот инфраструктура соҳасининг ривожланишига кўра дунё мамлакатлари орасида пешқадамлик қилмоқда.

Япон олимлари япон маданиятини дунёнинг бошқа халқлари маданияти билан киёсий таҳлил этар эканлар, асосий эътиборларини миллий маданияти негизи сифатида японларнинг индивидуал руҳиятига қаратадилар. Япон маданий анъаналари ва кадриятларига меҳнатсеварлик, эстетик ҳиссиётнинг ривожланганлиги, табиатга муҳаббат, анъаналарга содиқлик, янгиликларни ўзлаштиришга иштиёқ, этноцентризм, практицизм, тартиб-интизомга риоя қилмоқ, авторитетларга содиқлик, бурч ҳисси каби хусусиятлар, шунингдек хушмуомалалик, покизалик, дадиллик, ўзлигини йўқотмаслик, эҳтиёткорлик, қизиқувчанлик каби шахсий фазилатлар хосдир. Айнан шу сифатлар, охир оқибат, Япония маданиятининг ўзига хослигини акс эттиради ҳамда тадқиқотчилар эътиборини жалб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёслар экан,

<sup>1</sup> Саидов У. Шарк ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 191.

<sup>2</sup> Саидов У. Глобализув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: Академия, 2008. – Б. 26.

<sup>3</sup> Шодиев П.К. Япония в современном мире. – М., 2001. –Б. 31.



“Қачонки ана шу муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги кўш канотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш – ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади”,<sup>1</sup> – деб таъкидлайди.

Президентимиз ўз асарида мисол тариқасида Япониянинг Иккинчи жаҳон урушидан кейин тушиб қолган оғир иқтисодий ва ижтимоий аҳволдан чиқишида япон халқининг асрлар давомида шаклланиб, катта бунёдкор кучга айланган ўзига хос миллий маънавияти хисобидан ривожланганлига, “япон мўжизаси” ҳақида гап кетганда, таниқли эксперт ва мутахассислар ҳам биринчи галда “япон характери” деган иборани тилга олар эканлар, аввало мазкур халққа мансуб маънавий фазилатлар назарда тутилишига, бу халқнинг ички дунёси ва иродаси маънавият негизида янада тобланиб камолотга етганлигига алоҳида эътибор қаратади<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, японларнинг анъанавий миллий урф-одатлари ва маънавий кадриятлари қадимийлиги билан ажралиб туради. Кўп жихатдан бундай ҳолатга Япониянинг оролларда жойлашганлиги ва бошқа халқлар билан мулоқат қилиш доираси чекланганлиги сабаб бўлган. Япония бўйича мутахассис К.Кирквуд бошқа мамлакатлар билан мулоқат қилишдан ажралиб қолган Япония “ўзининг миллий цивилизациясини Ғарб цивилизациясига параллел, лекин мустақил ҳолда яратган” деган фикрни билдиради<sup>3</sup>. Ўтмиш маданий анъаналарга содиқлик Японияда ўзига хос кадриятлар тизимини юзага келтирган бўлиб, у миллатнинг моддий, ижтимоий ва маънавий ҳаётининг барча қирраларини камраб олган. Глобаллашув шароитида япон кадриятлар тизими миллатнинг ўзлигини сақлаб қолишга қаратилган эҳтиёжи ва интилишининг ёрқин аксидир. Хусусан, анъанавий маданиятнинг асосий элементларини қабул қилган анъана сифатида мамлакатда оммавийлашган қадимий чой маросимини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу маросимнинг муҳим талабларига анъанавий япон либоси, идишлари, чой тайёрлаш, узатиш жараёнлари ва бошқалар қиради.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:Маънавият, 2008. – Б. 67.

<sup>2</sup> Қўрсатилган асар. – Б. 26-27.

<sup>3</sup> Кирквуд К. Ренессанс в Японии. -М.: Наука, -Б. 276.

Чой маросимида замонавий миллий маданиятнинг яна бир хусусияти намоён бўлади. Бу ҳам бўлса, японларнинг ҳар қандай бошлаган ишни мукамал интиҳосига етказишга интилиши билан боғлиқдир. Мукамалликка интилиш эҳтиёжи деярли барча япон кишисига хосдир. Японшунос тадқиқотчилар фикрича, электрон техникасини яратиш ёки чой билан меҳмон қилиш бўладими, номукамал ёки сифатсиз қилинган иш, уларда ношудлик ёки ўз-ўзидан коникмаслик ҳиссини уйғотади.

Япон миллий анъаналарида ландшафт маданияти ва эстетикаси алоҳида ўрин тутади. Уни “кўз билан тафаккур қилиш” қобилияти, деб ҳам аташ мумкин. Японлар табиатга эҳтиёткорлик ва меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўладилар, пейзаж, гуллар ва дарахтлардан завкланадилар. Сакура дарахтининг гуллаши билан боғлиқ баҳор байрами энг гўзал миллий байрамлардан ҳисобланади. Куз фаслида японлар оиласи билан олтин ва кип-кизил рангга кирган барглари кўриб завкланиш учун тоғ бағрларига чиқадилар<sup>1</sup>. Японларнинг бой ва ранг-баранг табиат билан доимий мулоқоти уларда назокат ҳисси ва гўзалликдан завкланиш қобилиятини шакллантирди.

Узоқ Шарқ халқлари маданияти сингари японлар учун ҳам ўтмиш аждодлар руҳини ҳурмат қилиш хосдир. Япон маданиятининг муҳим элементларига, шунингдек, кизларни анъаналарга содиқлик руҳида тарбиялаш ва шу орқали уларда эркакаларга — ота, ака, эрига ғамхўрлик қилишни ўргатиш ҳам киради.

Япония миллий маданиятининг ўзига хослиги ҳамда унинг иқтисодий соҳадаги эришган муваффақиятларининг муҳим омилига айланганлиги дунёдаги энг илғор мамлакатлар қаторида пешқадамлик қилиши ҳамда халқаро майдонда ижобий имиджининг шаклланишига хизмат қилди.

Ҳеч бир давлатнинг сиёсатини дипломатик ҳамкорликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг кўплаб давлатлар билан дўстона дипломатик муносабатлар ўрнатмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлари ўрнатилганига 20 йилдан ошди. Шу вақт мобайнида икки давлат

<sup>1</sup> Национальные особенности Японии. — <http://visit2japan.ru/?p=319>.

Ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларида ҳамкорлигини амалга ошириб келмоқда.

Глобаллашув даврида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро мулокат жараёни заминида фақат умумий иқтисодий ёки сиёсий манфаатларгина эмас, балки, халқларимиз маданий қадриятлари ва анъаналарининг маънавий яқинлиги, улар ўртасида ўзига хос умумий томонлари мавжудлиги билан боғлиқдир. Бу улар ўртасидаги маданий, иқтисодий алоқаларнинг қадимдан бошланган илдизларига бориб тақалади. Ўтган давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасида илиқ ва ўзаро ишончга асосланган алоқалар ўрнатилди. Бугун мамлакатларимиз ўзаро тўғри тушуниш, ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган анъанавий дўстона муносабатларни юқори баҳолайди ва қадрлайдилар.

Япониянинг Ўзбекистондаги фавкулудда ва мухтор элчиси Юичи Косумото фикрича: “Ўзбекистон Буюк Ипак йўли маданий меросининг ноёб ёдгорликларига эга бўлган жаҳоннинг энг бой мамлакатларидан биридир. Улар турли мамлакат халқлари ва турли дин вакиллари ўртасидаги самарали мулоқатининг ёрқин гувоҳидир. Ўзбекистон ҳудуди Евроосиёнинг қоқ юрагида жойлашган бўлиб, асрлар давомида минтақамизнинг Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалари ёрдамида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилган боғловчи халқа вазифасини ўтади. Сизнинг бебаҳо тажрибангиз ва узоқ ўтмишга бориб тақаладиган турли халқлар ва диний конфессиялар ўртасидаги толерантлик анъаналари, айниқса ҳозирги замон чақириқлари шароитида уларни амалиётда қўллаш имкониятини қидириб топиш мақсадида чуқур ўрганиш ва таҳлилга этишга муносибдир”. Ўзбекистон ва Япония халқларининг дўстлик ришталари ҳамда савдо ва маданий алоқаларининг тарихи кўхна Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалади. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик тарихга эга бўлган маданий алоқалар бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг муҳим омили сифатида давом этмоқда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> <http://search.uzreport.com/main.cgi>

Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси А.Кавато фикрича: “Бизнинг мамлакатимиз нафақат илғор технологиялар соҳасидаги энг янги ютуқлар билан, балки ўз илдишлари билан Буюк Ипак Йўли даврига бориб тақаладиган қадимги миллий анъаналарини сақлаб қолганлиги билан ҳам машҳурдир. Шу муносабат билан, ҳозирги замон япон – ўзбек муносабатларининг ривожини уларнинг манتيкий давоми сифатида қараш мумкин”<sup>1</sup>. Шунини яна бир таъкидлаш лозимки, бугунга қадар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари нафақат ҳукуматлар балки, маҳаллий бошқарув органлар, корхоналар, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари, маданий муассасалар ўртасида ҳар томонлама алоқалар давом этмоқда.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги таълим соҳасида амалга оширилиб келаётган изчил ҳамкорликни мустаҳкамлашда 2011 йил 29-30 октябрь ойда Япониянинг Цукуба университетида бўлиб ўтган иккинчи “Ўзбек–Япон талабалар илмий форуми” ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Япония Ташки ишлар вазири Коитиро Гемба “Ўзбекистон ва Япония: кўп асрлик алоқа ва муносабатларини мустаҳкамлаб бормоқда” деб номланган мақоласида: “Таълим соҳасида ўзбек-япон ҳамкорлигининг мустаҳкамланиб бораётганлигига 2001 йил 11 октябрида Цукуба университетида икки мамлакат талабалари иштирокидаги ўтказилган академик форум ва 2011 йил 1 ноябрида Нагоя университетида Ўзбекистон ва Япония олий ўқув юртлари ректорларининг қўшма кенгаши мисол бўла олади. Бунда ҳар бир мамлакат етакчи олий ўқув юртларидан 10тадан ортиқ ректорлар иштирок этди”<sup>2</sup>, – деб таъкидлайди. Бу анжуманда ТошДШИ ректори профессор А.Маннонов ҳам иштирок этди. Нагоя Университети ректори Мичинари Хамагучи ўзбекистонлик илмий тадқиқотчи, магистрант ва талабаларни қисқа ва узок муддатли асосда япон таълим муассасаларига қабулни кўпайтириш мақсадага мувофиқли ҳақида фикр бил-

<sup>1</sup> Курбанов С. С. Узбекистан - Япония Стратегический диалог культур на Шелковом пути// Народное слово. –2003. -3 янв. -Б. 4.

<sup>2</sup>ИА «Жаҳон». Узбекистан – Япония: укрепляя многовековые связи и сотрудничество// Вечерний Ташкент. – 2012.–№8. –30 апр. – Б. 2.

дирди<sup>1</sup>. Бу ўз навбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этди.

Шуни айтиш дозимки, юртимизда япон тилини ўрганаётганлар ва японлар ўзбек тилини ўрганишга ҳаракат қилаётганларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Ўзбекистонда Япониянинг иқтисоди, сиёсати, маданияти ва бошқа соҳаларида турли тадқиқотлар, анжуманлар ўтказилмоқда, китоблар, луғатлар нашр этилмоқда. Лекин шу кунгача японча-ўзбекча ижтимоий-сиёсий терминлар луғати ишлаб чиқилмаган. Бундай луғат ижтимоий-сиёсий соҳа йўналишларида таълим олаётган талаба ва магистрантлар, илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчилар ҳамда шу соҳа мутахассислари учун ҳам жуда зарур. Бундай луғатнинг яратилиши газета, журнал, телевидение, интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан олинаётган маълумотлар билан ишлаш ва уларни таржимасини амалга оширишда ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Фикримизча, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданият, таълим соҳасидаги алоқаларнинг жонланиши, кенг жамоатчилик вакиллари ўртасидаги шахсий мулоқотлар халқларимизнинг маънавий яқинлашувига хизмат қилиш билан бирга, Японияда Ўзбекистоннинг ижобий имиджи шаклланиши ва мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилади.

*Султанхаджаева Саида*

*Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси*

## **ФОРС ТИЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР СИСТЕМАСИ АМАЛИЙ ЛУҒАТШУНОСЛИК МАНБАИ СИФАТИДА**

Ҳар бир тил миллий ўзига хос хусусиятни, дунёқарашни ифодалайди. Унда инсоният тарихи, жамиятнинг узлуксиз ривожланиши, ўзгариши акс этиб, халқнинг маданий, маънавий ва моддий ҳаёт тарзи, тажрибаси, урф-одати, атроф-муҳитга муносабати ифодаланади.

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият

<sup>1</sup> [http://www.ut.uz/rus/mir/sfera\\_sotrudnichestva.mgr](http://www.ut.uz/rus/mir/sfera_sotrudnichestva.mgr) – Ўзбекско-японские межвузовские связи.

манбаи бўлиб хизмат килган<sup>1</sup>. Кўпчилик ҳолларда тилда мавжуд бўлган умумий тараккиёт минг йиллар давомида тўпланган тажриба ва унинг асосидаги манбаларга суянган бўлиб, ўша жамиятнинг маданияти юксаклигидан далолат беради. Дарҳақиқат, тарихга назар ташласак, тилдаги маҳорат ва истеъдоддан фойдаланган, уни янада такомиллаштиришга хисса қўшган кўпгина адиблар, шоирларнинг маданий мерос ва ёдгорликлари ҳар бир халқнинг бойлиги ҳисобланади. Шу ўринда тилдан тўғри фойдаланиш ва унинг чексиз воситаларини мохирона қўллай билиш муҳим аҳамият касб этади.

Л.И.Ройзензоннинг фикр билдиришича, “Инсоннинг тил даҳоси яратган ҳодисалардан энг ўзига хоси, энг мураккаб ва энг мушқули фразеологиядир”<sup>2</sup>. Ҳақиқатдан, фразеологик бирликлар тилда миллий маданиятнинг муҳим белгисини, жамиятнинг ўзига хос турмуш, ҳаёт тарзи, урф-одати, фикрлаши, тафаккури, яшаш шароити ва ундаги воқеликка бўлган муносабатини ифодалайди. Хусусан, ҳинд-европа тиллар оиласининг жанубий-ғарбий – эроний гуруҳига мансуб бўлган форс тилида лексик бирликларга стилистик синоним сифатида фразеологик бирликларнинг кундалик ҳаётда қўлланилиши кўп учрайди. Фразеологизмлар халқ маданиятининг руҳиятини тадқиқ этишга кўмаклашади. Зеро, халқ тарихи, унинг анъана ва ўзига хос дунёқараш фразеологик бирликларда – коннотатив, экспрессив, эмоционал, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ибораларда ифода этилади.

Форс тили фразеологик бирликларини тадқиқ этиш рус, ўзбек, инглиз, француз ва бошқа тилларга нисбатан кечроқ, яъни XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Форс тили фразеология соҳасининг ривожланиш даврини икки йўналиш асосида ажратиш мумкин:

Биринчи йўналиш 70–йиллар охиридан бошланиб, Эрон тилшунослари томонидан илк фразеологик тадқиқотларни йўлга қўйилиши билан боғлиқ. Бу даврда форс тили адабиёти, тарихини ўрганиш билан бир каторда форс тили грамматикасига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, форс тили феълларининг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т., 1997. – 137-бет.

<sup>2</sup> Ройзензон Л.И. Русская фразеология. – Самарканд, 1977. – стр.116

структурал тузилишига оид тадқиқотлар амалга оширилади. Бу ўринда Парвиз Нотел Хонларийнинг “Форс тили тарихи: феъл тузилиши” асарини<sup>1</sup> таъкидлаб ўтиш лозим. Муаллиф феълларнинг структурал тузилишини тадқиқ қилар экан, форс тилида содда, префиксли, мураккаб феъллар ҳамда феълий иборалар (асарда шундай деб номланади) иштирок этган бирликларни таҳлил этиш принципига асосланади. Парвиз Нотел Хонларий содда феълларнинг отлар, сифатлар билан бирика олиш имконияти, содда феъллардан олд кўмакчили, мураккаб феълларнинг шаклланиши ва янги маъно касб этиши билан бир қаторда, феълий ибораларга ҳам қисқача тўхталиб ўтади. Феълий ибораларга, олимнинг фикрича, икки сўздан ортиқ сўзлар жамланмаси ва олд кўмакчидан ташкил топган, яхлит бир маъно ҳосил қилган ва кўпинча содда ёки қўшма феъл тушунчасига эквивалент ҳисобланган кўчма маъноли бирликлар киритилади. Икки – уч таркибдан тузилган турли типдаги феълий ибораларга муаллиф классик асарларнинг матнидан мисоллар келтиради.

Қайд қилиш керакки, асарда тақдим этилган мисоллар феълий ибораларнинг структуравий таркибини тасниф этишда муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф олд кўмакчиларни феълий ибораларнинг компоненти даражасига кўтаради ва олд кўмакчили икки таркибли феълий ибораларни кўп таркибли иборалар қаторига киритади. Олд кўмакчили феълий ибораларда олд кўмакчининг тушиб қолиши ва шаклан мураккаб феълга айланишини эса фақат эслатма сифатида келтирилади. Бунда бизнингча, феълий ибораларнинг мураккаб феълларга айланиши назарда тутилади. Рус эроншунослигида эса улар икки таркибли феълий иборалар ҳисобланади<sup>2</sup>. Асарда феълий ибораларга оид назарий масалалар у қадар кенг ёритилмаган, кўп ҳолларда фақат мисоллар келтириш билан чекланилган. Юқоридаги чекланишларни ҳисобга олмаганда П.Н.Хонларийнинг бу асарини феълларнинг этимологик ўзгариши, янги шакл ва маъно вужудга келиши юзасидан амалга оширилган дастлабки тадқиқот сифатида форс тили фразеологияси масалаларини ўрганишга салмоқли ҳисса бўлди, деб эътироф этиш мумкин.

<sup>1</sup> بخشی از جلد دوم، ساختمان فعل، تهران، ۱۳۴۹ پرویز نائل خانلری، تاریخ زبان فارسی،

<sup>2</sup>Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка.-М.,Наука,1981,164-172с.

П.Н.Хонларийнинг мазкур асаридан сўнг фразеология объекти, ФБ тушунчаларининг моҳиятини очиб берувчи янги назарий асарлар кузатилмайди. Масалан, 90-йиллар ўрталарида ҳаммуаллифликда тузилган ва эроншуносликда муайян мақом эгаллаган “Форс тили грамматикаси (1-кисм)”<sup>1</sup> ва “Форс тили грамматикаси (2-кисм)”<sup>2</sup> асарларида сўз туркумлари алоҳида-алоҳида ўрганилиб чиқилган. Феълларнинг ҳосил бўлиши, структурал таркиби масалаларига ҳам махсус бўлимлар ажратилган. Лекин асарда ФБлар ҳақида сўз кетганда, фақат П.Н.Хонларийнинг феълий ибораларга берган таърифи ҳавола сифатида келтирилади, холос<sup>3</sup>.

Форс тили фразеологиясининг бугунги ҳолати шундан далолат берадики, Эронда ФБлар асосан амалий луғатшунослик объекти ҳисобланади ва улар турли луғатларда жамланади. Эрон тилшунослари кўплаб ФБларни луғатларга киритадилар ва уларни изоҳлашнинг илмий ва бадиий принципларини ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, Эрон тилшунослигида сўз, сўз бирикмалари, иборалар, мақол, матал, ҳикматли сўзлар ва жумлаларни маълум бир тизимга солиш ҳамда уларнинг маъноси, этимологияси каби масалалар олимларнинг диққатини доимо ўзига жалб этиб келган. Эрон олими Деххудо бошчилигида тузилган ва 40 йиллик меҳнат самараси бўлган 16 жилдлик, 26475 саҳифалик « لغتنامه ی دهخدا » [Loḡatnāme-ye Dehxodā] “Деххудо луғати”<sup>4</sup> форс адабий тилига тегишли сўзлар ва ФБлар маъноларининг келиб чиқишини классик адабиёт намуналари асосида тавсиф этилиши тегишли тадқиқотлар ва энг муҳими, форс тили фразеологияси масалаларини амалий жиҳатдан ҳам ўрганилиши ҳамда мазкур соҳанинг тараққиёти учун ўзига хос замин ҳозирлади. Лексикографик мўътабар манбаларнинг кейинги авлоди ҳисобланган асарларда, масалан, Муҳаммад Муиннинг فرهنگ فارسی [Farhang-e fārsī] “Форсча луғати”<sup>5</sup>, Доктор Ҳасан Анварийнинг فرهنگ بزرگ سخن “Катта тил (сўз) луғати”<sup>6</sup> каби

<sup>1</sup>Доктор Ҳасан Анварий, Доктор Ҳасан Аҳмади Ғиёӣ, دستور زبان فارسی ۱. (ویرایش ۲). تهران: فاطمی، ۱۳۷۴

<sup>2</sup>Доктор Ҳасан Анварий, Доктор Ҳасан Аҳмади Ғиёӣ, دستور زبان فارسی ۲. (ویرایش ۲). تهران: فاطمی، ۱۳۷۶

<sup>3</sup>Доктор Ҳасан Анварий, Доктор Ҳасан Аҳмади Ғиёӣ, دستور زبان فارسی ۲. (ویرایش ۲). تهران: فاطمی، ص. ۲۶-۲۷.  
۱۳۷۶

<sup>4</sup>علی اکبر دهخدا، لغت نامه ی دهخدا. مؤسسه ی انتشارات و چاپ دانشگاه تهران. ۱۳۷۳

<sup>5</sup>محمد معین، فرهنگ فارسی. جلد اول، دوم. انتشارات امیر کبیر تهران. ۱۳۷۱

<sup>6</sup>دکتر حسن انوری، فرهنگ بزرگ سخن. تهران: سخن، ۱۳۸۱. ج. ۸. مصور.



изоҳли луғатларда турли соҳаларга тегишли сўзлар, атамалар билан бир қаторда фразеологизмларга ҳам энди чуқур изоҳлар берилди бошланди, бадиий асар намуналари мисоллар билан далилланди. Шу сабабли бўлса керакки, ҳозирги пайтда ФБлар амалий луғатшунослик манбаси сифатида кўрилади.

Бундан фаркли йўналиш рус ва ўзбек эроншунослари тадқиқотларида кузатилади. Рус эроншунослари 60–70–йиллардан бошлаб форс тили ФБларига оид илк илмий изланишларини бошладилар. 80–йилларга келиб, форс тили ФБлари бўйича назарий концепциялар ишлаб чиқилди, уларнинг структур ва семантик турлари, функционал ва услубий жиҳатлари тадқиқ этилди. ФБлар сўз бирикмаси ёки гапга тенг, турғун, умумлашган маъно англатадиган, лексик компоненти қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, нутқда тайёр ҳолда қўлланадиган турғун лексик семантик бирлик, деб қайд этилди<sup>1</sup>.

Шу даврнинг ўзида амалга оширилган тадқиқотлар, химоя қилинган номзодлик диссертациялари форс тили фразеологияси соҳасининг тизимланиши учун катга роль ўйнади. Ф.И.Зульфигарова<sup>2</sup>, М.Абидов<sup>3</sup> номзодлик диссертациялари ҳамда Л.С.Пейсиков<sup>4</sup>, А.А.Веретинников<sup>5</sup> монографик тадқиқотлари форс тили фразеологияси тадқиқотлари тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди.

Дастлаб форс тилида ФБларни Ф.И.Зульфигарова ўрганишга киришди. Ф.И.Зульфигарова форс тили идиоматик ибораларини “ФБ – сўз эквиваленти” назарияси асосида системалаштиради. Тадқиқотчи фразеология доирасига идиомалар билан бир қаторда мақол, матал, барқанот сўзлар ва афоризмларни киритади. Лекин Ф.И.Зульфигарова ўз тадқиқотида фақат идиомаларни тадқиқ этиш билан чекланади ва уларга хос бўлган хусусиятларни қуйидагича изоҳлайди:

<sup>1</sup>Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. – М., Наука, 1981-39 с.

<sup>2</sup>Зульфигарова Ф.И. Идиоматические выражения в персидском языке (по материалам произведений С.Хедаята) Автореф. дис... канд. филол. наук. – Баку, -19с.

<sup>3</sup>Абидов М. Субстантивные фразеологизмы в современном персидском языке. Дис. канд. фил. наук. -М., -1988. -153с.

<sup>4</sup>Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. – М., Наука, 1981-276с.

<sup>5</sup>Веретинников А. Очерки глагольной фразеологии персидского языка. – М.: Наука, 1993. -156 с.

- 1) таркибидаги сўзларнинг маънолари билан идиома ифода этган маъно ўртасида ҳеч қандай лексик алоқа сезилмайди;
- 2) идиомалар семантик бўлинмайдиган бирликдир;
- 3) идиомалар ўзига хос шаклларда намоён бўлади, ўзигагина хос равишда қўлланади;
- 4) идиомалар одатда кўчма маънода келади;
- 5) идиомалар бошқа тилларга сўзма-сўз таржима қилинмайди;
- 6) бошқа турдаги ФБлардан фарқли равишда, улар муайян бир маънога эга бўлади.

Бу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, “идиомалар тўғри маънода қўлланадиган эквивалентга эга”, деган фикрни олға суради. Аммо бундай ёндашув ҳам ўзини оқламайди, чунки тилда шундай ФБлар борки, улар предмет, воқеа ёки ҳодисанинг ягона ифодаси ҳисобланади ва аксарият ФБлар уларга синонимлар ёки маъноси яқин бўлган лексик бирликлар мавжуд эмаслиги туфайли номлаш-ифодалашнинг ягона бирлиги вазифасини бажаради<sup>1</sup>.

Л.С.Пейсиков тадқиқотлари форс тили фразеологияси масалаларини махсус ўрганилишига қаратилмаган бўлса ҳам, эрон тилшунослиги учун муҳим аҳамият касб этишини инкор этиб бўлмайди. Форс тилида сўз ясалиши, синтаксис, лексикологияга доир муаммоларни кўриб чиқиш билан бирга Л.С.Пейсиков фразеология масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Муаллиф ФБ таркибий қўламини белгилаш ва фарқлашда уларни икки гуруҳга, яъни афористик хусусиятга эга мақол, матал, барқанот иборалар, жуфт бирикмалар гуруҳи ҳамда афористик хусусиятга эга бўлмаган ва аксарият ҳолларда тушунча белгиси бўлган барча турғун бирликлар, яъни айнан ФБлар гуруҳига ажратади. Шуниси кизиқки, соф фразеологизмларнинг ўзи ФБ маъноси таркибидаги лексемалар маъносига таянган ҳолда, таркиб изоҳига тўла ёки қисман асосланган турғун ФБларга ва таркиб изоҳига асосланмаган идиоматик ФБларга тасниф этилади. Бундан ташқари, олим форс тили фразеологияси объекти доираси хусусида қуйидаги хулосага келади: “Тузилиши жиҳатидан эркин бирикмаларни эслатувчи икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бирикмаси, интерфиксли қўшма

<sup>1</sup> Абидов М. Субстантивные фразеологизмы в современном персидском языке. Дис.канд.фил.наук.-М.,-1988. 22-23с.

сўзларнинг айрим турлари, шунингдек, коммуниктив ёки гап шаклдаги бирликлар ФБнинг структур таркибини ташкил этади. Турғунлик ва нутқда тайёр ҳолда қўлланилиши эса уларнинг асосий хусусиятларини белгилайди<sup>1</sup>.

Форс тилида ФБларни тадқиқ этишга катта ҳисса қўшган эроншунос олими Ю.А.Рубинчик “Основы фразеологии персидского языка” монографиясида<sup>2</sup> фразеологияни тилшуносликнинг мустақил бўлими сифатида эътироф этади ва ФБларнинг структурал, семантик ва функционал хусусиятларини келтиради. Форс тилида фразеологиянинг чегараси, унинг семантик майдони ва таснифи борасидаги ўзининг назарий қарашларини илғари суради. Бу тадқиқотнинг энг муҳим натижалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) фразеологияни «кенг» маънода тушуниш асосланган;

Бунда форс тили фразеологиясининг объектига кенг маънода барча турғун бирликлар – мақоллар, маталлар, идиоматик бирикмалар, эллипсис шаклдаги гапларга тенг келувчи ФБлар, шахссиз гап шаклдаги ФБлар, жуфт сўзлар, кириш сўзлар (клише), боғловчилар киритилади;

2) ФБларни ўрганишда структур-семантик ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган;

Ю.А. Рубинчик монографиясида ФБларнинг моҳиятини ёритишга интилади. Муаллиф ФБларнинг структур-семантик жиҳатдан ҳар хил типларини таҳлил этиш жараёнида барча типдаги ФБларни бирлаштирувчи умумий хусусиятлари ажратишга муваффақ бўлади ва уларни турғунлик, тилда тайёр ҳолда мавжудлик ҳамда такрор қўлланилишида, деб билади.

Айрим тадқиқотларда форс тилидаги ФБларнинг феълий ёки исмий структур ва семантик имкониятларини очишга ҳаракат қилинади. Форс тилидаги факат феълий характердаги ФБларга бағишланган шундай тадқиқотлардан А.А.Веретенниковнинг “Очерки глагольной фразеологии персидского языка” моногра-

<sup>1</sup> Пейсиков Л.С. Вопросы синтаксиса персидского языка. Дис...д-ра филол.наук.-М.,1963.

<sup>2</sup> Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка.-М.,Наука,1981-276с.

фиясида<sup>1</sup> кўп таркибли феълий ФБларнинг турлари, рамкали курилмалари, структур-семантик моделлари белгиланади. Шунга асосланиб, кўп таркибли феълий ФБларни кўшма сўз ва гап шаклдаги ФБлардан ажратиш, ФБларнинг асосий вариантларини таснифлаш ва ишлаб чиқиш, ФБнинг шакл ва мазмун элементлари ўзаро боғлиқлигини семантик яхлитлик асосида тадқиқ этиш принциплари кўрсатилади.

А.А.Веретенников форс тилида феълий турдаги ФБларни структурал ва семантик жиҳатларини тасниф этган бўлса, ўзбек эроншунос олими М.Абидов ФБларнинг номинатив турларини таҳлил этади. Олим отлашган ФБларни бошқа тил бирликларидан фарқлаш, форс тили фразеологик составинининг кўламини белгилаш каби масалаларини тадқиқ этиш билан ФБларнинг омонимия, синонимия, антонимия, вариантлик муносабатларини структурал ва семантик имкониятлари асосида ўрганиб чиқади. М.Абидов ФБларнинг семантик хусусиятлари ва фарқларини ҳам алоҳида белгилашга интилади. Олим ФБлар умумий маъносининг таркибий компонентлар маънослари негизида асосланган ёки асосланмаганлиги уларни бошқа тил бирликларидан фарқловчи мезон бўла олмайди, барча ФБларга хос ягона семантик белги улардаги маъно турғунлигидир, деб қайд этади<sup>2</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек тилшунослигида форс тили фразеологияси бўйича М.Абидов тадқиқотидан ташқари пушту тили фразеологиясининг асосчиси А.Г.Ганиевнинг “Очерки по глагольной фразеологии литературного пушту” монографияси пушту фразеологиясининг назарий ҳамда амалий жиҳатдан ривожланиши учун назарий асос бўлди. Монографияда форс ва пушту тиллари фразеологиясининг ўрганилиш муаммолари, феълий ФБ таркиби, структур турлари, таркибий компонентлар ва семантик тузилиши, феълий фразеологиядаги афғон-ўзбек мосликлари каби масалалари кўрилади.

Ўзбек тилшунослигида айнан форс тили ФБларига бағишланган бошқа тадқиқот ишларини кузатмадик. Шунга кара-

<sup>1</sup>Веретенников А. Очерки глагольной фразеологии персидского языка. – М.: Наука, 1993. – 156 с.

<sup>2</sup>Абидов М. Субстантивные фразеологизмы в современном персидском языке. Дис. ...канд.филол.наук. –М., 1988.– С.64-66.

масдан, ўзбек фразеологиясининг шаклланиши ва тараққиётида муҳим ҳисса қўшган С.К.Кенесбаев, Ш.У.Раҳматуллаев ва Б.Йўлдошевлар тадқиқотларини алоҳида эслатиб ўтиш лозим. С.К.Кенесбаев ФБ, мақол, матал ва идиомаларнинг структур-семантик моҳиятини кенг ёритишга муваффақ бўлган бўлса, Ш.У.Раҳматуллаев “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли монографияси билан ўзбек тилидаги ФБларни луғавий бирлик сифатида ўрганишни асослади. ФБлардаги полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ҳодисалари бой фактик материал таҳлили асосида чуқур тадқиқ этиб, ибораларнинг луғавий бирлик сифатидаги бошқа белги хусусиятларини текширишга йўл очди (Бу ҳақда қаранг: Б. Йўлдошевнинг ўзбек фразеологияси ўрганиш тарихидан). Бундан фарқли равишда, Б. Йўлдошевнинг тадқиқотида ФБларнинг услубий хусусиятлари ўрганилди, функционал таснифи амалга оширилди, уларнинг услубий тавсифи берилди, узуал ва окказионал функциялари ҳамда бадиий матндаги ўрни, имкониятлари аниқланди. Эътироф этиш керакки, мазкур тадқиқотларда ФБларнинг структур-семантик, функционал-стилистик ўрганилиши ўзбек фразеологияси тараққиёти учун муҳим ўрин тутади.

Кўринадики, рус, ўзбек олимлари томонидан форс тили фразеологияси масалаларини тадқиқ этиш – эрон тилшунослигини назарий ва амалий жиҳатдан бойитди. Фразеологизмларни структурал-грамматик, семантик, функционал жиҳатлардан ўрганиш соҳасида муайян ютуқларга эришилди. Кўпгина илмий мақолалар, монографиялар яратилди, бир қанча номзодлик диссертациялари форс тили ФБларнинг тадқиқига бағишланди.

Қайд қилиш ўринлики, Эрон тилшунослигида фразеология масаласига ёндашиш бугунлай бошқача бўлгани боис рус ва ўзбек эроншунослари тадқиқотлари ФБларнинг назарий ва амалий (структурал, семантик, стилистик, функционал) хусусиятларини асослаш учун муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади. Эътироф этиш керакки, рус, ўзбек эроншунослари тадқиқотларида ФБларнинг доирасини, чегарасини, асосий мезонларини ўрнатишда хилма-хил ёндашувлар, уларнинг айрим масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Аммо эрон тилшунослигида ФБларнинг, хусусан, СФБларнинг кўп жиҳатлари ҳали-

гача ўрганилмай қолиб келмоқда. Бу эса форс фразеологиясининг назарий масалаларини янада чуқурроқ ўрганилишини талаб этади. Бизнинг қисқача обзоримиз шундан далолат берадики, Эронда фразеология кўпроқ амалий луғатшунослик, яъни лексикография объекти бўлиб ривожланган. Эрон олимлари кўпроқ ФБларни луғатларда акс этириш, уларнинг этимологияси, маъносини талқин этишга алоҳида эътибор қаратишган. Биз форс тилида ФБ ёки фразеологизм дейилганда, структурал жиҳатдан икки ва ундан ортиқ таркибий компонентлардан ташкил топган сўз бирикмаси ёки гап шаклдаги, яхлит кўчма маъно англашилувчи, маъноси қисман ёки умуман асосланмайдиган турғун лексик-семантик бирликлар назарда тутамиз.

Тил системасидаги ҳар қандай сўз бирликлари ҳам фразеологик бирликка асос бўла олмайди. Фразеологик бирликларнинг ўзига хос мезон ва белгиларини, чегарасини ажратиш, таҳлил этиш ва системалаштириш актуал муаммолардан хисобланади.

*Қаландаров Мирзажон  
Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси  
ўқитувчиси*

## **КЛАССИК ФОРС ШЕЪРИЯТИДА РАМЗ ВА ТИМСОЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК МАСАЛАЛАРИ**

Маънавий ҳаётимиздаги катта ўзгариш ва янгиланишлар миллий меросимизни кенг ўрганиш, тадқиқ қилишда ҳам эътиборли ютуқларни кўлга киритишга йўл очди. Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг “Энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азият авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни авайлаб-асраб, янада бойитишимиз, улуғ аجدодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор”<sup>1</sup>, деган сўзлари адабий меросга диққат эътиборнинг ортанлигидан далолатдир.

---

1 Каримов. И. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Ё. 99-104.

Адабий бадиий ижод асоси – бадиий воситалар такомили инсоният маънавий, тарихий, ижтимоий тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Мумтоз тил ва адабиёт тарихига назар солсак, унда шарқ халқлари, хусусан, араб ва форс тили ва адабиётининг таъсирини кузатамиз. Ушбу тиллардаги ўхшашлик, муштаракликларнинг тадқиқини амалга ошириш, жумладан, ўзлашмалар, сўз ясовчи аффикслар полуаффикслардан тортиб тасвирий воситаларгача бўлган ўзаро таъсир масалаларини илмий тадқиқ этиш мумтоз адабиётимизни ва унинг тилини тўғри талқин этишга асос яратади. Шарқ мумтоз адабиётида рамзлар ва тимсоллар бадииятни яратишдаги асосий воситалардан ҳисобланади. Айниқса, мумтоз адабиётимизда рамз ва тимсолларнинг қўлланилишида форс адабиётининг таъсири кўринади. Шу сабабли ҳам форс адабиётида рамз ва тимсоллар, уларнинг такомил босқичларини ўрганиш ўзбек тилини, хусусан мумтоз ўзбек тилини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Шарқ мумтоз шеърияти мазмун ва шакл, поэтик тасвир йўли, восита, тимсоллар олами эътибори билан ўзига хос бир шеъриятдир. Адабиётшунослик илмида эътироф этилганидек, бу шеъриятда рамзий ва мажозий тасвир устувор йўналиш ва хусусиятни ташкил этади. Шу боис ҳар бир сўз рамзий ва тимсолий маъно касб этади. Бу маънолар ўз ўрнида тилшуносликнинг семасиология, семантика, сўзнинг денотатив ва конотатив маъноларига оид тадқиқотлар учун муҳим материал бўлиб хизмат қилади. Агар форс мумтоз адабиётидан жой олган рамзлар “тилга” киритилса, ўқувчининг кўз ўнгида янги бир маъно, моҳият ва сирлар олами очилади. Бугунги кунда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, янги замонавий лексикографик тадқиқот методларидан келиб чиққан ҳолда куйидаги жиҳатларга эътибор бериш муҳимдир:

- турли давр шеърий асарлари асосида маълумотлар маҳзанини яратиш;

- конкорданс асосида ҳар бир рамз ва тимсол иштирок этадиган семантик майдонларни аниқлаш;

- муайян рамз ва тимсоллар учраган байтларда ўша байтнинг тагматни ва тарихий шаклланган луғатлардан фойдаланиб талвин қилиш;

- муайян рамз ва тимсолларнинг гносеологик илдизлари, ижтимоий ҳаёт ва диний-ирфоний ақидалар билан боғлиқ маъно эврилишларини ўрганиш;

- рамз ва тимсолларнинг умум адабий маъно майдони ва ҳар бир шоир ижодидаги индивидуал маънолар кўламини ўрганиш ва б.

Форс адабиётининг ривожланиши кўп асрлик тарихга эга бўлиб, ундаги бадиий жанрлар, тасвир воситалар такомил турли босқичларни босиб ўтганлигини кўрсатади.

Чунончи, илк форс даври адабиёти даҳолари (Рўдакий, Фаррухий, Манучехрий) даврида асосий адабий жанр сифатида ўртага чиққан қасидада турли мавзулар (табиат, ишқ, ижтимоий ҳодисалар) ифодаланди. Қасидаларнинг ҳам ўз ўрнида бир неча турлари шаклланди (мадҳий, ишқий, ҳажвий, марсия...). Ўз навбатида, шеърий адабиётдаги илк бадиий тимсоллар ва рамзлар юзага келди. Бу даврдаги шеърий услуб "Хуросон услуби" номи билан машҳур бўлди.

“Мазкур давр шеъриятида соф май, яхши куй васф этилади, пок инсоний севги улуғланади, бу давр шоирлари гўзаллик, ёшлик ва кувноклик куйчиси сифатида намоён бўлади, уларнинг ҳар бирида халқ даҳоси сезилиб туради”<sup>1</sup>.

Кейинги даврда Саной ва Хоконий давридаи бошлаб рамзлар ирфоний маънолар касб қила бошлади, Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий асарлари билан бутун дунёга ёйилди.

Хожу Кермоний, Камол Хўжандий, Саъдий, Ҳофиз Шерозийлар ижодида бадиий тимсол ва рамзлар ғазал жанрида ўз такомил босқичининг авжига кўтарилди. Бу даврдаги шеърий услуб “Ироқ услуби” номи билан машҳур бўлди.

Бугунги кунда форс классик адабиётини тушуниш нафақат ҳозирги авлод учун, балки форсийзабон авлод учун ҳам жумбоққа айланди.

Рамзлар такомиллини ўрганиш бевосита миллат тарихи маданияти, бадиий завқи, руҳият ва урф-одатлари такомил тарихини ўрганишга кенг йўл очади. Шоирлар илгари сурган ғоялар ўзликни англаш, шахс ахлоқи ва камолотига хизмат қилар экан, бу ҳар доим муҳим ва долзарб масала бўлиб қолаверади.

---

<sup>1</sup>Шомухамедов Ш. Мумтоз форс адабиёти (X-XV). Ўқув қўлланма. Т.2011–11-б.



Форс адабиёти рамзлари, форс адабиёти классиклари адабий мероси ва даҳосини ўрганиш, тадқиқ этиш, тарғиб қилиш узлуксиз давом этадиган илмий-амалий жараёндир. Форс шоирлари ўзларининг бетақрор шеърятини билан форсийзабон халқлар адабиётининг шухратини дунёга таратдилар. Эроншуносликда рамзийлик масаласига жуда кенг эътибор қаратилишининг сабабларидан бири ҳам ана шудир. Бугунга қадар форс шоирлари меросига бағишланган бир қанча тадқиқотлар амалга оширилди. Ўзбек олимларидан Ш.Шомухамедов<sup>1</sup>, А.Қуронбеков<sup>2</sup>, М.Азимов<sup>3</sup>, рус тадқиқотчиларидан И.С.Брагинский<sup>4</sup>, М.Л.Рейснер<sup>5</sup>, М.Н.Османов<sup>6</sup>, Е.Е.Бертельс, Н.И.Пригарина<sup>7</sup>, тожик тадқиқотчиларидан Қурбон Восеъ<sup>8</sup>, К.Айний<sup>9</sup>, форс тадқиқотчиларидан Хуррамшоҳи<sup>10</sup>, Аҳмад Али Ражойи Бухорои<sup>11</sup>, Европа тадқиқотчиларидан Я.Рипка<sup>12</sup>, А.Шиммел<sup>13</sup>, Дж.Тримингэм<sup>14</sup> каби олим ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, республикада олиб борилаётган шарқ мумтоз адабиёти, поэтика соҳасидаги ўзбек адабиётига маънан ва тарихан муштарак бўлган адабиётлар

<sup>1</sup> Мумтоз форс адабиёти. ТошДШИ.2011., Ҳофиз Шерозий. Тошкент. Фан.-1965. 296 б.

<sup>2</sup> Қуронбеков А. “Маснавийи маънавий”да тасаввуф тимсоллари  
Қуронбеков А. Ҳофиз асрорининг етти пардаси. Монография.ТДШИ.Тошкент 2010.  
Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. Монография. ЎЗРФА “Фан” нашриёти. Тошкент 1994.

<sup>3</sup> Азимов М. Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти. ЭИР “Ал-Худо” халқаро нашриёти ва ЎР “Минҳож”. 2004. 214 бет.

<sup>4</sup> Брагинский И.С. Очерк о Хафизе, его эпохе и творчестве. - Из истории персидской и таджикской литературы. – Москва, 1972.

<sup>5</sup> Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси. (10-15-века). М., Наука: 1989, 222 с.

<sup>6</sup> Османов М.-Н.О. Стиль Персидско-таджикской поэзии. М., Наука, 1974.

Османов М.-Н. Синтаксическая структура бейта (На примере «Дивана» Хафиза). В кн. Проблемы восточного стихосложения. М., Наука, 1973. С. 60-68

<sup>7</sup> Пригарина. Хафиз и влияние суфизма на формирование языка персидской поэзии. В кн.: Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., Наука, 1989, 340 стр.

<sup>8</sup> ҚурбонВосеъ. Ойиниринди ё маслакиҲофиз. Душанбе:Ирфон, 1991.

<sup>9</sup> Айний К. Ҳофиз ва «тарзисухани Хожу» // ЖашномаиҲофиз. Мажмуа. – Душанбе. 1971. С. 98

<sup>10</sup> 1371. بها الدين خرمشاهی. حافظنامه شرح الفاظ اعلام مفاهيم کلیدی و ابیات دشوار حافظ. دو جلد. چاپ چهارم.

<sup>11</sup> دکتر احمد علی رجایی بخارایی. فرهنگ اشعار حافظ. چاپ سوم. تهران 1354.

<sup>12</sup> Рипка Ян. История персидской и таджикской литературы. М.:Ирорес, 1970

<sup>13</sup> Shimmel.A.Hafiz and his critics.Studies in Islam.Quarterly Journal of the Indian Institute of Islamic Studies.Vol 16.1979

<sup>14</sup>Тримингэм Дж. Суфийские ордены в исламе. М., 1989.

қатори форс тили ва адабиётини ўрганиш, ижодкорларни чуқур тадқиқ этиш ва янгиларини кашф қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2014-2015 йилларга мўлжалланган “Шарк тиллари икки тилли луғатларининг лексикографик тадқиқотлари” илмий-тадқиқот мавзуси доирасида бир қанча ишлар шу йўналишдаги тадқиқот ишларига бағишланди. Шунга қарамадан, рамзлар такомили шоирлар ижодида алоҳида рамзлар гуруҳлари маънолари талқинидаги тажриба, ютуқлари, умумий хусусиятлари махсус текширилмаган.

Форс шеърлятида, рамз ва тимсолларни тадқиқ этиш ва адабиётнинг тарихий такомил босқичларида маъно эврилишларини ўрганишни мақсад қилган ҳолда тадқиқот ишларини шакллантириш ўта муҳим.

XI асргача бўлган даврда, жумладан, Фирдавсий, Рўдакий каби шоирлар ижодиётида инсоннинг табиий орзу-интилишлари, мифологик мавзулар устунлигини кўрсак, кейинги даврга келиб Санойи, Хоконий, Аттор, Румий, Саъдий, Ҳофиз ижодиётидан бошлаб рамз ва тимсоллар диний-ирфоний мазмун билан бойиши натижасида маънолар кўламининг кенгайишини кузатишимиз мумкин.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, классик форс адабиёти намояндалари лирикасининг гоъвий-бадий сирларини очишда рамзлар ва тимсоллар тизимининг ўзига хос ўрни ва вазифаси бор. Шунингдек, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рамзлар қотиб қолган статик бирлик эмас, балки улар динамик равишда ўзгариш ва ривожланишда бўлади. Ҳар бир даврда ва ҳар бир шоир ижодида ўзига хос маъно ва мазмун касб қилади.

Бу йўналишда тадқиқ қилиш орқали мазкур классик адабиёт рамзлари ва тимсолларининг лексик маъноларини тўла камровда очиб бериш мумкин бўлади ва ҳозирги китобхон учун маълум маънода бу сирлар оламига калит яратилади.

Ушбу илмий муаммоларнинг ечими бўйича муайян натижаларга эришиш учун қуйидаги жиҳатларни тадқиқ этиш муҳим:

- тимсол ва рамзнинг лексикографик ва илмий манбалардаги талқини;

- форс адабиётда рамзлар ва тимсоллар тизимидаги мифологик қатлами;

- форс адабиётдаги рамзлар ва тимсоллар миллий урф-одатларнинг акс этиши;

- муайян давр ижтимоий ҳаётга муносабатидан келиб чиқадиган маъно катлами;
- форс адабиёти рамзлари ва тимсоллари диний-ирфоний маъно катлами;
- форс адабиёти рамзлар ва тимсоллар шоирнинг индивидуал бадиий кашфиётлари;
- форс адабиёти рамзий ифодаларининг мажозий маъно кўламини яратишда бадиий санъатларнинг ўрни.

Форс адабиёти рамз ва тимсоллари такомил боскичларининг комплекс тарзда ўрганилиши лексикографик тадқиқотлар учун назарий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлса, ҳозирги авлод учун жумбоққа айланиб қолаётган ўтмиш авлодлар маънавий бойлигини очиб бериш, рамзлар маънолар тизимини таҳлил қилишга интилиш амалий томонидан муҳим ҳисобланади. Илмий тадқиқот мумтоз адабиёт матнлари таркибида яширин қолиб келаётган ғоявий-бадиий сир ва ҳақиқатларни янада ёркинрок очиш, рамзларга дахлдор маъно-моҳиятни тўғри ҳамда кенгрок мушоҳада қилишга имкон беради.

*Халмурзаева Нодира*

*Старший преподаватель кафедры Японской филологии*

## **СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЯПОНСКОЙ ЛЕКСИКОГРАФИИ В ЯПОНСКОЙ КУЛЬТУРЕ**

В настоящее время в связи с бурным развитием различного рода контактов с зарубежными странами, созданием совместных предприятий, расширением возможностей заграничных поездок с особой остротой встает вопрос создания различных толковых словарей иностранных языков.

Развитие лексикографии различных стран призвано содействовать решению этого важного вопроса.

Вопросы языка, как отмечают и японские авторы, и иностранные наблюдатели, занимают заметное место в повседневной жизни японцев, которые рассматривают японский язык как достояние японской культуры. Тем не менее, в Узбекистане японская лингвистика известна недостаточно. Помимо языковых и культурных барьеров, играет роль и то, что она очень сильно

нацелена на изучение родного японского языка. Если семантика в целом не принадлежит к самым развитым областям японского языкознания, то лексикография там имеет давние корни (первые словари появились в IX в.) и очень развита. Поначалу японская лексикография зависела от китайских образцов, в соответствии с которыми толковались не столько слова, сколько иероглифы, то затем еще в Средние века сформировалась оригинальная традиция составления толковых словарей. Уже в XVIII в., в период закрытой Японии Котосуга Танигава составил словарь «Вакункан», состоявший из 93 томов. В наши дни количество толковых словарей японского языка разного объема очень велико.

Современный японский теоретик лексикографии Кунихиро Тэцуя приводит список из тринадцати больших и средних словарей, изданных в 1985–1995 гг. Конечно, среди этих словарей есть и переиздания (первые варианты которых появились в 30–50-е гг.), но каждый из них при переиздании дополнялся и исправлялся. За всю историю узбекской лексикографии вряд ли наберется тринадцать различных толковых словарей узбекского языка.

Хотя в Узбекистане за последние годы было много сделано в области лексикографии. В 2012 году ученые Института языка и литературы Академии наук Узбекистана завершили работу по составлению многотомного "Толкового словаря узбекского языка" на латинской графике.

По оценкам ученых, это издание - одно из самых важных, поскольку будет способствовать улучшению грамотности письменной речи молодежи.

В годы независимости вышли в свет толковый словарь "Узбекские имена", пятитомный "Толковый словарь узбекского языка", включающий в себя более 80 тысяч широко используемых в литературном языке слов и словосочетаний, терминов науки, техники, искусства, культуры и других сфер, диалектизмов и историзмов. Опубликованы словари специализированных терминов.

История японской лексикографии со времен Мэйдзи до наших дней подробно описана в двухтомном труде [Kurashima 1997]. Здесь рассказывается о том, как происходил синтез национальных традиций и европейского влияния, как создавались крупнейшие японские толковые словари. Это словарь 1928 г.

«*Jien*» (буквально 'сад слов'), целиком составленный крупнейшим ученым Симура Идзуру (1876–1967), и составленное им же дополненное издание 1955 г. «*Koojien*» ('расширенный сад слов') – словарь переиздается до сих пор, дополняясь коллективом лексикографов, – а затем самый крупный до сих пор словарь [Nihon 1973–1976] в двадцати томах. Последний словарь делался 15 лет коллективом из 2.000 человек и включает 449.614 слов [Kurashima 1997, 2: 19, 98].

В последние десятилетия столь большие по объему словари не составлялись, но издается много средних и малых толковых словарей, а также двуязычные и специализированные словари. Отметим лишь некоторые их типы. Необозримо количество словарей гайрайго, первый из которых вышел еще в 1915 г. [Stanlaw 2004: 310], а один из последних [Gendaijin 2006] содержит 42.000 словарных единиц. Много словарей синонимов, антонимов, пословиц и поговорок; есть и словарь метафор [Hangai 2002]. В 2003 г. впервые вышел словарь просторечия и разговорных выражений (*slangandcollo-qualisms*) [Nihonzokugo 2003]. Под редакцией Масаёси Хиросэ издан на английском языке специальный толковый словарь слов и выражений, близких по значению и часто смешиваемых друг с другом [Kodansha 2001], в него входит 302 словарные статьи и 708 слов с подробными толкованиями. Отметим и уже упоминавшийся словарь «мужского и женского японского языка» СасакиМидзуэ [Sasaki 2000–2003]. Среди русско-японских и японско-русских словарей можно выделить [Kenkyuusha 1988; Kodansha 1981–1992].

Но количество словарей еще не гарантирует качества. И в книге КунихироТэцуя много говорится о недостатках, имеющих во многих из японских словарей: порочных кругах в толковании, неточном различении близких, но не тождественных по значению или употреблению слов, отсутствии данных об ограничениях на словесную сочетаемость. Кунихиро специально оговаривает, что он не рассматривает в своей книге по лексикографии слова, встречающиеся только в древних памятниках вроде «Маньёсю» (VIII век). Другая особенность. Например, в словаре «Кодзиэн» издания 1985 г. между словарными статьями *sensootan* 'мастер чайной церемонии' и *sensoku* 'мытьё ног' мы

находим статью: *sensootoheiwa* 'война и мир' (не рассматриваем здесь вопрос о японском алфавитном порядке, отличающемся от нашего). Тут же (как и при всех прочих заимствованиях, включая кальки) дается латинская (!) транскрипция исходной лексической единицы: *Voina i Mir*. В толковании говорится, что это роман Льва Толстого, описывающий жизнь русского народа на фоне Отечественной войны. В стране, где был написан роман, сколь популярен бы он ни был, его название никогда не включалось в качестве заглавной статьи ни в обычные энциклопедии, ни тем более в толковые словари. Следует рассмотреть некоторые специфические особенности японской лексикографии и их причины.

Почти в любом японском словаре (толковом или двуязычном) бросается в глаза некоторое количество лексики, не употребляющейся в современном литературном языке, а в разговорном языке вышедшей из употребления много веков назад (или вообще в нём не употреблявшейся). Даже в сравнительно небольшом словаре [Reikai 1972] находим слова *haberi* 'быть' (вежливо), *tamau* 'давать, пожаловать' (вежливо), *iwaku* 'говорить', *notamau* 'говорить', *makari* 'быть' и др. А в большом японско-английском словаре [Masuda 1974] таких слов еще больше. Здесь имеется особая помета А (archaic), которой снабжаются слова, вышедшие из употребления не позднее первой половины XIX в. (слова, исчезнувшие позднее, имеют помету О – obsolete). Фактически к архаичной лексике принадлежат и слова с пометами L (literary) и E (elegant), но их архаичность имеет несколько особый характер, см. ниже. А в больших словарях, вроде вышеупомянутого однотомного словаря «Кооџиен» или в еще большей степени 20-томного словаря [Nihon 1973–1976], характерно стремление к охвату лексики за всю письменную историю японского языка с VIII в. до наших дней. В словаре «Кодзиэн» в отличие от упомянутого выше японско-английского словаря, где пометы - влияние западной лексикографии, вообще нет помет, и архаическая лексика строго не отграничена от современной. Впрочем, в толкование может включаться временная граница. Например, выше упоминалось слово *sensootan* 'мастер чайной церемонии', в отношении которого указано, что оно употреблялось в начале эпохи Эдо, то есть в XVII в. Для японского

языка такой эпохой является эпоха Мэйдзи (1868–1912), литературная норма с тех пор сохраняла преемственность. Эта грань значима и для японской лексикографии: см. различие помет *archaic* и *obsolete*. Но если слова, соответствующие *obsolete*, включаются в словари современного языка и в других странах, то слова, соответствующие *archaic*, – нет.

Причин различия, видимо, две. Одна из них связана с особым соотношением между современным литературным и старописьменным (бунго) языками в Японии. Современный литературный язык здесь существует с эпохи Мэйдзи, а ранее соответствующую роль играл бунго, типологически сопоставимый с церковнославянским языком в России или латынью в Западной Европе. Но если последние языки уже давно вышли из активного употребления (исключая лишь религиозную сферу), то бунго сосуществовал с современным литературным языком до 40-х гг. XX в. и не совсем забыт даже сейчас. Еще в 1941 г. видный лингвист Токиэда Мотоки полагал, что для носителя языка современный литературный язык и бунго различаются не как современный и древний язык, а по степени престижности: бунго выше [Токиэда 1983: 93]. И, что особенно важно, бунго остается источником пополнения лексики и даже грамматики современного литературного языка [Алпатов 1977].

В Японии же язык памятников IX–XII вв. (иногда также и VIII в.) во все последующие эпохи считался образцовым и не отграничивался от бунго, позже сложившегося на основе этих памятников. До XIX в. для японских грамматистов существовал единый язык, который мог быть лишь лучше или хуже. Когда сложился новый литературный язык, «хороший» (нормализованный) японский язык стали рассматривать в двух вариантах: бунго и кого (буквально «письменный язык» и «разговорный язык»). Это нашло отражение и в лексикографии, в частности, в словаре «*Koōjien*», первое издание которого («*Jien*») вышло в 1928 г. (последующие его дополнения и изменения не коснулись данного принципа). В этом словаре даже при словах, общих для бунго и современного языка, примеры обычно даются из старых памятников на бунго.

При таком подходе любое слово древних памятников могло хотя бы потенциально появиться во вновь создаваемом на бунго тексте. А в первой половине XX в. В деловой сфере всё писали на бунго. И пока бунго был живым языком, любой архаизм имел шанс «воскреснуть» в нем, а затем перейти в современный литературный язык, книжная лексика которого формировалась на основе бунго. Поэтому включение в словарь архаизмов могло иметь и практическое значение. На практике не всегда легко различить давно исчезнувшие слова (помета А в японско-английском словаре) и слова, употреблявшиеся в бунго XIX–XX вв., но не прижившиеся в современном литературном языке (пометы Е для поэтической и эпистолярной и L для иной лексики).

Хотя сейчас новые тексты на бунго почти не создаются, исключая лишь традиционные жанры поэзии, но лексикографическая практика не меняется (конечно, включение или не включение архаической лексики зависит от объема словаря). Показательно сопоставление первого издания упомянутого выше японско-английского словаря [Katsumata 1954] и его переработанного издания [Masuda 1974]. На просмотренных нами словаря первого издания в новое издание не попали 144 слова, из них лишь одно с пометой А, 10 с пометой L, 7 с пометой Е; большинство исключенных слов – слова, не имевшие никаких помет, за двадцать лет, видимо, потерявшие актуальность. Но в соответствующей части нового издания остались 7 слов с пометой А, 106 слов с пометой L и 7 слов с пометой Е.

Такая лексикографическая практика, видимо, имеет основания, поскольку бунго в Японии учат в школе, и есть жанры, где соответствующая лексика, пусть дозировано, употребляется. Например, в популярном жанре самурайского фильма самураи говорят, разумеется, на современном литературном языке, но с постоянными вкраплениями старых слов, особенно старых форм вежливости. И архаичные глаголы, включенные в вышеупомянутый словарь малого объема, как раз могут встретиться в самурайских фильмах (невозможный в обычной речи глагол *tatai* в словаре [Masuda 1974] дан даже без помет). К тому же ввиду сохраняющегося пассивного знания бунго старые литературные памятники даже сейчас не принято переводить на



современный язык: они издаются в оригинале с комментариями. Всё это поддерживает лексикографическую традицию.

Другая причина состоит в том, что, как пишет Курасима Нагамаса, в концепции большого словаря [Nihon 1973–1976] (как и многих других словарей) ключевое слово – «культура» [Kurashima 1997, 2: 19]. В словари стремятся включить любые слова, важные для японской культуры, в том числе и те, что в современном языке не употребляются (отвлекаемся, конечно, от ограничений, связанных с объемом словарей). Мы приводили слова Судзуки Такао о том, что для современного японца «Маньёсю» в большей степени актуальная часть своей культуры, чем «Беовульф» для современного англичанина. Это сказывается и на лексикографии.

Курасима Нагамаса отмечает, что включение старой лексики, начиная от древнейших памятников, оставалось инвариантной чертой японской лексикографии с эпохи Мэйдзи до последнего времени [Kurashima 1997, 1: 222, 247, 262]. Но сейчас всё больше говорят о создании словарей современного языка без помещения в них старой лексики [Kurashima 1997, 2: 180–181].

В большинство японских толковых и двуязычных словарей включаются и собственные имена, что в целом не свойственно европейской традиции. Особенно последовательно это делается для географических названий. И в японско-английском словаре [Masuda 1974], и в словаре [Koojien 1985], и в среднем по объему словаре [Sanseidoo 1992] представлены названия большинства государств мира. Включаются в словари также названия организаций, органов печати и пр. Реже в них включаются имена и фамилии, но в том же словаре [Koojien 1985] можно найти самые обычные личные имена вроде мужского имени *Taroo* (1520), имена общеизвестных исторических лиц, скажем, всех сёгунов рода Токугава (1720) (дана большая словарная статья *Tokugawa*, в которую включены имена всех этих правителей с краткой биографией). С этим, разумеется, связано и включение в данный словарь романа «Война и мир»; автор этого романа, как и два других знаменитых Толстых (*Torusutoi*), также включены в этот словарь (1764).

Этот подход к собственным именам в европейской лингвистической традиции имеет глубокие корни; в первой дошедшей

до нас полной системе частей речи Хрисиппа (III в. до н. э.) они входят в эту систему наряду с именем нарицательным (включая и прилагательные), глаголом, союзом и артиклем. И позднее это понятие устойчиво сохранилось.

Обычно каждое из таких определений выделяет некоторый класс имен, не совпадающий с традиционным классом собственных имен. Например, распространенная трактовка их как обозначений индивидуальных объектов не подходит к личным именам и фамилиям, но включает слова вроде *небо*, *эклиптика*, *зенит* и т. д.

Имена собственные в ряде языков определяются лишь традицией, которая может быть различна для разных языков и меняться со временем: названия месяцев, дней недели, народов, языков считаются собственными именами в английском языке и нарицательными в русском, а названия народов писали в XIX в. с большой буквы и в русском языке. Помимо общего графического выделения прописной буквой (невозможного для японского языка, где таких букв нет), в ряде европейских языков имеются и формальные особенности некоторых классов собственных имен вроде специфической сочетаемости с артиклями. И всегда, особенно когда таких формальных особенностей нет, возникают спорные случаи. Скажем, в словаре [Ожегов, Шведова 1997] нет, разумеется, города Эссентуки, но есть одноименная минеральная вода (с. 188). Можно ли говорить здесь о нарицательном имени? Или, например, в Японии принято любую трехцветную кошку именовать *Mike* (буквально «три шерсти»). Что это: нарицательное имя со значением «трехцветная кошка» (так оно подается в БЯРС (т. 1, с. 598)), собственное имя-кличка или два омонима? Анализ подобных примеров см. [Суперанская 1973: 178].

Не удивительно, что данное не очень ясное понятие с трудом приживается в японской науке. Например, М. Киэда писал в 1937 г. о различии собственных и нарицательных (а также собирательных, абстрактных и пр.) имен: «В европейских языках такому делению имен существительных предпосланы определенные правила, например, правила употребления артикля, правописания с большой буквы и т. п., – отсюда и необходимость различения каждого из этих типов. Что же касается японского языка, то он таких правил не имеет и потому нет необходимости

в грамматической классификации по обозначаемому предмету» [Киэда 1958: 85–86]. Далее он признает возможность выделения нарицательных и собственных имен в японском языке, но считает, что оно вызвано «только соображениями практического удобства» [Киэда 1958: 86].

Такое чуждое традиции и всей японской культуре понятие как имена собственные осталось не до конца освоенным, что проявляется и в лексикографии. При этом можно видеть, что традиция, когда-то вообще не различавшая собственные и нарицательные имена, сейчас уже не едина. Можно видеть три лексикографических подхода. Самый традиционный, представленный во всех изданиях словаря «Кодзиэн» или в 20-томном словаре, не только не отделяет имена собственные от остальных слов, но и совмещает свойства толкового и энциклопедического словаря, объясняя, например, кем были А.К., Л.Н. и А.Н. Толстые. Культурная ориентация таких словарей способствует включению в них энциклопедической информации. И эта энциклопедичность со временем могла усиливаться: например, в третьем издании словаря «Кодзиэн» 1969 г. в статье об Исландии по сравнению с первыми изданиями добавили данные о числе жителей и преобладающей религии [Kurashima 1997, 1: 264]. Иной подход в русско-японском словаре [Konsaisu 1962]: здесь, наоборот, нет энциклопедичности, но учитываются трудности при переводе (не всякий японец, слушая русскую речь, сразу поймет, что *Лермонтов* – фамилия). Иногда, как в словаре [Reikai1972], европейский подход оказывает влияние, но психологически всё равно оказывается трудным принять, что слово базовой лексики – название собственного государства – не должно включаться в словарь, отсюда непоследовательности.

Ни в одном русском толковом словаре нет, например, слова *Япония*, хотя всегда в них бывают *японцы*, *японка* и *японский*, а иногда и *японистика* и *японовед* [Ушаков 1935–1940, IV: 1463; Ожегов 1952: 847; Словарь 1948–1965, 17: 2185; Ожегов, Шведова 1997: 918]. Отметим, что *японцы* всегда фигурируют во множественном числе, а *японка* в единственном. В толковании этих слов присутствует производящее слово *Япония*, которое в отличие от слова *Елизавета* не принято толковать даже в статьях

о производных словах. Отсутствие исходного слова может приводить к ошибкам в толковании, как это произошло в словаре Ушакова и в первых изданиях словаря Ожегова, где *японский* трактуется исключительно как прилагательное к слову *японцы* (*японец*). Очевидно, однако, что в большинстве случаев *японский* относится к слову *Япония* (в словарях [Словарь 1948–1965; Ожегов, Шведова 1997] ошибка исправлена).

Это свойство в отличие от двух предыдущих труднее связать с культурой, и оно присуще не всем японским словарям, особенно более вестернизированным. Однако оно было свойственно еще словарям эпохи Мэйдзи [Kurashima 1997, 1: 130], а, например, в словаре «Кодзиэн» представлено в полной мере.

Приводившийся выше пример с романом «Война и мир» странен для нас не только потому, что это – имя собственное, но и потому, что это – словосочетание. Для японского языка эквивалент названия романа – «*Sensootoheiwa*» – также словосочетание по грамматическим критериям (орфографический критерий неприменим, так как пробела в обычном японском тексте не бывает). Имеются два существительных *sensoo* 'война' и *heiwa* 'мир' (как противоположность войне), соединенные сочинительным союзом. Однако в словаре это словосочетание стоит между двумя несомненными словами и подано как целая единица.

И так постоянно в данном словаре. Например, вслед за словом *sode* 'рукав' (с. 1417) идет страница текста с иными словами вроде *sodegaki* 'низкая ограда', *sodeguchi* 'отверстие рукава', *sodetatami* 'складывание (кимоно) рукавом к рукаву'. Затем на с. 1418 идет 25 фразеологизмов с первым компонентом *sode*, за которым следует атрибутивный послелог *no* и какое-нибудь другое слово: *sodenoshita* 'взятка' (буквально «под рукавом»), *sodenokami* 'женский носовой платок' (буквально «бумага рукава»).

Однако, так подаются не все фразеологизмы, а лишь номинативные единицы: именные словосочетания (атрибутивные или сочинительные) или сложные номинативные единицы любой структуры, например, названия художественных произведений (*Wagahaiwanekodearu* 'Я – кот (есть)' (в русском переводе «Ваш покорный слуга – кот») – название повести Нацумэ Сосэки). Глагольные фразеологизмы подаются, как и в европейских словарях, внутри словарной статьи после толкования. Упо-

мянутая словарная статья *sode* 'рукав' не включает в себя особо выделенные фразеологизмы вроде «*sode* + *no* + имя», но включает фразеологизмы типа «*sode* + *o* (показатель прямого дополнения) + глагол» вроде *sode o hiku* 'приставать к женщине' (буквально «тянуть рукав»). В «Большом японско-русском словаре», в котором учтены первые издания словаря «Кодзизэн», все эти фразеологизмы, как принято в русских словарях, даны единообразно: внутри словарной статьи *sode*.

Первая часть японско-узбекско-русско-английского, а также вторая часть узбекско-японско-русско-английского словаря Шерова Суната является единственным словарем, который составлен на 4-х языках. Словарь составлен из слов которые необходимо знать для сдачи теста 4-го уровня японского языка. Порядок слов в первой части словаря в первой графе приведены написания японских слов каной, затем при наличии их иероглифического написания приведены иероглифы. После слов на японском языке, в отдельной графе даны чтения японских слов на латинской транскрипции принятом в Японии чтении – ромадзи.

Во второй части словаря после многих слов даны словосочетания на узбекском языке с их эквивалентами на остальных языках.

Кроме того, составлен коммуникативный словарь в соавторстве Сугано Р., Халмурзаевой Н., Зиямовой З. состоит из частей: японо-русско-узбекская. Каждый раздел снабжен выражениями, позволяющими расширить границы общения читателя, лексика разговорника максимально приближена к реальной ситуации. С этой целью в словарь введены наиболее употребляемые разговорные формулы, вероятные варианты ответов на вопросы.

Коммуникативный словарь предназначен для специалистов изучающих японский язык, обладающих минимальными знаниями языка. Поэтому упрощена фонетическая транскрипция, переданная посредством алфавита языка пользователя.

Коммуникативная цель разговорника не предполагает достижения фонетической точности произношения, которая может быть достигнута лишь в результате длительного обучения языку.

Такой подход может быть удобен, которые представляют собой единую номинацию независимо от состава и количества словоформ. Таким образом, некоторые особенности японской

лексикографической традиции имеют под собой основания и заслуживают внимания. И в той или иной степени они отражают свойства японской культуры.

В наши дни количество толковых словарей японского языка разного объема очень велико. За всю историю узбекской лексикографии вряд ли наберется тринадцать различных толковых словарей узбекского языка.

При этом надо различать две разные вещи: особенности японской лексикографической традиции, способные существенно усложнять использование словарей японского языка.

К числу особенностей японской традиции могут быть отнесены, например, принципиальное включение в любой словарь лексики древних памятников и имен собственных, менее строгое, чем мы привыкли, разграничение толковательной и энциклопедической информации, иногда подача отдельными словарными статьями фразеологизмов. Кунихиро не останавливается на такого рода аспектах словарной работы, принимая их как должное. Иными словами, прогресс лексикографии невозможен без прогресса теоретической семантики, или, говоря более практически, лексикографы должны усвоить семантическую теорию и методологию и применять их на практике.

## МУНДАРИЖА

|   |     |
|---|-----|
| <b>Мукаддима</b> .....  | 3   |
| <i>Аҳмедова Д.</i> Лексикографиянинг бошқа лингвистик<br>фанлар орасидаги ўрни ва Эрон лексикографиясининг<br>ривожланиш босқичлари .....           | 6   |
| <i>Худайбергенова З.</i> Турк тили луғатчилиги шаклланиши<br>тарихига бир назар .....   | 16  |
| <i>Бегматова Б.</i> Араб луғатшунослиги мактаблари .....  | 23  |
| <i>Қосимова С.</i> Мовароуннахр тилшунослари асарларида<br>араб тили грамматик терминларининг қўлланиши.....  | 30  |
| <i>Мирзааҳмедова Х.</i> Эрон Тил академиялари ва уларнинг<br>форс луғатчилигига таъсири .....   | 37  |
| <i>Мустафаева С., Исматуллаева Н.</i> Хитой<br>лексикографияси ҳақида умумий маълумот.....  | 65  |
| <i>Эргашева К.</i> Тамил тилига оид луғатлар .....  | 91  |
| <i>Хаджаева Н.</i> Ҳиндий тили сўз бойлиги ва<br>лексикографияси .....  | 99  |
| <i>Қосимова З.</i> Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро<br>ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда<br>ижтимоий-сиёсий терминлар луғатининг ўрни. .... | 108 |
| <i>Султанхаджаева С.</i> Форс тили фразеологик бирликлар<br>системаси амалий луғатшунослик манбаи сифатида .....                                    | 115 |
| <i>Қаландаров М.</i> Классик форс шеърятда рамз ва<br>тимсолларни ўрганишнинг лексикографик масалалари.....   | 124 |
| <i>Халмурзаева Н.</i> Специфические особенности<br>японской лексикографии в японской культуре.....  | 129 |

**ШАРҚ ТИЛЛАРИ ИККИ ТИЛЛИ  
ЛУҒАТЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК  
ТАДҚИҚОТЛАРИ**

**Нашрга тайёрловчи:** ф.ф.н. Д.Аҳмедова

**Масъул муҳаррир:** ф.ф.н., доц. Х.Алимова

**Тақризчилар:**

Профессор А.Куронбеков

Профессор Э.Умаров

Бичими 60x84<sup>1/8</sup>.

«Times New Roman» Шартли б.т. 18.

Нашр т.17,1. Сони 50 та.

«Extremum press» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. 100053,  
Тошкент ш. Боғишамол кўчаси 3уй.

Тел: 234-44-05.

E-mail: Extremum-press@mail.ru



